

**МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**



100 ЙИЛ



З. Саидбобоев, Ш. Чориев
МАХСУС ТАРИХИЙ ФАНЛАР
АСОСЛАРИ

Узб. 2
905.2
С-21

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

*Мирзо Улугбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университети
100 йиллигига бағишланади*

САИДБОБОЕВ З.
ЧОРИЕВ Ш.

МАХСУС ТАРИХИЙ ФАНЛАР АСОСЛАРИ

5320300-Архившунослик бакалавриат йўналиши талабалари
учун дарслик

ТОШКЕНТ
«УНИВЕРСИТЕТ»
2017

Ўқув қўлланма махсус тарихий фанлар ҳамда унинг асосини ташкил этувчи қисмлар – палеография, археография ва эпиграфика, нумизматика, топонимика, тарихий картография, хронология ва метрология, дипломатика, геральдика ва сфрагистика, генеалогия фанларининг пайдо бўлиши, ривожланиши, тарихий фанлар учун аҳамияти ҳақида тасаввур бериш имконини беради.

Масъул муҳаррир:


З.Б.РАҲМОНҚУЛОВА,
тарих фанлари номзоди, доцент

Такризчилар:

Н.А.АБДУРАҲИМОВА,
тарих фанлари доктори, профессор

О.БЎРИЕВ,
тарих фанлари номзоди, доцент

Ушбу ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 21 октябрдаги 396-сонли буйруғи билан нашр қилишга тавсия этилди.



ISBN: 978-9943-4586-9-7

КИРИШ

“Махсус тарихий фанлар” (“ёрдамчи тарихий фанлар” деб ҳам юритилади) байналмилал тушунча бўлиб, немис тилидаги “Die historischen Hilfswissenschaften” атамасидан келиб чиккан. Шундай атама француз, инглиз, поляк ва бошка тилларда ҳам мавжуд (“les sciences auxiliaires de l’histoire”, “the auxiliary historical disciplines”, “nauki pomocnicze historii” ва хоказо).

Махсус тарихий фанлар дипломатика, хронология, метрология, сфрагистика, геральдика, нумизматика, археография, генеалогия, картография каби фанлардан иборат. Тарихий фанлар тизимида яна эпиграфика ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Кодикология, берестология, бонистика, фалеристика, векселлология, эмблематика, филократия каби фанларнинг махсус тарихий фанлар сирасига кирганига кўп бўлмади.

Тарихий тадқиқотлар жараёнида махсус тарихий фанлар ўзининг мустақил, муҳим тадқиқот максади, алоҳида таҳлил усуллари билан ажралиб турганлиги боис, уларга фаннинг “ёрдамчи” соҳаси деб караш нотўғри. Махсус тарихий фанлар асослари тарих фанининг ривожига, биринчидан, тўғри далилларни бериши, иккинчидан, тарихий жараёнларнинг муҳим томонларини ёритиши билан ажралиб туради. Бу жиҳатдан махсус тарихий фанлар тарихнинг “ёрдамчилари” ҳисобланади. Жумладан, қадимги ва ўрта асрларга оид матнни палеографияни билмасдан туриб ўқиш ёки тарихий воқеанинг санасини тўғри ўгириш қондасисиз уни қандай аниқлаш мумкин?

Махсус тарихий фанлар асослари тарих фани, архившунослик соҳаси билан ҳамбарчас боғлиқ, уни ўрганмасдан туриб, тарихчи, архившунос етук мутахассис бўлиб шаклланиши мушкул. Ўрта асрлардаги йирик тарихчилар манбашунос, дипломатист ва палеограф бўлганлиги бежиз эмас. Тарих фанидаги ютуқлар муайян маънода махсус тарихий фанлар соҳасидаги ривожланиш ютуқларига ҳам боғлиқ. Мазкур омил тарих фанининг бирлигини исботлаб, уни “асосий”, “махсус” ва “ёрдамчи” фанларга бўлиш шартли эканлигини билдиради. Махсус тарихий фанларнинг мустақил мақсад ва вазифалари мавжудлиги уларнинг ҳар бири алоҳида фан тармоғи эканлигидан далолат беради.

Махсус тарихий фанларга тавсиф берганда, уларга тўлиқ тарихий фанлар эканлиги нуқтан назаридан ёндашиш керак. Фақатгина этнография, тарихий география ва палеография аралаш

хусусият касб этади. Адабиётларда палеографияга тарихий-филологик фан сифатида ҳам тавсиф берилади.

Махсус тарихий фанларнинг услубияти доимо ривожланиб, мукаммаллашиб боради. Уларнинг ўзаро боғликлиги ҳар бирининг янги тажрибалар билан бойиши, манбашунослик ва тарихий синтез учун сабаб яратишга имкон беради.

Фан ягона. Бу ҳақиқат тарих фани, архив соҳасига ҳам тааллуқли бўлиб, мутахассислар уни алоҳида бўлимларга бўлишади. Бирор муаммони ўрганаётган тадқиқотчи эса бир даврга оид турли фактик материалларга тўқнаш келиши ва уларни махсус тарихий фанлар, манбашунослик, палеографик таҳлил орқали ҳал этиши мумкин.

Манбашуносликка доир замонавий ўқув қўлланмаларида махсус тарихий фанларнинг аҳамияти, уларнинг манбавий таҳлил жараёнидаги ўрни масалаларига деярли эътибор қаратилмаган. Шу жиҳатдан мазкур дарслик бу соҳадаги бўшлиқни тўлдирибгина қолмай, балки олий таълим муассасалари талабалари учун яратилган дастлабки ўқув адабиёти ҳисобланади.

Дарсликда талабаларнинг фан юзасидан эгаллаган билимларини мустаҳкамлаш мақсадида ҳар бир мавзудан сўнг савол ва топшириқлар ҳамда тавсия этилган манба ва адабиётлар берилди. Бундан ташқари, ушбу фандан маъруза ва амалий машғулотлар олиб борилишини ҳисобга олиб, мустақил таълим ҳамда мустақил иш мавзулари ҳам берилган.

Келажакда ўқув қўлланмани такомиллаштириш юзасидан берилган барча маслаҳат ва тавсиялар учун муаллифлар аввалдан миннатдорчилик билдиради.

I БОБ. ПАЛЕОГРАФИЯ

1. Палеография тарихи. Унинг фан сифатида пайдо бўлиши ва ривожланиши

Палеография тарих фанининг ёрдамчи тармоқларидан бири. Тарихий-филологик характерга эга мазкур фан соҳаси кишилиқ жамияти таракқиёти давомида вужудга келган турли ёзувлар характери ва мазмунини, унинг ривожланиб, ҳозирги кўринишга келганини ўрганеди.

Палеография атамаси грекча “палеос – “қадимги”, “графио” – “ёзаман” сўзлари бирикмасидан иборат. Бу атама фанга биринчи марта 1708 йилда илмий палеография асосчиси франциялик монах Бернар де Монфокон (1665–1741 йиллар) томонидан киритилган.

Палеография — ёзув белгиларининг яратилиши ва уларнинг ривожланишини ўрганувчи тарихий-филологик фан, назарий палеография тарихан ўзгарган ёзув хусусиятлари қонуниятларини аниқлайди, амалий ва тавсифий палеография муайян қўлёзманинг қачон ва қаерда яратилганини, уни ёзган ёки кўчирган шахснинг иштироки ҳамда котибларнинг иш ҳажмини аниқлаш мақсадида қўлёзмаларнинг индивидуал (ўзига хос) жиҳатларини ўрганеди.

Палеография мустақил фан сифатида дипломатика (қадимги ҳужжатлар, ёрликлар ва ёзма манбаларнинг хақиқийлигини аниқловчи соҳа)дан ажралиб чиққан.

Палеографиянинг асосий вазифаси – санаси кўрсатилган қўлёзмаларнинг хронологик ва ҳудудий хусусиятларини аниқлаб, тартибга солиш, шунингдек, ёзилиш вақти ва жойи кўрсатилмаган, қўлёзмаларнинг даври ва жойини аниқлаш.

Палеография адабиёт ёдгорликларидан ташқари дипломатик ёзувлар, танга, муҳрлар, тош ёки қаттиқ жисмларга туширилган ёзувларни ўрганеди, тасвирий санъат ёдгорликларини ҳам қамраб олади. Палеография алоҳида фан сифатида XVIII асрнинг биринчи ярмида Европада, дастлаб Францияда вужудга келди ва ривожлана бошлади. Бошқа мамлакатларда эса палеографиядан турли ёзувларни ўқиш, ўрганиш, ҳужжатларни аниқлашда фойдаланилган, ҳолос.

Палеография XVIII аср охири – XIX асрнинг бошларидан Европа, Осиё, Америка мамлакатларида ривожлана бошлади, йирик илмий муассасалар очилди. Бу даврда И.Фридрих, Э.Лоукотки, Д.Дирингер, Ж.Ханмер, С.Лэнгдон, П.Мериджи, К.Брике, Г.Нойман, И.Гросс каби йирик палеографлар етишиб чиқди.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Россияда ҳам К.Н.Невоструев, Е.Ф.Карский, Н.П.Лихачев, А.В.Гарский, И.С.Беляев, А.И.Соболевский каби олимлар палеографияга доир дарсликлар, илмий асарлар яратдилар.

Совет даврида ҳам палеографияга оид ўқув қўлланма ва дарсликлар яратилди. Масалан, 1918 йили В.Н.Шепкиннинг “Русская палеография” асари чоп этилди. Бу дарслик жуда катта илмий кимматга эга бўлганлиги сабабли 1967 йилда қайта нашр этилди.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг собик Иттифокда палеографияга доир қатор дарсликлар, альбом ва илмий асарлар яратилди.

Палеография тараккиёти ер юзида ёзув қачон вужудга келганини аниқлаш имконини берди. Тўпланган бой ёзма манбалар (белгилар, суратлар, буюмлар, ҳарфлар ва бошқалар) муайян халқларнинг урф-одати, маданияти ҳамда турли воқеалар тўғрисида маълумот беради.

Инсоният ёзувга етиб келгунча ўз бошидан узок даврни кечирган, Нуткни ёзиб олиш учун эса бир неча минг йил илгари махсус белгилар қўлланила бошланган. Топилган ашёвий буюмлар, дастлабки расм-белгилар ёзув бундан 6–7 минг йил олдин пайдо бўлганидан далолат беради.

Буюмлардан мнемоника (эслатиш) воситалари сифатида фойдаланиш ҳозирги ёзувга олиб келувчи узок йўлдаги биринчи кадамдир. Бу белгилар фақат инсон фикрини ифодалаган.

Вақт ўтиши билан буюмларга аниқ маъно берилган. Улар нарсаларни билдирувчи, олдиндан келишиб олинган ўзига хос сигналлар, шартли белгилар ҳисобланган. Буюмга маъно биркитиб қўйишнинг мазкур усули буюмли ёзув деб аталган. Буюмли ёзувдан фойдаланиш Осиё, Африка ва Америка қитъаси халқлари орасида кенг тарқалиб, узок давом этиб келган. Масалан, “Вампум” камари Шимолий Америка хиндуларининг буюмлар ёзуви бўлиб, шакли ажойиб, у турли рангли чиғаноклардан иборат. Чиғанокларнинг жойлашуви, ранги, сони муайян маънони билдирган.

Перу давлати ҳудудида яшаган қадимги аҳоли ўртасида ишлатиб келинган тугунлардан иборат ёзув ҳам буюмли ёзувнинг ажойиб намунаси бўла олади.

Ҳиндистонда яшаган қадимги халқлар ёзув сифатида дастлаб турли рангдаги буюмларни ишлатганлар, қора ранг – бахтсизликни, бинафша ранг – хавф-хатарни, кизил ранг – урушни билдирган ва ҳоказо.

Аммо буюмли ёзув асосий вазифасини бажара олмади, яъни инсоният томонидан яратилган билимларни сақлаб, ёдлаб қоладиган ўзига хос хотирага айланмади. Инсоният тараққиётининг жадаллашуви, мураккаблашуви ёзувнинг вужудга келишини тақозо этди.

Пиктография – расмлардан иборат бўлган ёзув, у ҳозирги ёзувга ўтишда янги кадам бўлди. Расмлардан иборат ёзувнинг хусусияти шуки, бунда фикр айрим тушунчаларга ажратиб эмас, балки тўла ифодаланadi. Пиктограмма ҳаракатни, воқеа-ҳодисани тасвирлайди, лекин оғзаки тилни, буюмларнинг номларини мутлақо акс эттирмайди. Пиктограмма нимани тасвирласа, ўшани ифодалайди, унда символика йўқ.

Пиктография дастлаб ибтидоий санъат сифатида вужудга келган. Археологлар энг қадимги тош даври (палеолит)га мансуб қоя тош суратларини топганлар. Бу давр одамлари турли ҳайвон, қуш, одамларнинг тасвирини тошга туширганлар.

Пиктографик ёзув неолит даврида (эрампдан аввалги 5–8 минг йилликлар ораси) тўлиқ шаклланган. Пиктографик белгилардан ҳозир ҳам кенг фойдаланилмоқда.

Идеография. Жумлаларнинг айрим тушунчаларга, сўнгра сўзларга бўлиниши – **идеография** ҳозирги ёзувга олиб келадиган йўлдаги босқичлардан бири. Пиктограмма алоҳида элементларга бўлинмасдан, фақат тугалланган фикрни ифода этар эди. Идеография эса бутун сўз ёки тушунчани ифодаловчи тасвир бўлиб, илк қулдорлик давридан бошлаб Миср, Шумер, Хитой, Қрит ороли ва Месопотамияда ривожланган.

Идеографик ёзув ахборот мазмунини баён қилиши билан бирга, тилнинг луғавий таркибини ҳам белгилаб берди. Бу эса маъноси аниқ ва тасвирланиши осон бўлган сўзлар учун белги — идеограммалар яратилишига олиб келди. Идеографик шакл барча тилларда ўз мазмунини сақлаб қолган. Математика, физика, кимё фанларидаги ҳозирги вақтга сақланган қоида ва белгилар шулар жумласига қиради.

Идеографик шакллар мавҳум тушунчаларни белгилар билан ифодалаб берса-да, аммо сўзлар орасидаги боғлиқликни келтириб чиқара олмайди. Бир неча минг белги мавжудлиги эса уни ўрганишни мушқуллаштирган.

Жамият тараққиёти идеографик белгилар ўрнига осон ўрганиш мумкин бўлган содда ёзувни вужудга келтиришни тақозо этган. Натижада айтилган фикрларни эшитилиши бўйича ёзишга

ўтила бошланди. Эрамиздан аввалги уч мингинчи йилларда Шумер хукмдорлари ҳарбий юришларнинг якунлари тўғрисида маълумотни (шаҳар, кишлок номлари, шахслар) “ребус” усулида ёзиб қолдирганлар.

Бу эса бўғинли ёзувга олиб борадиган мураккаб йўлда қўйилган янги қадам эди. Дастлаб бўғинли ёзув қадимги миср, шумер, осурий, бобил, қадимги форс, хитой ёзувлари ва бошқа идеографик ёзувлардан ажралиб чиқади.

Биринчи алифбо эрамиздан аввалги икки мингинчи йилликда финикияликлар томонидан яратилган. У 22 ҳарфдан иборат бўлиб, ҳарфлар фақат ундош ёки унли товушлардан тузилган бўғинларни ифодалаган. Бунга сабаб шуки, финикияликлар тили семит тиллари гуруҳига кирган. Бу тилда ундош товушлар асосий ўрин эгаллайди.

Олимлар фикрича, финикия алифбоси ёзиш ва ёдлаб олишга қулай бўлганлиги учун миср ёзуви, оссурия-бобил ёзуви, критомикен ёзуви ҳам шу асосида вужудга келган.

Кейинчалик финикияликлар алифбосидаги ҳарфлар юнон ва оромий ёзувларидан ўзлаштириб олинган. Осиёдаги кўп ҳарфли-товушли ёзувлар қадимги оромий ёзувидан келиб чиққанлиги аниқланган.

Юнон алифбоси эса Ғарбдаги ҳарфли-товушли ёзув тизимига асос бўлиб қолган. Қадимги юнонларнинг ўчмас тарихий хизмати шуки, улар унли товушларни ажратиб, унинг ўрнига алифбога махсус белгилар киритганлар, натижада у ҳозирги кўринишга келган.

Ҳозирги вақтда ер юзида ёзувнинг тўрт юздан ортиқ тури мавжуд. Жуда кўп ёзувларнинг келиб чиқиши ва мазмуни ўрганаланаётган бўлса-да, лекин ҳамон муаммолар мавжуд. Масалан, рус ёзуви тарихини ўрганиш бўйича анча ишлар қилинган бўлса-да, лекин қадимги шумер ёзувлари ва финикия алифбосининг келиб чиқиши тарихи ҳақида маълумотлар йўқ.

Собиқ Иттифоқнинг Европа қисмида олиб борилган археологик қазинмалар жараёнида илм аҳли орасида катта қизиқиш уйғотган номаълум белгилар туширилган тош, сопол тахтачалар, идишлар топилган. Бу сирли белгилар узок ўтмишдаги жўшқин ҳаёт, воқеаларнинг ўзига хос “солномаси”дир.

Сирли ёзувларни ўрганишда мутахассислар икки йўналиш: сармат ва славян йўналишига ажралдилар. Сармат йўналиши тарафдорлари “сирли белгилар”ни сармат ёзуви десалар, славян

Йўналишидагилар уларни гоҳ қадимги антлар ёзувидаги ҳарфларга, гоҳ юнон алифбоси ёки руник ёзувга мансуб деб кўрсатадилар.

Қадимги славян алифбосига Кирилл ва Мефодий (IX асрда яшаган ака-ука славян маърифатчилари, илк славян алифбоси-кириллицани яратишган) асос солдилар.

Кириллица – 43 ҳарфдан иборат алифбо. Юнон алифбоси асосида яратилган мазкур алифбода славян ва юнон тилларидаги товушларнинг ўхшашлигига қараб, бир хил ҳарфлар ишлатилган. Гарчи кириллицада қадимги славян тилининг фонетик жиҳати назарда тутилган бўлса-да, лекин унга олтита юнон ҳарфи киритилган.

Эрамизнинг X асрига келиб, кириллицанинг давомчиси глаголица вужудга келди. Унда 39 та ҳарф бўлган. Бу алифбо ҳарфларининг шакли мураккаб.

Глаголица ҳарфлари ракамлар ўрнида ҳам ишлатилган. Масалан, дастлабки 9 ҳарф – бирликларни; кейинги 9 ҳарф – ўнликларни; охириги 9 ҳарф – юзликларни билдирган, “ч” ҳарфи эса мингликни ифода этган.

Собиқ Иттифокнинг Европа қисмидаги бир қатор ёдгорликларда олиб борилган археологик қазिशмалар вақтида эрамизнинг X-XI асридаги рус ёзувларига доир топилмалар аниқланган. Бу ёзувлар кириллица асосида вужудга келган бўлиб, сополга, дарахт пўстлоғи ва тош плиталарга битилган. Смоленск шаҳри яқинидаги Гнездово қабристонни ўрганилганда қабрлардан бирида сопол кўза топилган. Унинг юзасида ёзув бўлиб, бу ёзув “горошна” деган маънони беради.

Бундан ташқари, Киев яқинидаги археологик қазिशмаларда урчукнинг сопол тошлари топилиб, унинг айлана юзига “Потворин пряслен б” деб ёзилган.

1068 йилга оид бўлган топилма — тмутаракан тошининг юзасига 67 ҳарфдан иборат “Тмутаракандан Керчгача 14 минг сажен” деган ёзув битилган.

Новгород ва бошқа жойлардан қайин пўстлоғига битилган кўплаб ёзувларнинг топилиши мутахассислар орасида катта шов-шувларга сабаб бўлди. Чунки ўтган асрнинг 50-йилларигача кўпгина олимлар Русда фақат князлар, боярлар, черков ходимларигина ёзув-чизувни билган, оддий хунарманд фуқаро хат-саводсиз бўлган, деган фикрда эдилар.

Қайин пўстлоғидаги битиклар оддий халқ ҳам саводли бўлганини тасдиқлайди. Ҳарфлар ўткир буюмлар билан тимдалаб

ёзилган. Шундай қилиб, XI–XII асрлардан бошлаб Русда ёзувнинг таракқиётига кенг йўл очилган. Йилномалар, диний ҳамда иқтисодий алоқалар соҳасидаги битикларнинг тури кўпайган.

Ўрганилаётган алифболарнинг турига мувофиқ, палеография араб палеографияси, туркий палеография, хинд палеографияси, хитой палеографияси, юнон палеография, латин палеографияси, славян палеографияси ва бошқа турларга бўлинади.

2. Ёзув материаллари тарихи

Палеографияда ёзув материалнинг вужудга келиши ва такомиллини ўрганиш ҳозирги вақтда алоҳида илмий йўналиш касб этди. Қадимда ёзув материали нимадан иборат бўлганлигини археологик тадқиқотлар туфайлигина аниқлаш мумкин.

Жаҳоннинг турли ҳудудларида олиб борилган археологик қазишмалар даврида ҳар хил буюмларга ўйиб ёзилган битиклар топилган. Мутахассисларнинг фикрича, эрамиздан аввалги VIII–V асрлардан бошлаб Ўрта Осиё, Кавказорти ва Қора денгизнинг шимолий соҳилларида яшаган халқлар қоя тошларга, ҳайвон терисига, сопол ва ёғоч тахтачаларга турли воқеаларни ўйиб, рангли сиёҳларда ёзганлар.

Ёзув материаллари тарихини ўрганар эканмиз, Византия ёки Яқин Шарқда хат дастлаб папирусга, пергамент (тери), қоғозга битилганини кўрамиз. Маълумотларга қараганда, эрамизнинг IV–V асрига қадар ёзув материали сифатида папирусдан кенг фойдаланилган. V асрда пергамент ихтиро этилиши билан папирус истеъмолдан чиққан.

Русда Византия ёки Шарқдан олиб келинган пергаментдан ёзув материали сифатида фойдаланилган. XIII асрдан бошлаб маҳаллий мутахассислар ўзлари пергамент ишлаб чиқара бошлаганлар.

Пергаментдаги ёзувлар эскириши билан унга қайта ишлов берилиб, яна фойдаланилган. Русда пергаментдан ташқари дарахт пўстлогидан ҳам ёзув материали сифатида фойдаланилган. Археологик қазишмалар туфайли кундалик хўжалик ҳаётига оид маълумотларни ифода этувчи ёзувлар битилган 500 га яқин дарахт пўстлоғи топилган. Бу ёзувлар суяк ва металлдан ясалган ўткир буюмлар билан ўйиб тирнаб битилган.

Ижтимоий-иқтисодий ва маданий таракқиёт ривожланиши натижасида ёзувнинг роли ошиб борган ҳамда кишиларнинг ёзув материалларига бўлган эҳтиёжини кучайтирган. Маълумотлар

хилма-хил ёзув материаллари ишлаб чиқариш Шарк мамлакатларида кенг тараккий этганлиги, кейинчалик Европага кириб келганлигидан далолат беради. Масалан, Европага қоғоз эрамизнинг бошларида Хитой ва Ҳиндистондан кириб келди, илк ўрта асрда Европанинг барча ҳудудида қоғозга ёзиш расм бўлди. Текширишлар икки хил — бомбицина ва шахсий қоғоздан фойдаланилганини кўрсатади. Бомбицина қоғози пахта ва каноп, зигир толасидан иборат бўлган. Бу қоғоз қалин, сарғиш, баъзан жуда силлик бўлиб, унга тўлкинсимон чизик туширилган. Қадимда Шарк ва Европада асосан бомбицина қоғози ишлатилган. Баъзи мутахассисларнинг фикрича, пахтадан қоғоз тайёрлаш усули Шарқдан Ғарбга ўтган. Аммо микроскопик текширувлар шуни кўрсатадики, бомбицина қоғози, умуман, қоғозлар қалин, нотекис, дағал бўлган. Вақт ўтиши билан қоғознинг сифати яхшилана бориб, ҳозирги ҳолатга келган.

Ёзув материалларидан яна бири грифель тахтачаси бўлиб, Россияда ундан XVIII асрдан бошлаб фойдаланилган. Грифель тахтачаси кора сланецдан ясалган, юпка, ёғоч рамкага жойланган, катталиги ҳозирги дафтарлар ҳажмига тўғри келади.

Грифель тахтачанинг икки томонида ҳам фойдаланилган. Бу тахтача ёзувни дастлаб ўрганаётганлар учун жуда қулай бўлган. Чунки ундаги ёзувни ўчириш осон бўлган, бу эса қоғозни тежаш имконини берган.

Грифель тахтачасидан XVIII асрдан XX аср бошларигача Россиянинг барча ҳудудида тўлик фойдаланилган.

Ёзувларни турли материалларга туширишда ранг-сиёҳ жуда катта ўрин эгаллаган. Дастлаб теридаги ёзувлар оқ, кора рангларда битилган. Бу сиёҳлар ўсимлик, ҳайвон ёғи ва турли рангли тош ундан қилинса-да, қандай тайёрланганлиги асрлар давомида сир тутилган. Сиёҳ дастлаб Жанубий ва Шарқий Осиё мамлакатларида тайёрланган.

Ҳозиргача фойдаланиб келинган сиёҳлар турли бирикмалар асосида вужудга келган. Масалан, глицерин, темир кукуни, танин, шеллак, арпа, сирка, бур, квас, туз ва карбол кислотаси, қайин барги, дуб, ольха, олма, сомон кули, шавель, канд, нордон ва чучук асал, олча мўми, лимон шарбати ва бошқа моддалардан рангли сиёҳ тайёрланган.

Хаттотлар тери ва қоғоздаги ёзувларнинг ўзига хос қийматини оширишда турли ранглардан фойдаланганлар, яъни сарлавҳа, хатбоши ва сўзбоши кизил сиёҳда ёзилган.

Ғарбда таркибида кўрғошин купороси, киноварь ва бошқалар бўлган сурик сиёҳи ишлатилган.

Византияда эса пупур ёки император сиёҳидан фойдаланилган. Аммо бу сиёҳ қиммат бўлганлиги учун оддий сиёҳ (маймунжон) ўсимлигини ишлатиш расм бўлган.

Қадимги славян қўлёзмаларини ёзиш учун сурик ва сиёҳ ўсимлиги (маймунжон) рангидан фойдаланилган.

3. Ёзув қуроллари

Ёзув билан баробар ёзув қуроллари ҳам вужудга келган. Эраמידан аввалги биринчи минг йилликларга оид қоятошдаги ёзувлар (миххат) ўткир тош, металл қурооллар билан битилганлигини кўрсатади. Папирус, ёғочдаги ёзувлар қуш ва паррандалар патида битилган.

Илк ўрта асрда ёзув қуроли сифатида ғоз патидан кенг фойдаланилган. Ҳозирги вақтда рассомлар баъзи тасвирларни чизишда ғоз патидан фойдаланишмоқда. Патдан металл ёзув қуролига ўтилиши кишилиқ тарихида қўлга киритилган энг муҳим ихтиролардан биридир. Натижада металл перо билан тезроқ ёзиш имконияти вужудга келди.

Ҳозирги вақтда металл перо тарихи тўлиқ ўрганиб чиқилган, деб бўлмайди. Чунки Ер шарининг турли жойларида яшаган халқлар тарихий тараққиётда бир хил босқични бир вақтда босиб ўтмаган. Шу билан бирга, уларда фан ва техника тараққиёти умумийликни ташкил қилмайди.

Қадимги Римда бронза, мис ва кумушдан ясалган перодан ёзув қуроли сифатида фойдаланилган. Аммо уларнинг ясалиши, ташки кўриниши ҳозирги ёзув қуроолларига ўхшаш эмас, яъни улар зангламаган, ташлаб ҳам юборилмаган.

XV асрда Ғарбий Европада металл перо вужудга келган. Лекин улар юпка бўлгани учун тезда яроксиз ҳолга келган. 1798 йили А. Зенефельдер металл перони ихтиро қилди. Бу перо билан литография тошига ёзиш мумкин бўлди.

1818 йили Асхен шаҳрида яшовчи Янсен пўлат перо ихтиро қилди. 1828 йили берлинлик Мантейфель ҳам пўлат перо яратди. Бюргер эса уни ғоз патига ўрнатишни таклиф этди.

Инглиз адабиётида Европада биринчи металл перо 1780 йили Самюзл Гаррисон томонидан ихтиро қилинган, деб таъкидланади. Маълумотлар 1803 йилда Лондонда ҳар дона перо 5 шиллингдан сотилганлигидан далолат беради.

Бу перо ҳозиргиларга ўхшамай, асосан, цилиндрсимон ва трубкасимон бўлган. Каттик ва кўпол бу перога талаб унча катта бўлмаган. 1828-1829 йилларда Гаррисон ва Мезонлар ҳамкорликда талабга жавоб берувчи юмшоқ перо ихтиро қилдилар. Бу перо киска вақт ичида омма орасида шуҳрат қозонди.

Россияга перо XVIII асрнинг 30-йилларидан бошлаб Европадан кириб келди. Бир неча ўн йиллардан кейин бу ерда перо металлдан ишлаб чиқарила бошланди. Перолар Франция ва Германиядан олиб келиниб, ҳар донаси 50 тийиндан то 1 рубль 50 тийингача сотилган.

Металл перодан фойдаланиш бошланганига карамай пат ҳам ўзув қуроли сифатида узок вақт ўз қийматини йўқотмаган. Россияда металл перо ўзув тажрибасига 1880 йилларнинг ўрталаридан бошлаб кириб келди. Мактаб ва муассасалар ўзув ишларида металл перодан фойдаланилган.

Ҳозирги вақтда хаттотлик ишларида, ўқув жараёнида 400 хилдан ортик ўзига хос металл перолар қўлланилмоқда. XX асрнинг бошларида янги ўзув қуроли - муаллифучка вужудга келди. Муаллифучка қулайлиги, бир текис ҳамда тез ёзиши туфайли дарҳол оммалашиб кетди.

Ўзув қуролларидан яна бири - қалам, у турк тилида - “қора тош”, рус тилига - “қарандаш” бўлиб ўтган. Қадимда Шарк мамлакатлари халқлари турли воқеа ва ҳодисаларни ёғоч, тери, коғозга ёғоч кўмири билан ёзганлар. XVI асрнинг ўрталарида ёғочдан ясалган таёқчаларга графит жойлаштирилган. Кейинчалик қалам тайёрлаш технологияси такомиллаштирилган: графит қуқун ҳолатига келтирилиб, тоза тупроқ билан қориштирилган ва таёқчалар ҳосил қилинган. Бу таёқчалар эса ёғоч орасига жойлаштирилган. Натижада ҳозир ишлатиладиган қалам вужудга келган.

Ҳозирги пайтда 3 хил қалам бор. Булар: қора графит, кимёвий (копировал) ва рангли қаламлар.

Қора графит қалам юмшоқ (м), каттиқ-юмшоқ (тм), каттик (т) қаламга бўлинади. Ҳозирги вақтда дунёда қаламнинг 370 дан ортик тури, шу жумладан, 70 дан ортик турдаги рангли қалам мавжуд.

XX аср бошларида Европа мамлакатларида автомат ёки механик қаламлар вужудга келди. У пружина, босма тугма ёки бурама ёрдамида ишлайди.

Қаламнинг ихтиро қилиниши билан ҳар қандай шароитда ундан фойдаланиш имконияти вужудга келдики, бу сиёҳ билан

ёзадиган перога нисбатан бирмунча қулай. Аммо палеографияда сиёхли ёзувга нисбатан қалам ёзувининг киймати паст, чунки қаламда ёзилган ёзув тез ўчиб кетади, яхши ўқилмайди, узок сақланмайди.

Замонавий ёзув қуроллари орасида яна шарикли ручка ҳам кенг тарқалган. Шарикли ручка Иккинчи жаҳон урушидан кейин пайдо бўлди.

Шарикли ручканинг техник такомиллашуви туфайли рангли ручкаларнинг бир неча тури вужудга келди, натижада турли мақсаддаги ёзувларни бажаришда қулайлик туғилди.

4. Қўлёзмаларнинг беағи ва шакли

Қўлёзмаларни беағиш ва уларнинг шаклини ўрганиш палеографияда алоҳида ўрин эгаллайди. Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, инсоният ёзув материалдан фойдалана бошлагандан то ҳозирги кунгача унинг ҳажми, беағи содда кўринишдан мураккаб ва аниқ нуқтага келди. Лекин бу ёзув материалларининг ҳажми ва беағи ўзгармас, деган маънони билдирмайди. У инсон талаб ҳамда эҳтиёжга қараб, мукамаллашиб, нафислашиб, гўзаллашиб боради.

Дастлабки ёзув материаллари: папирус, пергамент, ёғоч ва бошқаларнинг шакли бир хил бўлмаган. Ёзув материали ёзилиши зарур бўлган маълумотнинг ҳажмига қараб, танлаб олинган. Қоғоз яратилиши билан уни маълум шаклда чиқариш эҳтиёжи туғилди. Қоғознинг дастлабки шакли ҳозирги ёзув қоғозларига нисбатан икки баравар катта бўлган. Қоғозлар алоҳида-алоҳида, тўрт ёки саккиз варақли дафтар ҳолида ҳам бўлган.

Қадимги қўлёзмалар дафтар ҳолида тайёрланган қоғозларнинг ҳар икки бетига битилган. Қўлёзмалар ҳажмига қараб муқоваланган. Агар калин бўлса, жилди яхши материалдан килинган.

Бизгача етиб келган қадимги қўлёзмалар қимматбаҳо тери билан муқоваланган. Баъзи жилдларнинг юзи олтин, кумуш ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган.

Ёзув материали вужудга келиб, ундан фойдаланиш билан уни беағиш ишларига асос солинди. Ёзиш учун тайёрланган қоғозлар хошиясини беағишнинг ўзига хос тарихи бор. Дастлабки қўлёзмалар хошиясига турли геометрик белгилар қўйилган. Давр ўтиши билан мусаввирлар қоғозни беағишнинг янги усулларини жорий этиб, такомиллаштириб боришган. Масалан, занжирсимон,

тўлкинсимон кесишган икки чизик тасвири, гирдобсимон тасвир ва бошқалар. Қадимги Русда юкоридагича безаш усули билан Византиядан ўтган безаш усули мавжуд бўлган. Византияча безаш усули Руснинг жанубий ҳудудларида кенг тарқалган. Византия беаги оддий геометрик шакллардан иборат бўлиб, сўнги антик давр меъморчилиги кўринишларини ўзида сақлаб қолган. Бу усулда допрасимон, тўғри учбурчак, тўғри бурчакли белгилар ишлатилади. Ишлатилган ҳар бир геометрик белгининг мазмунига қараб, унинг турли томонларига барг, гул, новда тасвири туширилган.

Қўлёмани безашнинг византияча усулидан яна бири қоғоз юзига тўғри бурчакли чизиклар, доира, гумбазсимон, ёйсимон ёки пирамидасимон тасвир туширишдир. Безакларни туширган мусаввирларнинг муҳри ёки исми ё фамилиясининг бош ҳарфи ҳам қоғозда ўз аксини топган. Булар турли қуш, ҳайвон ҳамда геометрик белгилардан иборат бўлган.

XIII асрдан бошлаб Русда Византия усулига мансуб бўлган ромбсимон ва юраксимон кўринишдаги катта катакли безаклар ўз кийматини йўқота борган, маҳаллий аҳоли орасидан чиққан мусаввирлар таъсири остида қоғозни безашнинг янги усуллари вужудга кела бошлаган. Бу вақтда қўлёмалар хошиясига турли афсоналар билан боғлиқ тасвирлар туширила бошланди. Яъни, геометрик белгилар ва турли дарахт шохлари билан бир қаторда афсонавий ҳайвонлар, қанотли шерлар, йирткич қискичбақа, қалтакесак, аждаб қабилар тасвирланган.

XVI асрнинг ўрталаридан бошлаб, китоб ва қўлёмаларни безашнинг янги усули юзага келди. Россияда китоб босилиши ҳам бунга ижобий таъсир кўрсатди.

Дастлабки босма китоблар қора ва оқ рангда безалган. Шу билан бирга, китоб, асосан, геометрик безаклар билан ишланган.

Китоб ва қўлёмаларга эҳтиёжнинг ортиши уларни безашнинг такомиллашувини тақозо этди. Натижада китобга 3 хил ранг билан безак берила бошланди. Безаш ишларининг мураккаблашуви туфайли санъатдаги ўзига хос йўллар: XVII асрда — барокко; XVIII асрда — рококо; XIX аср бошида — амбир вужудга келди.

Барокко усули XVI асрда Италияда юзага келган, Россияга немислар ва поляклар усулларини ўзига бирлаштирган ҳолда кириб келган.

Бу усулда қоғоз хошиясида ўсаётган мевали ўсимлик тасвирланган. Шу билан бирга, нақшлар тўғри, эгри, қарниз кўринишида ифодаланган.

XVIII асрга келиб безакнинг янги усули — рококо пайдо бўлди. Дастлаб бу усул Францияда кўлланилган, кейинчалик Европадаги бошқа мамлакатларга, шу жумладан, Россияга ҳам ўтган.

Рококода тўғри бурчак ичида вазага солинган нозик ўсимлик ва гуллар тасвирланган.

Ампир – Италия ва Францияда вужудга келиб, ўзаро қўшилиб кетган нақш усули. Кейинчалик Европанинг бошқа мамлакатларида кенг тарқалган. Россияга эса XIX аср бошларида кириб келган. Ампир – махсус ишланган безак. Унда ҳайвон, жанговар қуроллар, афсонавий махлуқлар, қушлар ва гуллар тасвирланган.

Қадимги кўлёмалар турли миниатюра тасвирлари билан ҳам безатилган. Миниатюра тасвирлари кўлёмма мазмунига оид бўлиб, уни ёритишда муҳим ўрин эгаллайди. Дастлабки миниатюра тасвирлари византиялик ва славянларнинг диний мазмундаги ёзма манбаларида учрайди. Бу китоб ва хужжатларда худо, пайғамбарлар, диний маросимлар акс этган. Рус миниатюрасининг ривожланишида тасвирий санъатнинг Византиядан Европа орқали ўтган баъзи томонлари йўқолиб борган. Миниатюрадаги пейзажларда кўпинча тоғлар тасвирланган. XV-XVI асрлар миниатюрасидаги пейзажларда тоғлар тасвири янада аниқроқ тасвирланган. Маълумотларга караганда, дастлабки миниатюра тасвирлари алоҳида кўлёмаларда учрайди. Масалан, 12 жилдли Радзивилов йилномасида XVI асрнинг иккинчи ярмига оид 16 мингта саҳифада тасвир бор. Бундай миниатюра тасвирлар XVII асрдаги қадимги урф-одатлар ҳақида ҳикоя қилувчи кўлёмаларда ҳам учрайди.

Ҳар бир миниатюранинг мазмуни воқеликка, рассом ва харидорнинг дидига мосланган. XII-XIII асрларда пергаментга тасвирлар тўқ рангли бўёқлар билан ишланган. Бу пергаментларда қадимги тасвирлар усули сақланиб қолган.

XVII асрга келиб миниатюрада босма ва портрет тасвири яратилди. Бу соҳанинг асосчиси Семён Ушаковдир. Бунда турли тарихий воқеалар, оддий меҳнаткаш халқ, унинг турмуши, хунармандчилик ҳаққоний тасвирланган.

Кўлёмалар меъморчилик иншоотлари тасвири билан ҳам безатилган. XVI асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб рус миниатюраларида черков, соборлар ва бошқа муҳим қурилишлар тасвирланган. Масалан, Новгород, Псков, Владимир, Суздаль, Москва шаҳарларидаги йирик қурилишлар шу давр китоб ва

қўлёмаларида кенг акс эттирилган. Бу тасвирлар ўрта асрлар меъморчилигини ўрганишда ҳам, қўлёмаларни безаш усулларини тадқиқ қилишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Қўлёмаларни безашда махсус декоратив ёзув - вязь (чирмашган хат) кенг қўлланилган. Бунда ҳарфлар узлуксиз, бир-бири билан боғланган ҳолда давом эттирилади. Вязь усулида қўлёмаларга, металл буюмлар, қабр тошларига, иконаларга ёзилган. Бу ёзувларнинг мазмуни тоат-ибодат, нутқ, эсдалик, кадимги ёдгорликларнинг номларидан иборат бўлган.

Вязь усулидаги ёзув воқеаларнинг бошлашини, тугаши ёки янги жумла катта ҳарфда бошланиши билан узилади.

Вязь усулидаги дастлабки ёзувлар XIV асрнинг биринчи ярмида пайдо бўлди. XV асрда бу усул ривожланди, XVI асрларга келиб ҳар бир шаҳарнинг ўзига хос алоҳида вязь усули вужудга келди.

Вязь усули вужудга келган даврда ундаги ҳарфлар оддий ёзувдагига нисбатан 3-4 баравар, XVII асрга келиб эса 10-12 баравар катта бўлган.

Бу усулдаги ёзувлар қизил ва бошқа ранглар билан битилган. Лекин вақт ўтиши билан ҳарфларнинг катталашуви унинг ўқилишини янада қийинлаштирган.

5. Махфий ёзув (криптография)

Қўлёмаларни ўрганаётганда баъзан шундай белги, ҳарфлар учрайдики, улар қандай маънони билдириши айрим мутахассисларгагина маълум. Бу белги ёки ҳарфлар махфий ёзувдир. **Махфий ёзув ёки криптография** Византиядан жанубий славянларга ўтган. Россияга эса бу соҳа христианлик билан баробар кириб келган. Византия ҳамда славянларда махфий ёзув чекланган даражада қўлланилган. Дастлаб махфий ёзув турли маълумотларни ёзиб қолдирган муаллифнинг номини билдирган, яъни муаллиф ўз номини аниқ ёзмай, айрим белги ёки ҳарфлар билан кўрсатган. Махфий ёзув бир неча тармоқларга бўлинади.

Бегона ёзувлардан фойдаланиш. Рус қўлёмаларида глаголицадан махфий ёзув сифатида фойдаланиб келинган. Бу қўлёмаларда айрим сўзлар тушириб қолдириб, қискартирилган ҳолда битилган, глаголицадан хабарсиз одам бу ёзувларни ўқий олмайди. Дастлабки бундай ёзувлар XI-XII асрларга оид бўлиб, София собори деворларида учрайди. XII-XIII асрлардан бошлаб қўлёмаларда глаголица кенг қўлланилди. Сийсий, диний,

дипломатик ва бошқа мазмундаги қискартирилган ёзувлар махсус криптограмма ёрдамида ўқилган.

XIV асрда Стефан Пермский пермь алифбосини яратди, XV асрдан бошлаб у махфий ёзувда қўлланилган. Пермь алифбоси кириллица алифбосининг ўзгартирилган ва қискартирилган варианты бўлиб, бир хил кўринишда ёзилади.

Махфий ёзувда грек алифбосидан ҳам фойдаланилган. XV асрда русларга жанубий славянларнинг таъсири билан латин алфавити кириб келди ва турли мақсадларда қўлланилди. XVI-XVII асрларда марказий рус шаҳарларида латин ҳарфлари бошқа ҳарфлар билан қўшилган ҳолда махфий ёзувда ишлатилган.

XVII-XVIII асрлардан бошлаб Россияда латин алифбосидан ҳам махфий ёзув сифатида фойдаланилган. Латин ҳарфлари иштирок этган махфий ёзувлар дастлаб элчихона ва ибодатхона фаолиятида, кейинчалик ўқув машғулотида сана ва бошқа ёзувларни баён қилишда қўлланилган.

Шунингдек, турли халқлар яратган алифбодан фойдаланган ҳолда ўзига хос махфий ёзув ихтиро этилиб, у кенг миқёсда қўлланилган.

Ўзгартирилган белгилардан фойдаланиш. Мўғул-татарлар истилосидан сўнг Русда махфий ёзувнинг янги усуллари ҳам пайдо бўлди. Кириллица ҳарфларидан фойдаланиб ёзилган маълумотларни махфийлаштириш мақсадида айрим ҳарфлар тушириб қолдирилган ёки уларнинг ёзилиши ўзгартирилган. Аммо бу усул анча мураккаб, чунки айрим ҳарфларни тушириб қолдириш ёки ўзгартиришнинг ягона шакли бўлмаган, шунинг учун бундай ёзувларни ўқиш анча қийин. Бундай махфий ёзув XIV-XV асрларда Русда кенг тарқалган.

Ўзгарувчан ҳарфлардан фойдаланиш. Махфий ёзувнинг яна бир усули бўлиб, бунда кириллицадаги ҳарфлардан ўрин алмаштириб фойдаланилган. Буни “литория”, яъни ёзувда хато йўлдан фойдаланиб фикрни баён этиш дейилади. Литория икки хил, яъни содда ва мукамал кўринишга эга. Содда литорияда кириллица ҳарфлари, ҳамма унли товуш, қаттик, юмшоқ белгилар тушириб қолдирилиб, тенг иккига бўлинган ҳолда қуйидагача остин-устун ёзиб чиқилади:

н м л к з ж д г в б
п р с т ф х ц ч ш х

Зарур жойларда бу ҳарфлар ўзгартирилмаган ҳолда ишлатилади. Унли товушлар ёки белгилар эса ўз ўрнини юқоридаги ёки қуйидаги ҳарфга бўшатиб беради.

Мукамал литория ўзига хос бўлиб, мураккаб кўринишга эга. Бунда ҳамма унли ва ундош товушлар қўлланилган. Барча ҳарфлар мутахассис танлаганидек икки катор ёзиб чиқилади. Бирок жойлашув доимий эмас. Бу махфий ёзувнинг бир неча усуллари ишлаб чиқилган. Уни ечиш калити Соболевский томонидан яратилган.

Ҳисобга оид маълумотларни баён этиш. Баъзи славян ҳарфлари рақам аҳамиятига эга бўлиб, ўз мазмунига қараб бир неча гуруҳга ажратилади. Булардан бири рақам даражасидир. Бунда айрим сўзлар рақам сифатида ишлатилади. Лекин б, ж, ш, щ, ю, ъ каби ҳарфлар рақамлар ўрнида ишлатилмайди.

Махфий ёзувда белгилардан фойдаланиш усули ҳам мавжуд. Айрим ҳарфларнинг рақам аҳамияти турли белгилар билан ифодаланadi. Масалан, бирликлар – нукталар билан, ўнликлар – чизикчалар билан, юзликлар – доира сифатида кўрсатилган.

Махфий ёзувда қўлланиладиган методлардан яна бири тесқари ёзувдир. Бунда ҳамма маълумотлар тесқари томондан очиб борилган. Айрим вақтда сўз ёки ҳарфлар орасига турли белгилар, геометрик чизиклар қўйилган.

6. Араб палеографияси

Араб палеографияси араб алифбоси (араб, форс, туркий ва хоказо тиллар)да ёзилган ёдгорликларни ўрганadi. Амалий мақсадлар учун Х асрдаёқ Ибн Дурустий (956 йилда вафот этган) араб хатидаги ёзувларнинг шарҳини ишлаб чиқиб, халифа девонхонасида қўлланилган ёзув ва унинг асосий турлари санаб ўтган.

Европада араб ёзувидаги ёзувлар, қўлёзмаларни ўрганиш XVII асрдан бошланиб, ўша даврдаёқ куфий (тангалар, Қуръони Каримдаги бурчакли ёзув шакли) ва насх хати (асосан айлана шаклдаги тез ёзилган хат) ўртасидаги фарқлар аниқланган. XVIII аср бошларида арабшунос олимлар араб хатининг келиб чиқиши, насх ва куфий хат турларининг даврий кетма-кетлиги ҳақидаги масалалар билан шуғулланишган. Европалик олимлар XVIII аср охири ва XIX асрнинг биринчи ярмида ўрта аср араб анъаналарини таҳлил этиб, куфий хати эртароқ шаклланганлиги ҳақидаги хато фикрни илгари суришди (ваҳоланки, иккала хат тури ҳам бир

вақтда мавжуд бўлган). Улар куфий Сурия ёзуви (эстрангелло)дан келиб чиққан, деб ҳисоблашган. Мазкур муаммони ҳал этиш бўйича палеографик таҳлиллар ўтказилиб, XVIII асрда дастлабки палеографик жадваллар пайдо бўлди. Бунга мисол қилиб, Л. Адлернинг (Дания) Сурия ёзуви ва куфий жадвали, Э. Фурмоннинг (Франция) куфий (Куръони Карим қўлёзмалари асосида) жадвали, XIX асрнинг биринчи ярмида Ж.Ж. Марселнинг мукамаллашган жадвали бўлиб, унда араб ёзувидаги ёзувлар ва қўлёзмаларни тизимли ўрганишга асос солинди.

XIX асрда Ғарбий Европада араб қўлёзмаларини тўплашнинг асослари пайдо бўлиб, XIX асрнинг охирида Венада араб ёзувидаги папируслар тўпланган йирик марказ шаклланди. Эпиграфик ёдгорликларни тўплаш ва ўрганиш бошланиб, араб ёзувидаги ёдгорликлар палеографик таҳлил қилиниб, илмий тавсифи тайёрлана бошланди. Ёдгорликлардаги ёзувларнинг наشري эълон қилинди.

XIX асрнинг биринчи ярмида француз шарқшуноси А.Сильвестр де Саси томонидан араб ёзувидаги папирусларнинг биринчи наشري эълон қилинди. XIX асрнинг охирида И.Карабачекнинг (Австро-Венгрия), XX аср бошида К.Х.Беккернинг (Германия) араб ёзувидаги папирусларга бағишланган кўплаб ишлари чоп этилган. XIX асрнинг иккинчи ярмида махсус палеографик ишлар бўйича тадқиқотлар пайдо бўлди. Италиян палеографи М.Ланчи кўплаб ёзувларни ўрганиш асосида унинг араб ёзувидаги турларни аниқлади. У.Райт (Англия) ва В.Альвардт (Германия)лар VII-XVII асрлар араб ёзуви бўйича палеографик жадвалларини нашр қилдилар. Француз тадқиқотчиси О.Уда Шимолий Африка хат тури (мағрибий)нинг тавсифини берди. Швейцариялик М.Ван Бершам (XIX аср охири) ва С.Флори (XX асрнинг 20-йиллари)лар араб ёзуви бўйича йирик асарларини эълон қилишиб, эпиграфика соҳасидаги тадқиқотлар учун пойдевор қўйишди.

XX аср ўрталарида араб палеографиясига оид олиб борилаётган тадқиқотлар куйидаги хусусиятларга эга:

1. Араб ёзувининг шаклланиши ва илк тараккиёт муаммолари (Н.Аббот, АҚШ).

2. Папирус ва қўлёзмалардаги хат тури А.Громан (Австрия); А.Дитрих (ГФР), М.А.Марзук, Х.Хаварий (Миср), Ф.Дей, Р.Эттингхаузен (АҚШ), Г.Виет ва Э.Комб (Франция), Д.С.Райс (Англия).

Россияда араб қўлёзмаларини тўплаш ва ёзувлардан нусха олиш Пётр I давридан бошланган. Араб қўлёзмалари ва бошқа ёдгорликлардаги ёзувларни тўплаш 1818 йилда Кунсткамера қошида Шарқ кабинети ташкил этилишига сабаб бўлди (кейинроқ у Осиё музейига айлантирилди, ҳозирда араб қўлёзмалари сақланаётган Осиё халқлари институтининг Санкт-Петербург бўлимининг қўлёзмалар фонди). Уни йирик арабшунос, Россиядаги араб қўлёзмалари тўпламини ўрганган Х.Д. Френ бошқарган. У араб нумизматикасининг илмий асосчиси сифатида куфий хат турининг хилма-хиллигини таснифлаб, атамашунослигини атбик этди. XIX асрнинг иккинчи ярмида араб ёзувидаги ёдгорликларни аниқлаш, ўрганиш ва нашр этиш бўйича ишлар тезлашди. Бу давр палеографик кузатувлар олиб борилганлиги билан аҳамиятлидир. Н.В. Хаников палеографик таҳлил учун ёзув битилган жойни эътиборга олиш ҳақидаги хулосаларини илгари сурди. Шу тарика халифаликнинг турли чеккаларидаги араб хат ёзувларининг хусусиятлари аниқланди.

Совет олимларидан О.Г. Большаков, М.М. Дьяконов, В.А. Крачковская, И.Ю. Крачковскийлар Ўрта Осиё ва Кавказортидаги араб ёзувидаги ёдгорликларни ўрганишган.

Ўзбекистонда ҳам ёзма ёдгорликларнинг аксарияти араб ёзувида бўлганлиги сабабли араб палеографияси бир қадар ривожланган. Бу соҳадаги тадқиқотлар, асосан, Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида, тегишли музейлар, қисман олий ўқув юртларида амалга оширилмоқда.

7. Ўзбек палеографияси тарихидан

Ўрта Осиё халқлари ёзуви тарихини ўрганиш XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланди. Дастлаб рус олимларининг Ўрта Осиёга келиб лингвистика, палеография соҳасида олиб борган ишлари туфайли турли ёзувлар тўғрисида бой маълумот тўпланди ва чоп этилди.

Собик Иттифок даврида бошқа республикалар қатори Ўзбекистонда ҳам қадимги ёзув тарихини ўрганиш ишлари йўлга қўйилди, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ҳузуридаги Шарқшунослик, Тил ва адабиёт, Тарих илмий текшириш институтларида, тил, ёзув тарихини ўрганиш бўйича тадқиқот ишлари олиб борилди. Тўпланган назарий ҳамда амалий маълумотлар ўзбек палеографияси тўғрисида қуйидаги фикрларни айтишга асос бўлади.

Ўрта Осиёдаги палеолит, мезолит, неолит ва энеолит даврида яшаган халқлар турли воқеа-ҳодисаларни, ов қилишни қоя юзалари ёки текис ерларга қизиқ тасвирлаш орқали тушунтирганлар. Ўзбекистон ҳудудидаги Заровутқамар, Сармишсой дарасида, Фарғона водийси атрофидаги тоғлар ва қоя тошларда бир неча минглаб тасвирлар аниқланган. Бу суратлар тасвирий санъатнинг кўҳна дурдонаси ҳисобланади.

Заровутқамар, Сармишсойдаги қоятошларга туширилган ов манзаралари, турли ҳайвонлар тасвири орқали тош даври одамлари ов қилиш йўл-йўриқларини, қандай ҳайвонларни овлаш зарурлигини бир-бирларига ўргатганлар.

Эрампдан аввалги VIII-VII асрларга келиб, Ўрта Осиёда турли кичик давлатлар ташкил топа бошлади. Синфий жамиятнинг вужудга келиши халқлар ҳаётига ҳам ўзига хос таъсир кўрсатди. Шаҳар ва қишлоқлар, шунингдек, ҳунармандчилик, маданият ва санъат ривожланди. Хоразм, сўғд ёзувларининг пайдо бўлиши ҳам шу даврга тўғри келди. Бу ёзувлар эрампдан аввалги IX-VIII асрларда Кичик Осиёда пайдо бўлган оромий ва эрампдан аввалги III асрда вужудга келган кхарошхи ёзувлари асосида яратилган. Мутахассисларнинг фикрича, оромий ёзуви Ўрта ва Яқин Шарқ халқлари орасида кенг тарқалган, иктисодий, маданий алоқаларда асосий восита ролини ўйнаган. Кхарошхи ёзуви Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбида пайдо бўлиб, шакли ва мазмуни жиҳатидан оромий ёзувига яқин.

Сўғд ёзувининг пайдо бўлиши тарихини ўрганиш XIX асрнинг 90-йилларидан бошланди. Қадимда сўғдлар яшаган ҳудудда Н.И.Веселовский, И.Ф.Ситняковский, В.А.Жуковскийлар тадқиқот ишлари олиб боришди.

1900 йили В.В. Бартольднинг “Мўғуллар истилосигача Туркистон” асари босилиб чиқди. Бу каби манбалар Сўғд ҳақида муқаммал маълумот берса-да, лекин сўғд ёзуви ҳақида тўлиқ маълумот бермайди. 1906-1908 йилларда А. Штейн экспедицияси Шарқий Туркистон ҳудудидаги Дунхуанда олиб борган ишлар туфайли сўғд тилида ёзилган мактублар тўплами топилди, натижада сўғд ёзувлари эрампнинг IV асрига оид эканлиги аниқланди. 1914-1915 йилларда С.Ф. Ольденбург бошчилигида Рус-Туркистон экспедицияси Дунхуанда сўғд тилида ёзилган бир неча ҳужжат топди. Бу ёзма материаллар Р.Готье, Ф.В.Мюллер каби Фарб олимлари, рус олими К.Залеман томонидан ўрганилди.

Кейинрок сўғд тарихи режали, илмий асосда ўрганила бошланди. 1931 йили Тожикистон Муг тоғидаги Қалъаи муғдан қоғоз, тери ва ёғочга битилган сўғд ҳужжатлари топилди. Бу топилмалар В.А. Крачковский ва И.Ю. Крачковскаялар томонидан тўлик ўрганилиб, матбуотда эълон қилинган.

Ўрта Осиё халқлари томонидан уйғур, руник ёзувлари ҳам яратилган. Бу ёзувлар қадимги туркий халқларнинг муштарак ёзуви ҳисобланган.

Маълумотларга қараганда, дастлабки туркий халқлар ёзуви ёдгорликлари XVIII аср охири-XIX аср бошларида топилган. Енисей дарёси бўйида катта тошларга ёзилган ёзувлар аниқланган. 1889 йили эса Мўғулистоннинг Урхун дарёси бўйларида ҳам шунга ўхшаш ёзувлар битилган ёдгорликлар топилган. Бу ёзувлар мутахассислар томонидан “Урхун-Енисей битиклари” деб номланди. 1893 йили даниялик олим В. Томсен Урхун-Енисей битикларини ўқиб, мазмунини аниқлашга муваффақ бўлган. Бу битиклар Европада топилган руник ёзувларига жуда ўхшаш бўлганлиги учун баъзи олимлар уни руник ёзувлари деб ҳам атайдилар. Урхун-Енисей ёзувлари Ўрта Осиёнинг барча давлатлари ҳудудидан топилган ва ҳамон топилмоқда. Бу ёзувлар араблар истилосигача бўлган туркий қабилаларнинг ҳаёти, давлат тузуми ҳақида маълумот беради. Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон ҳудудида илк феодал даврида уйғур ёзуви ҳам кенг тарқалган. Бу ёзув шарқий туркий халқларнинг ёзуви сифатида вужудга келди, у Шарқий Туркистон ҳудудида топилган. Юсуф Хос Ҳожибнинг 1069 йилда битилган “Қутадғу билиг” (“Бахт келтирувчи билим”) асари уйғур тилида ёзилган.

Бизгача бу ёзувнинг бир неча варианты етиб келган. Масалан, XV асрда Ҳиротда битилган асар Вена шаҳрида, араб алифбосида битилган 2 та қўлёзма Қоҳира ва Тошкентда сақланмоқда. Уйғур ёзуви сўғд ёзуви асосида пайдо бўлиб ривожланганлиги маълум. Ўзбекистон ҳудудидаги қадимги халқлар сўғд, уйғур, хоразм ёзувларидан ташқари манихей ёзувидан ҳам хабардор бўлган. Манихей ёзуви Эрон ҳудудидаги халқлар томонидан яратилиб, эрамининг IV асрларида Шарқий Туркистондан Мисргача бўлган ҳудудга тарқалган. Шарқий Туркистонда ўрта эрон ва шарқий турк тилларига мансуб бўлган ёзувлар билан манихей ёзуви ҳам топилган.

Таникли немис олими М.Лидзбарский бу ёзув оромий ёзуви асосида келиб чиққан ва декоратив польмир ёзувига қариндош, деган фикр билдирган.

Марказлашган араб давлати вужудга келгач, катта ҳудуд араблар томонидан истило этилган, бу жойларда арабларнинг иқтисодий-сиёсий ҳаёти қондалари билан бирга араб ёзуви ҳам маҳаллий халқлар ҳаётига кириб келган.

Араб алифбосида 28 ҳарф бўлиб, шундан фақат 16 таси мустақил ифода этилади. Кўп ҳарфлар устки ва остки диакритик белгилар билан бир-бирдан фарқ қилади. Араб ёзувида фақат учта унли ҳарф бўлганлиги туфайли 10 га яқин унли ҳарфларга эга бўлган турк тилини бу алифбода ифода этиш қийин бўлган.

Абу Райҳон Беруний ўз даврида араб ёзувининг камчиликларини аниқ кўрсатган ва арабча бўлмаган сўзларни бу ёзув воситасида тўғри ифодалаш имкони йўқлигини таъкидлаган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам араб алифбосидаги камчиликларни пайқаган ва уни ислоҳ қилишни зарур деб ҳисоблаган. Шу мақсадда у 1503-1504 йилларда янги алифбо яратган, уни “Хати Бобурий” деб аташган. Бу алифбода араб ёзувидаги остки ва устки белгилар ўрнига янги ҳарфлар қўйилган.

Совет тузуми даврида Туркистонда араб графикаси асосидаги ёзув ўзгартириши бошланди. Шу мақсадда 1921 йил январида Тошкентда биринчи тил-имло қурултойи бўлди. Араб алифбосини маҳаллий халққа қулай қилиб ўзгартириш тўғрисида матбуотда қатор мақолалар чоп этилди.

1922 йил апрелда ўзбек маориф ва маданият ходимларининг иккинчи ўлка қурултойи бўлиб ўтди. Араб ёзувини соддалаштириш, уни ўзбек тили талаффузига мослаш каби масалалар кўрилди. Қурултой кўпчилик овоз билан араб алифбосига тегишли ҳарф ва белгиларни қўшиш, уни соддалаштириш тўғрисида қарор қабул қилди. Айни маҳалда Ўзбекистонда лотин графикасини жорий этиш ҳаракати кучаяди.

1926 йил мартда Боку шаҳри (Озарбайжон)да туркий халқлар ёзувини лотинлаштириш масаласи бўйича туркологларнинг Биринчи Бутуниттифок съезди бўлиб ўтди. Съездда араб графикасида ёзадиган халқларни лотин алифбосига ўтказиш тўғрисида махсус қарор қабул қилинди. Шунга мувофиқ, Ўзбекистон ССРда Янги Алфавит Комитети (ЯАК) тузилиб, унга лотинлаштирилган алфавитга ўтказиш иши юклатилди. Йўлдош Охунбобоев комитетга раис қилиб тайинланди.

Ўзбекистонда лотинлаштириш ишини амалга ошириш, араб графикаси асосидаги ёзувга хотима бериш мақсадида 1929 йил 15 май куни Самарканд шаҳрида тил-имло конференцияси чақирилди.

Ушбу анжуманда киска вақт ичида лотин алифбосига ўтиш ва уни ривожлантиришга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Шу йилдан бошлаб Ўзбекистонда лотин алифбоси асосидаги ёзувга ўтиш тезлашди.

Кўп ўтмай мазкур тизимни ўзгартириш учун ҳаракатлар бошланди. Собик Иттифокнинг лотин графикасида ёзадиган халқларини рус графикаси асосидаги ёзувга ўтказиш ишлари авж олди, 1937 йилдан бошлаб мазкур ёзувга ўтиб, шу тарика Ўрта Осиё республикаларида ҳам рус алифбосига ўтишга тайёргарлик бошланди.

1939 йилнинг бошида Ўзбекистонда рус графикаси асосида ўзбек алифбосининг лойиҳаси тузилди. Лойиҳа жамоатчилик муҳокамасига ҳавола этилиб, омма ва зиёлилар бу лойиҳани ноилж маъқулладилар.

1940 йил 8 майда Ўзбекистон ССР Олий Совети республикада рус графикаси асосида ўзбек алифбосига ўтиш тўғрисида Қонун қабул қилди. Бу қонунда рус графикаси асосидаги ўзбек ёзувини оммалаштириш чоралари, муддати тўғрисида сўз юритилган. Шу йилдан то Ўзбекистон мустақилликка эришгунгача бўлган даврда рус графикаси асосидаги ўзбек алифбосининг қўлланиши рус тили мавқеининг ошиб бориши, ҳатто “иккинчи она тили” даражасига кўтарилишига, ўзбек тили мавқеининг эса пасайишига, қўлланиш доирасининг торайишига олиб келди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг республикада ўзбек ёзувини рус графикасидан яна лотин графикаси асосидаги ёзувга ўтказиш ҳақида фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди. Бу масала бир йил давомида оммавий ахборот воситаларида кенг жамоатчилик иштирокида атрофлича муҳокама қилиниб, 1993 йил 2 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг “Лотин ёзувиغا асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди. Айни шу кунни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг “Лотин ёзувиغا асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида”ги Қарори ҳам қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 2-3 сентябрдаги ўн иккинчи чақирик 13-сессиясида янги алифбо масаласи муҳокама қилиниб, лотин ёзувиغا асосланган ўзбек алифбосига ўтиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ушбу алифбони ва шу асосда тайёрланган “Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари”ни муҳокама қилиш жараёнида қатор таклиф ва тавсиялар, танқидий фикрлар билдирилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1995 йил 6

май куни “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги Олий Кенгаш қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қонун қабул қилди. Бу ҳужжатда янги ўзбек алифбоси 26 та ҳарф, 3 та ҳарфлар бирикмасидан иборат эканлиги, айрим ҳарфларнинг шаклига ислоҳ киритилгани кўрсатилган; янги алифбо асосида ишлаш 1996 йилдан бошланиши қайд этилган. Янги алифбо асосида ишлаб чиқилган “Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 24 августдаги 339-сонли қарори билан тасдиқланган.

2004-2005 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги Қонунни амалга ошириш ишларини янада жадаллаштириш ва такомиллаштириш бўйича муҳим қарорлар қабул қилинди.

Савол ва топшириқлар

1. Палеография фани тарихи бўйича нималарни биласиз?
2. Идеография ва пиктографиянинг фарқи нимадан иборат?
3. Махфий ёзув (криптография)да қайси усуллардан фойдаланилади?
4. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида қандай ёзув турлари бўлган?
5. Араб палеографияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар ҳақида маъруза тайёрланг.
6. Интернет веб-саҳифаларидан турли даврларда қўлланилган ёзув материалларига доир маълумотларни тўплаг.

Адабиётлар

1. Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари (қадимги замон ва ўрта асрлар). -Т.: Ўқитувчи. 2001.
2. Добиаш-Рождественская О.А. История письма в средних веках. -М.-Л.: 1936.
3. История Узбекистана в источниках. Составитель Б.В. Лунин.-Т.: Фан. 1984.
4. Крачковская В.А. Эволюция куфического письма в Средней Азии / Эпиграфика Востока. Вып. 3.-М.-Л., 1949.
5. Крачковская В.А.Памятники арабского письма в Средней Азии и Закавказье до IX в. / Эпиграфика Востока. Вып. 4.-М.-Л.: 1952.
6. Крачковский И.Ю. Древнейший документ из Средней Азии. Избр. соч. Т. 1.-М.-Л.: 1955.
7. Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. -М.: Наука. 1970.
8. Собрание восточных рукописей Института востоковедения АН Узбекистана. Т. I-XI.-Т.: Фан. 1952. -С. 1987.
9. Тихомиров М.Н., Муравьев А.В. Русская палеография. -М.: 1966.
10. Шепкин В.Н. Русская палеография.-М.: 1967.

II БОБ. АРХЕОГРАФИЯ ВА ЭПИГРАФИКА

1. Археографиянинг мақсад ва вазифалари. Фан сифатида шаклланиши ва ривожланиши

Тарихнинг долзарб масалаларини ёритишда, илмий тадқиқ қилишда архив ҳужжатлари катта аҳамиятга эга. Таълим жараёнида архив ҳужжатларини нашр қилиш ишини ташкил этишни ўргатиш зарур. Шундан келиб чиқиб, “Археография” фанининг аҳамиятини белгилаш мумкин.

Археография (юнонча *arheos*-қадимги, *grafo*-ёзаман, таърифлайман) махсус, ёрдамчи тарих соҳаси бўлиб, у қуйидагиларни ўрганеди:

- ёзма манбаларнинг умумий нашрини;
- нашр учун манбаларни танлашнинг принципи ва усулини, шунингдек, уларни нашрга тайёрлашни;
- нашр билан шуғулланувчи ташкилотлар ишини;
- архив ва тарихий манба (ҳужжат)ларнинг нашр тарихи ва тарихий манбалар, матнларнинг мазмунини;
- тарихий манбаларни нашр этишни.

Археография – ёзма манбаларни нашр этишнинг назарий ва амалий соҳаларини ўрганувчи фан, у тарихий ёдгорликларни йиғиб нашр этишнинг усулларини, манбаларни илмий танқидий нашр этишнинг қоидаларини ишлаб чиқиш, қўлёзма манбаларни қайта ишлаш усуллари ва нашрга тайёрлашдан иборат.

Археография фан сифатида XII-XVIII асрларда вужудга келган. Дастлабки ҳужжатларнинг танқидий нашри XVI-XVIII асрларда чоп этилган.

Дастлабки археографларни тайёрловчи институт 1821 йилда Францияда асос солинган Париж Хартия мактаби ҳисобланади.

Ҳужжатларни нашр этишда асосий ўринни ташки сийosat ва тарихга оид ҳужжатлар ташкил этган. Ҳозирда нашриёт технология ва усуллари, шунингдек, нашр этиш усуллар ҳам ниҳоятда кўп.

Баъзан махсус ҳужжатлар тўлиқ нашр этилса, баъзан унинг маълум соҳага тегишли қисмлари нашр этилади.

XIX-XX асрларда ҳужжатларнинг мавзусига қараб танлаш ва нашрга тайёрлашнинг принциплари ишлаб чиқиладиган бошлаган. Шу даврда археография нафақат Европада, балки Шимолий Америка ва Хитойда ҳам ривожланган. Жумладан, шу даврда араб ва форс манбаларини нашр этиш оммавий (Германия ва Францияда) тус олди. Булоқ (Қоҳира яқини)да, Араб қўлёзмалар институти (Миср,

Қохира)да, Ҳиндистон, Эрон, Япония, Дамашк (Сурия)да кўплаб араб ва форс манбалари нашр этилди.

Россияда ҳужжатларни нашр этишда Рус тарих жамияти катта ўрин тутган. XX асрда эса собиқ СССР Фанлар академияси бу ишни давом эттирган. XX аср охири – XXI аср бошида С.О.Шмидт ва А.Д.Степанскийлар Россияда энг кўзга кўринган археографлар бўлишган.

XX асрнинг 20-30-йилларидан Ўзбекистонда кўплаб ҳужжатлар, иккинчи ярмидан эса тарихий ҳужжатлар нашр этила бошланди. Бунда М.Вайс, Б.Бервин, П.Раҳимов, А.Алимов, С.Дмитриева, П.Ким каби олимларнинг хизматлари катта. Бу даврда Ўзбекистонда Амир Темур даврига оид ҳужжатлар жуда кўп нашр этилган. Бирок бу ҳужжатларда тўлиқ ва ҳаққоний маълумотлар жамланмаган эди.

Археография тор илмий фан сифатида, тарихий фанлар талабига кўра, ривожланиши XVIII асрга тўғри келади. Бу даврда тарихчилар манбалардан илмий тадқиқотларида фойдаланиб, уларни нашр этиш зарур, деган хулосага келдилар. В.Н.Татишев (1686-1750 й.) “Россиянинг энг қадимги тарихи” асарида қатор солномалардан фойдаланди. У тадқиқ қилган ҳужжатларни объектив равишда танқидий нашрларини амалга оширди. В.Н.Татишевнинг бу усули бир қатор археографларда намуна бўлди.

XVIII асрнинг иккинчи ярмидан Россия Фанлар академияси томонидан солномаларни нашр этиш бошланди. Археография ривожланишида Ташки ишлар вазирлиги Москва бош архиви қошида “Давлат мукофотлари ва битимлар ҳақидаги” комиссия (1811й.) ва Москва университети ҳузуридаги “Россия тарихий ва қадимшунослик” жамияти (1804й.), Халқ таълими вазирлигига қарашли “Археография комиссияси” (1834й.), “Рус тарихчилар жамияти” (1866 йилда асос солинган) лари катта роль ўйнади.

1922 йилда А.С.Лаппо-Данилевский муҳаррирлигида “Иқтисод коллегияси ёрликлари” тўпламининг биринчи томи чоп этилди. Унда 1901 йилда ишлаб чиқилган ҳужжатларни нашр қилиш қодалари берилди. 1930 йилнинг бошларида А.А.Сергеев А.С.Лаппо-Данилевский қодаларни танқид қилади. У бу “ҳужжатларни синфийлик жиҳатидан тадқиқ қилиш шарти” йўқлигида айблади. XX асрда археографлар 1919 йилга қадар бўлган кўпгина манбаларни илмий муомалага киритадилар, булар ёрдамчи тарих фанлари учун катта аҳамият касб этади.

Археография ривожланишига XIX аср охири – XX аср бошларида П.М.Строев, Я.И.Бередников, Н.В.Калачовлар катта хисса кўшдилар. Бу даврда Россия археографлари факатгина меҳнаткашларнинг синфий курашлари, Россия иктисодий ривожланиши, инкилобий ҳаракатлар ҳақидаги манбаларни нашр қилдилар.

Совет археографияси синфий мафкурага таяниб, асосий эътибор меҳнаткашлар тарихи ҳақидаги манбалар, мамлакат иктисодий ривож, синфий кураш, партия тарихи ҳужжатларига, социалистик қурилиш ҳақидаги материалларни нашр этишга қаратилган эди. Бу нашр ишлари билан партия, Фанлар академияси институтлари ва Бош архив бошқармаси шуғулланган. Бу ҳужжатлар тарих журналларида нашр қилинган. Археограф мутахассислар Москвадаги Тарих-архив институти томонидан тайёрланган. 1955 йилда “Тарихий ҳужжатларни нашр қилиш қоидалари”, 1960 йилда эса “Совет даври ҳужжатларини нашр қилиш қоидалари” қабул қилинган. Бу даврда кўп томли “Империализм давридаги халқаро муносабатлар”, “Россияда крепостной мануфактура”, “Декабристлар кўзғолони”, “XIX асрда ишчилар ҳаракати”, “Россияда 1905-1907 йиллардаги революция” каби ҳужжатлар тўпламлари нашр қилинган.

Тарихий “Рус ҳақиқати”, “Рус солномалари” тўлик тўплами (25-30 томлар), “Император Улуғ Петр хатлари ва қоғозлари” (7-11 томлар) ва бошқалар ҳам шу вақтда чоп этилган.

Совет археографияси ривожда И.Андреев, С.Н.Валк, Б.Д.Греков, Д.С.Лихачев, М.Н.Тихомиров, Н.В.Максаковлар катта хисса кўшишган.

Ғарбий Европада XV-XVI асрларда гуманистлар ёзилган манбаларни солиштириш ва текшириш, тизимли тарзда йиғиш ҳамда нашр қилиш билан шуғулланганлар. XV аср ўрталарида китоб нашр қилиш йўлга қўйилган. XVII асрда мавристлар (Ж. Мабильон) дипломатика ва палеографияга асос солдилар, қўлёзмаларнинг ёзилган вақтини аниқлаш танкидий текширишнинг асосий принципларини баён қилдилар. Франция тарихи, ўрта аср черковлари тарихига оид манбалар кенг кўламда чоп этилди. Германияда 1819 йилдан ўз фаолиятини бошлаган илк немис тарихини ўрганиш учун тузилган жамият фаол иш олиб борди, буни Monumenta Germaniae historica сериясини чоп этишдан бошлади. Бундай серияли нашрларни чоп этишни Европа бошқа давлатларида ҳам кўриш мумкин. “Франция тарихига оид нашр

килинмаган хужжатлар” (1835й.), “Италия тарихи манбалари” (1887й.) Италияда нашр этилган “Ўрта аср инглиз ёзувчилари” (1858-1896й.) тўпламлари шулар жумласидан.

АҚШда XIX асрнинг 30-йилларидан тарихий манбаларни нашр қилиш кенг миқёсда бошланди. Бу ишлар штатлар тарихий жамиятлари, тарихчилар ҳамда федерал ҳокимият томонидан амалга оширилди. “Америка давлат хужжатлари” шулар жумласидан. Дастлабки вақтларда нашрларнинг сифати Ғарбий Европа нашрларидан пастрок эди.

Осиё мамлакатларида нашрларнинг илмий принциплари XX асрнинг 20-40-йилларидан қўлланила бошланди. Лекин бу жараён Японияда илгарирок – XIX аср охирларида бошланган эди. Шу даврга қадар Шарк ёзма ёдгорликларини нашр қилишни, асосан, Ғарбий Европа олимлари олиб борарди. Бунда Лейден, Париж, Оксфорд, Кембридж, Лейпциг университетлари муҳим марказлар бўлган. Нашр ишлари Франция, Бельгия, Австрия, Нидерландия, АҚШ, Польша, Германияда юқори савияда олиб борилган.

Шарқда эса манбаларни нашр қилишни университетлар, архивлар бажарган. Ўзбекистонда XX асрнинг ўрталарида матбуотда фан, маориф, тилшунослик, адабиёт, санъат, матбуот, библиография тўғрисидаги китоблар, мақолалар бериб борилган. Шу билан бирга, “Ўзбекистонда ижтимоий фанлар” журнали Ўзбекистон тарихи бўйича чиққан адабиётларнинг йиллик рўйхатини эълон қилиб борган. Б.В.Луниининг тадқиқотини бунга мисол қилиш мумкин. Бундай библиографик кўрсаткичлар Фанлар академиясининг журналида доимий равишда чоп этилган. Шундай қилиб, тадқиқотчилар матбуотда Ўзбекистон тарихи ҳақида адабиётларнинг тўла рўйхатига эга бўлганлар. Умуман олганда, юқорида тилга олиб ўтилган библиографиялар тадқиқотчиға танланган мавзу бўйича адабиётлар рўйхатини тузиб олиб, уларни муайян изчилликда ўрганиб чиқишда ёрдам беради. Илмий асар ёзишда архив хужжатларининг аҳамияти катта ҳисобланади. Ўзбекистон тарихига доир кўплаб тарихий воқеа ва ижтимоий ҳодисаларнинг фақат архив хужжатлари орқали ҳолисона ўрганиш мумкин.

1999 йил 15 апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Архивлар тўғрисида”ги Қонуни, 1999 йил 30 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг “Архив иши бўйича меъёрий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”, 2004 йил 3 февралда “Ўзбекистон Республикасида архив ишини бошқаришни янада

такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарорлари эълон қилинди. Бир неча минг йиллик даврни ўз ичига олган бой археографик материалларга эга Ватанимизда бу борадаги тадқиқотлар учун янги имкониятлар очилди. Натижада, ҳужжатларни тўплаш ва тўлик нашр этиш йўлга қўйилди. Бу ишлар Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти олимлари ва архив ходимлари томонидан амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасида ҳозирда “Ўзархив агентлиги” ташкил этилган бўлиб, маркази Тошкент шаҳрида, унинг вилоят марказлари ва Қорақалпоғистон Республикасида бўлимлари бор.

1998-2000 йилларда Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида қўлёзмаларнинг “История” (“Тарих”), «Естественные науки» (“Табийий фанлар”), “Медицина” (“Табобат”), “Краткий каталог суфийских произведений XVIII-XX вв.” (“XVIII-XX асрлар тасаввуфига оид асарларнинг қисқа каталоги”) номи мавзу каталоглари, Абу Али ибн Сино, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Абу Наср Форобий, Амир Хусрав Дехлавий асарлари қўлёзмаларининг каталоглари, “Каталог Хивинский казийских документов XIX-нач XX вв.” (“XIX-XX аср бошларига мансуб Хива козилик ҳужжатлари каталоги», 2001 й.), 3 жилдли “Шарқ миниатюралари” каталоги (2003-2004 й.) нашр этилди. Абу Али ибн Синонинг “Ал-Конун фит-тибб” (“Тиб конунлари”) асари (5 жилд, 6 китобдан иборат, ўзбек ва рус тилларида) 1950-51 йилларда (1-нашр), 1979-82 йилларда (2-нашр) 1957-75 йилларда Абу Райҳон Берунийнинг танланган асарлари силсиласи (ўзбек тилида 4 жилдли, рус тилида 7 жилдда) чоп этилди. Ал-Хоразмий ва ал-Фарғонийнинг математика ва астрономияга оид асарлари таржималари, Мирзо Улуғбекнинг “Зижи Кўрагоний” китобининг русча таржимаси (1996й.), ислом тарихи ва тасаввуфга оид Имом ал-Бухорий, ал-Марғиноний, ал-Мотуридий, нақшбандия ва яссавия тариқати вакилларининг асарлари, Амир Темур ва темурийлар даври тарихи, маданияти тарихини ёритувчи қатор тадқиқот ва таржималар, тарих, адабиёт, географияга оид қўлёзмаларнинг танқидий матнлари ва таржималари, хорижий Шарқ мамлакатларининг тарихи, адабиёти, маданияти тарихи, Ўзбекистоннинг бу мамлакатлар билан дипломатик ва маданий алоқалари бўйича монографиялар, илмий мақолалар тўпламлари, илмий-оммабоп рисоалар нашр этилди. Институтда 7 та бўлим, шунингдек, қўлёзмаларни таъмирлаш устaxonаси ва фотолаборатория бўлиб, 63 та илмий ходим ишлайди. 1991 йилдан

институт “Шарқшунослик” номли илмий альманах нашр этади. 1991 йилдан институт Германия, Франция, Буюк Британия, Италия, Туркия, АҚШ, Эрон, Қувайт, Миср, БАА, Ҳиндистон, Хитой, Япония каби мамлакатларнинг илмий марказлари билан ҳамкорлик қилади. 1981 йилда институт Абу Али Ибн Сино номидаги халқаро мукофотга сазовор бўлган. 2000 йилда институтнинг қўлэмалар фонди дунёдаги энг бой қўлэмалар мажмуаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилган.

1992 йилда Япониянинг Киото университети профессори Тору Хорикава бошчилигидаги делегациянинг Ўзбекистонга қилган сафарларининг бирида институт олимлари хивалик Алия Алиакбаровадан 1713 та асл нусха –Хива қозилик ҳужжатларини сотиб олишди ва институтга тақдим этилди.

1378 йилда Амир Темур томонидан берилган имтиёзлар ҳақидаги “Иноятнома – “Ёрлик”ни ўрганган Б. Маннонов ва Г. Оstonоваларнинг фикрича, “Ёрлик” Н.П. Остроумов қўлига етиб келгунига қадар ўта муҳим ва муқаддас ҳужжат сифатида Хива хонларининг хос архивида сақланиб келинган.

Институтдаги қўлэмалар жамғармасида 130 га яқин кўчирилган ҳужжатлар нусхаси тўпламлари сақланмоқда. Бу тўпламдаги ёрликлар, хатлар, васиқалар, ёзишмалар, чет давлатлар билан ўзаро мактублар ва ҳоказолардан иборат бўлиб, XVI-XX аср бошлари оралиғидаги даврни ўз ичига олади. Уларда турли давр ва сулолалар муншилари томонидан асл нусхалардан кўчириб ёзилган турли масалаларга доир ҳужжатлар жамланган.

Ҳужжатлар тадқиқоти борасида нашр этилган сўнги ишлардан яна бири ЎзР Шарқшунослик институти ходимлари германиялик ҳамкасблари билан бирга нашр этилган каталог. Унда институт фондида сақланаётган турли ёрликлар тавсифи ва сурати чоп этилган.

2. Эпиграфика

Эпиграфика (юнонча - битик) — махсус, ёрдамчи тарихий фан бўлиб, каттиқ жисмлар (тош, металл, сопол ва ҳоказо), асосан, қадимги ва ўрта асрларга оид ёзувлар (битиклар)ни тўплаш, нашр этиш ва шарҳлаш билан шуғулланади.

Эпиграфика Ғарбий Европада, Уйғониш даврида шаклланган. XIX-XX асрларда эса фан сифатида илмий асослари ишлаб чиқилган. Бу даврда Миср миҳхат (иероглиф)лари ва клинопислари, Микена ёзувларининг ўқилиши натижасида эпиграфика соҳаси анча

кенгайди. Эпиграфик матнлар сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий тарих бўйича муҳим маълумот берувчи ноёб манбалар сирасига кириши билан алоҳида ажралиб туради.

Мисрнинг қадимги миҳхат ёзувлари эрамиздан аввалги IV-III минг йилликка, баъзи идеографмалар эса ундан ҳам эрта даврга оид. Улар, асосан, эҳромлар ва бошқа иншоотлар, деворларга ўйиб ёзилган матнлардан иборат.

Месопотамия, Сурия ва Кичик Осиёнинг клинопис ёзувлари эрамиздан аввалги IV минг йиллик охирига тўғри келиб, тили бўйича бир-бирдан кескин фарк қилади (шумер, аккад, хетт, хуррит, элам, урарту). Эрамиздан аввалги VI-IV асрларда қадимги Эрон клинопис ёзувлари эса қоя, сарой деворларига ўйиб ёзилган. Қадимги Шарқ эпиграфикаси тарих фани учун муҳим аҳамиятга эга (масалан, Хаммурапи қонунлари). Ҳиндистон халқлари тарихи учун Хараппа цивилизацияси (эрамиздан аввалги III минг йиллик)га оид идеограммалар подшо Ашоки даврининг сиёсий, хўжалик, диний матнларини ўзида жамлаган. Қадимги Хитой ёзувлари эрамиздан аввалги XIV асрга оид бўлиб суяк, бамбук, бронза идишларга ўйиб ёзилган.

Эрамиздан аввалги II минг йиллик охиридан Финикия диний эпиграфик ёдгорликлари шаклланиб, улардаги тарихий мазмун Инжил, Сидон ва Испаниядаги финикияликларнинг колонияларида ҳам учрайди.

Карфаган эпиграфик матнлари пунн ёзувлари деб аталади. Финикия эпиграфикаси оромий ва қадимги яҳудий матнларининг (эрамиздан аввалги IX аср) шаклланишига туртки берган.

Қадимги юнон ёзувлари эрамиздан аввалги XI асрда Кипрдан кириб келган. Анча кейинроқ (эрамиздан аввалги VII асрлардан) Юнонистон, Италия жануби ва Ўрта ер денгизи оролларидаги ёзувлар хилма-хил ва мазмунан қонунлар (Гортин қонунлари), фармойиш, халқаро шартномалар, амалдорлар рўйхати ва ҳоказо тарихий воқеаларни ўзида жамлагани билан аҳамиятлидир. Латин ёзувидаги эпиграфик ёдгорликлар (эрамиздан аввалги VII асрдан) Рим империяси ва унга қўшни ҳудудлар (Шимолий Қора денгиз бўйлари, Кавказ, Олд Осиё)дан топилган. Улар орасида ер, хўжалик масалаларига оид қонунлар, император Юлий Цезарнинг муниципал қонуни, “Августнинг васиятномаси”, фармойишлар мавжуд.

Антик сопол идишларга ёзилган ёзувлар эпиграфик ёдгорликларнинг нодир намунаси сифатида хўжалик ва савдо бўйича муҳим манба саналади.

Ўрта аср ва кейинги даврларга доир эпиграфик матнлар юнон ва лотин тилларида бўлиб, мазкур ёдгорликлар Болқон мамлакатлари, Ғарбий Европа ҳудудларидан топилган ҳамда христиан эпиграфикси намуналари деб юритилади. Уларнинг аксарияти қабртоши ва черков биноларига ўйиб ёзилган ёзувлардир.

Қадимги герман қабилалари эса руник ёзувларни қолдиришган.

Шимолий араб хатига асосланган ёзувлар (VI аср) турли халқларга мансуб бўлиб, Атлантика соҳилларидан Тинч океанига қадар тарқалган.

Кавказ халқлари тарихи учун арман ва грузин ёзувлари муҳим саналиб, уларда сиёсий ва маданий тарихга доир маълумотлар бўлган.

Славян халқларининг дастлабки ёзувлари (X аср) кириллицада бўлиб, Македония, Сербия, Хорватия ва Чехиядан кириб келган.

Адабиётларда эпиграфик ёдгорликлар деб қадимги битикларга айтилади. Қадимги туркий тилларга оид ёзма ёдгорликлар ҳам ноёб эпиграфик ёдгорлик саналади (V-VIII асрлар).

3. Жаҳоннинг йирик эпиграфик ёдгорлиги

Беҳистун (ёки Бисутун) ёзуви Эқбатаннинг жануби-ғарбида, Кермоншоҳ ва Ҳамадон ўртасида, Қадимги Мидия ҳудудидаги қоя-тошларга ўйиб ёзилган ёзув бўлиб, унинг яқинидан Эрондан Месопотамия (Икки дарё оралиги)га, ҳозирда эса Техрондан Бағдодга ўтувчи йўл бўлган.

Матн 1-4 жадвал, уч тил (қадимги форс, элам ва бобил)дан иборат бўлиб, эрамиздан аввалги 521-520 йилларга оид. 5-жадвал эса фақатгина қадимги форс тилида бўлиб, кейинроқ тўлдирилган. Беҳистун ёзувида дастлаб Ахурамазданинг эслатмалари ва ушбу худонинг энг қадимги тасвири тааллуқли.

Аҳамоний подшоларининг ёзувлари уларнинг ичида энг муҳими ҳисобланади.

Ёзувларда топонимик маълумотлар ҳам учрайди:

Арбела - Месопотамия шимоли, ҳозирги Эрбил шаҳри;

Асагарта - юнонча Сагартя, Мидия ерлари ва собиқ Оссуря мулкларини қамраб олган, Тигр дарёсидан шарқда жойлашган вилоят;

Варкина - юнонча Гиркания, Каспий денгизидан жануби-шарқда жойлашган вилоят (Авестода Вехркана деб берилган);

Гайдара – қадимги хиндча Гандхара;
 Зранка - юнонча Дрангиана;
 Мака - юнонча Гедросия, Араб денгизи шимолидаги вилоят;
 Маргу - юнонча Маргиана (Авестода Моуру, ўрта форс
 тилида Мерв), ҳозирги Туркменистоннинг Мари воҳаси;
 Нисайа - Рат шаҳридаги вилоят, Эқбатан шимоли-шарқида;
 Пишияувода – Персия (Эрон)нинг жануби-ғарбидаги жой;
 Сака - кўчманчи сак-массагет ерлари;
 Сатагу - юнонча Саттагидия;
 Спорда - Лидия (юнонча Сардлар), Кир II томонидан забт
 этилган Кичик Осиёдаги давлат;
 Харайва - юнонча Арея;
 Харахвати - юнонча Арахосия, ҳозирги Қандаҳор;
 Яуна - юнонча Иония.

4. Урхун ва Енисей ёзувлари

Урхун ва Енисей ёзувлари қадимги турк руник ёзуви — тош,
 металл, ёғоч ва бошқаларга ўйиб битилган қадимги туркий ёзувлар.
 V-VIII асрлар (баъзи манбаларда VIII-X аср)га мансуб бўлиб, Урхун
 ва Енисей дарёлари ҳавзаларидан топилганлиги сабабли шу ном
 билан юритилади. У гот (қадимги герман) ёзувиға ўхшаш бўлгани
 учун руник ёзув деб ҳам аталган.

Урхун ва Енисей ёзувлари ҳақида дастлаб XVIII асрнинг
 бошларида рус олими С.Ремезов, кейинроқ швед олими
 Ф.Страленберг, немис олими Д.Г.Мессершмидтлар хабар беришган.
 Бу ёзувларнинг туркий халқларга мансублигини биринчи марта
 француз олими Ж.П.Абель-Ремюза (1820), сўнгра рус олими
 Н.М.Ядринцев (1889) исботлаган. 1890 йилда Н.М. Ядринцев ва 1891
 йилда В.В.Радлов раҳбарлигида Урхун дарёси бўйига уюштирилган
 археологик экспедициялар натижасида 1892 йил 2 та атлас эълон
 қилинди. Бу атласларда босилган Урхун ва Енисей ёзувлари
 матнларини биринчи бўлиб даниялик тилшунос В. Томсен ўқишга
 муваффақ бўлди (1893 йил, ноябрь). В. Томсендан сўнг В.В. Радлов
 турк шахзодаси Култегин (VIII аср) хотирасига битилган улкан
 тошдаги матннинг транслитерация ва транскрипциясини тузиб,
 немис тилига таржима қилди. Бу материал қадимги туркий тил
 қурилиши, фонетикаси, морфологияси ва лексикаси юзасидаи
 дастлабки тасаввурни берди.

Урхун ва Енисей ёзуви ҳақида мутахассислар ўртасида ягона
 фикр йўқ. Бу ҳақда нисбатан кенг тарқалган фикрга қараганда,
 мазкур ёзув келиб чиқишига кўра суғд ва пахлавий ёзувлари орқали

оромий ёзувига бориб такалади. Урхун ва Енисей ёзувларининг пайдо бўлиш жойи ва вақти ҳам ҳозирча аниқ эмас. Бу ёзув айрим график хусусиятлар туфайли Урхун, Талас, Енисей вариантларига эга. Буларнинг энг қадимийси Урхун вариантыдир. Бу ёзувлар туркий тилларга уйғун, мос, анча мукаммал, араб ёзувидан кўра ёзилиши ва ўқилиши бирмунча қулай бўлган. Ўрта Осиё, Қозоғистон ва туркий халқлар яшаган бошқа кўп жойлар араблар томонидан босиб олинган, бу мамлакатларда араб ёзуви кенг тарқалади.

Мазкур ёзув, араб ёзуви сингари, ўнгдан чапга қараб ёзилган ва ўқилган. Урхун ва Енисей ёзуви 38 белги (харф)дан иборат бўлиб, фонетик ёзув тизимига киради. Ҳар бир товуш ёки товушлар бирикмаси махсус харфлар билан ифодаланиб, бир-бирига уланмай, яқка-яқка ёзилган. Кўп ҳолларда (асосан, сўз боши ва ўртасида) унли харфлар ёзилмаган. Урхун ва Енисей ёзувида тиниш белгилари ишлатилмаган. Сўзлар, баъзан морфема ёки сўз бирикмаларини бир-бирдан ажратиш учун улар ўртасига икки нукта (:) қўйилган, шартли равишда у “айирғич” деб номланган. Урхун ва Енисей ёзувларининг Лена-Байкалбўйи, Енисей, Мўғул, Олтой, Шарқий Туркистон, Ўрта Осиё, Шарқий Европа каби гуруҳлари аниқланган.

Урхун ва Енисей ёзувларини текшириш ва ўрганишда В.Томсен, В.В.Радлов, П.М.Мелиоранский, А.А.Половцев, Г.Гейкель, С.Е.Малов, Л.Н.Гумилёв каби рус ва европалик олимларнинг хизматлари катта. Ўзбек олимларидан академик Ғ.Абдурахмонов, А.Рустамов, проф. Н.Раҳмоновлар ҳам Урхун ва Енисей ёзувларини ўрганиб, муайян тадқиқотларни амалга оширганлар. Ушбу ёдгорликларни тадқиқ этиш ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда. Урхун ва Енисей ёзувларига хос айрим лексик бирлик ва грамматик шакллар ҳозирги ўзбек, уйғур, озарбайжон, қирғиз, козок, туркман, қорақалпоқ, татар, бошқирд, қорачой, болқор ва бошқа туркий тилларда учрайди. Урхун ва Енисей ёзувлари туркий тиллар тарихи, маданияти, этнографияси, тил ва ёзувлари тарихини ўрганишда қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

Савол ва топшириқлар

1. Археография фанининг мақсад ва вазибалари нималардан иборат?
2. Археография қайси тарихий фанлар билан ўзаро боғлиқ?
3. Эпиграфика нимани ўрганеди?
4. Шарқ мамлакатлари тарихига доир қандай эпиграфик ёдгорликлар сақланиб қолган?

5. Интернет веб-саҳифаларидан қадимги туркий ёзувлар бўйича маълумот тўпланг.

6. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда нашр қилинган ҳужжатлар ҳақида маълумот беринг.

Адабиётлар

1. Абдурахмонов Ғ., Рустамов А. Қадимги туркий тил.-Т.: 1982.

2. Валк С.Н. Избранные труды по археографии.-СПб., 1991.

3. Добрушкин Е.М. Основы археографии.- М.: 1998.

4. Лунин Б. Библиографический указатель литературы по археологии, истории, этнографии, философии и праву Узбекистана вышедший в свет в 1952г. / Известия АН УзССР, серия общественных наук, 1957, №3., С. 65- 71.

5. Каграманов Дж.В. Описание археографических документов.- Баку.: Элм. 1969.

6. Карышковский П.О. Материалы к собранию древних надписей Сарматии и Тавриды/Вестник древней истории. 1966, № 2.

7. Каштанов С.М. Актовая археография. -М.: 1998.

8. Кляшторный С.Г. Древне-тюркские рунические памятники как источник по истории Средней Азии.-М.: 1964.

9. Малов С.Е. Памятники древне-тюркской письменности. -М.-Л.: 1951.

10. Меликишвили Г.А. Урартские клинообразные надписи.-Л.: 1960.

11. Мельникова Е.А. Скандинавские рунические надписи. -М.: 2001.

12. Рождественская Т.В. Древнерусская эпитафия X-XV веков.-СПб.: 1991.

13. Рыбаков Б.А. Русские датированные надписи XI-XIV вв. -М.: 1964.

14. Тайны древних письмен. -М.: 1976.

15. Тарихий манбашунослик муаммолари./Республика илмий-амалий анжумани материаллари.-Т.: 2008.

16. Федорова Е.В. Латинская эпитафия.-М.: 1969.

17. Федорова Е.В. Введение в латинскую эпитафику.-М.: Изд-во МГУ, 1982.

18. Ўзбекистон Республикасининг “Архивлар тўғрисида”ги Қонуни.

III БОБ. НУМИЗМАТИКА

1. Нумизматика фанининг мақсад ва вазифалари

Нумизматика (лотинча - танга) – тангалар ҳақидаги фан, тангаларнинг тасвирлари, ўзувлари, оғирлиги, қандай металлдан ясалганлиги, пул муомаласидаги даражаси ва танга зарб қилиниш тарихини ўрганadi. Нумизматика хронология, моддий маданият, ички ва ташқи савдо тарихи масалаларини текширишга имкон беради, тарих, археология, палеография, санъат тарихи, иқтисод, этнография фанларида катта аҳамиятга эга. “Нумизматика” тушунчасига яна қоғоз пуллар (бонистика), медаль, жетон, орден ҳамда нишонларни ўрганиш (фалеристика) ҳам киради. Металл пуллар пайдо бўлгунга қадар пул вазифасини ҳар хил товарлар: ҳайвонлар, тақинчоқлар, металл қуруллар ва қуймалар бажарган. Жамиятнинг иқтисодий ривожланиши, савдонинг ўсиши пулга бўлган эҳтиёжни келтириб чиқарган. Фақат давлат бошлиқларигина танга чиқариш ҳуқуқига эга бўлган.

Танга – ўз шаклига эга бўлган металл қуйма, у ўз вазнига, кадр-қиймати ва сифатли таркиби, тасдиқланган тамға, икки ёки бир томонида, баъзан ён томонида махсус тамғаларига эга. Танга - қиймат белгиси, моддий шаклга эга бўлган ҳолда товар-пул муносабатларининг зарур асбоб-ускунаси. Қоғоз пуллар пайдо бўлиши билан муомалада танганинг роли кескин пасайди, асосан, XX асрдан бошлаб танга қоғоз пулларни майдалаш ва майда тўлов ёки мамлакат асосий пул бирлигининг муайян қисмини (доллар, цент, лират, чентезимо ва бошқалар) ифодалайдиган пул бирлиги воситаси сифатида ишлатила бошлади, олтин ва қумуш тангалар чиқарилиши тўхтатилди (махсус эсдалик ва олтин, қумуш, платина юбилей тангалар бундан мустасно).

Энг биринчи тангалар эрамиздан аввалги XII асрда Хитойда зарб қилинган, кейинроқ эса Ҳиндистонда, Ўрта ер денгизи худудида эр.авв. VII асрда пайдо бўлган. Илк тангалар Кичик Осиё давлатларидан Лидияда пайдо бўлган. Кейинчалик тангалар Элладада ва унинг мустамлакалари Эрон, Италия давлатларида ҳам кенг ёйилди.

Ўрта Осиёда биринчи тангалар (қумуш) эрамиздан аввалги III асрда чиқарилган. Унинг юза қисми (аверси)да подшонинг сурати, орқа томони (реверси)да эса худолар, муқаддас ҳайвонлар тасвири бўлиб, подшоларнинг номи ёзилиб, тамғаси туширилган.

Эрамиздан аввалги IV асрнинг иккинчи ярмида Римда черков қошида танга зарб қилиш устахоналари пайдо бўлиб, япалок шаклдаги мисдан қилинган тангалар зарб қилинган.

Ўзбек тилига танга сўзи туркий “тамға” сўзидан кириб келган бўлса, рус тилига “монета” сўзи Пётр I даврида муомалага киритилган. Қадимда Римда Juno Moneta номли юнонлар худосига нисбатан ишлатилган. Монео, яъни огоҳлантирувчи, асрагувчи маъносини билдирган. Рим ёзма манбаларида танганинг “нумизма” деган яна бир номи учрайди. “Нумизма” сўзи латин тилидан турланиб, юнон тилида “танга”, “қонун” сўзи “ўрнатаман” феъли ўрнида ҳам ишлатилган.

2. Нумизматикага оид тадқиқотлар

Қадимги тангаларга Европада Уйғониш даври (XVI аср)да қизиқиш пайдо бўла бошлаган. Илк маротаба тангаларни фақатгина қизиқувчи сифатида йиғишган. Италиян шоири Ф. Петрарка (1304-1374) илк бор қадимги Рим тангаларини коллекция қилган. XVI асрга келиб танга ва медаль буюмларини йиғиш машғулоти турига айланган. XVI асрда аристократлар тангашунослик фаолиятини ўрганиш ва тангалари йиғишда махсус одамларни ёллашган. 1749-1769 йил Лейпцигда И.Ф.Иоахимом ва И.Г.Бёлилар томонидан нумизматика катологи чоп этилди. XVIII асрда Галла (Саксония) ва Упсало (Швеция) университетларида, XIX асрга келиб Европанинг кўпгина университетларида нумизматика фанидан маърузалар тинглана бошланади. Вена университети археологи профессор Й.Эккель (1737-1798) томонидан нумизматиканинг илмий асослари яратилди. У қадимги тангаларни тарихий-географик жиҳатдан тизимлаштириб чиқди. XIX аср бошларида австриялик олим Й.Мадернинг “Ўрта асрлар тангаларининг тарихи ҳақида танқидий очерклар” номли (Прага 1803-1813) уч жилдди асари нашр этилди. Асарларида сиёсий тарих, феодаллар мавқеини белгилашда танга востига сифатида ўрганиб чиқади.

Поляк олими И.Лелевел томонидан “Ўрта асрлар нумизматикаси” асари 1835 йил Парижда чоп этилиб, унда тангаларга атлас карталари ва хронологик таблицалар орқали маълумотлар бериб ўтди.

1865-1866 йил немис нумизмати В.Ренцман Берлинда Европадаги барча тангаларда учрайдиган белгилар, қирол номлари, тасвирлар ва бошқа маълумотлар жамланган китобини чоп этди. Россияда нумизматикага XIX аср ўрталарида қизиқиш кучайди.

Нумизматика шартли равишда антик давр, Византия, Шарк (Осиё ва Африка мамлакатлари, шунингдек, Ўрта Осиё, Кавказ, Крим, Волга бўйида ўрта асрларда чиқарилган тангаларни ўз ичига олади), Ғарб (Ғарбий Европа ҳамда АҚШ, Канада ва Лотин Америкасида чиқарилган тангалар) ва рус нумизматикасига бўлинади.

Шарк нумизматикасига Х.Д.Френ асос солган.

XX асрга келиб “коллекционер” сўздан “нумизмат” сўзи ажралиб чиқди.

3. Нумизматиканинг асосий тушунчалари

Аверс – танганинг олд томони, унинг олд қисмини аниқлаб берувчи йўналиш.

Реверс – танганинг орқа томонини англатади, бу тушунча тангани илмий тасвирлашда қулайлик туғдиради.

Эмитент – тангани зарб қилдирган ҳукмдор ёки давлат бошлиғи.

Танга ҳуқуқи – танга зарб қилиш ҳуқуқи, бундай ҳуқуққа ҳар бир суверен давлат, қироллик эга бўлган.

Тангадаги давлат белгиси – танганинг давлатга келтирган фойдаси.

Легенда – (танганинг изоҳи) тангадаги ёзувлар. Тангада айлана ёки горизонтал, бир ёки бир неча қатор ёзувлар бўлади.

Номинал – танганинг кадр-қиймати.

Танганинг бирлиги – танга ясалган металл ва унинг оғирлиги орқали танганинг бирлиги аниқланади. Масалан: фунт, марка ва бошқалар.

Танганинг пробаси – танганинг қандай металлдан ясалганини аниқлаш.

Танганинг бузилиши – танга таркибидан қимматбаҳо металлнинг таркибий оғирлиги намойиши натижасида танга сифатининг тушиши.

Лигатура – танга таркибидаги олтин ёки қумушга аралашган қимматбаҳо бўлмаган металл қоришмасини аниқлайди.

Танга майдони – танганинг олд ёки орқа томонидаги ёзувсиз бўш жой.

Танганинг чекка қисми – танганинг асосий қисмидан пастки қисмини ажратувчи горизонтал кесма чизик.

4. Ўзбекистон тангалари

Ўзбекистон худудида дастлабки металл тангалар мил. ав. VI асрда Доро I даврида зарб этилган, оғирлиги 8,4 г.ни ташкил этган “дарик” деб номланган тилла тангалар, деб тахмин қилинади. Мил. ав. III-I асрлар ва ундан кейинги даврда зарб этилган танга намуналари ҳозиргача сақланиб қолган. Улар жумласига Антиох I (эр. авв. 281-261 йиллар), Евтидем I (эр. авв. 235-200 йиллар), Деметрий I (эр. авв. 200-185 йиллар), Евкратид I (эр. авв. 171-155 йиллар), Митридат II (эр. авв. 124-88 йиллар), Гермей (эр. авв. 75-55 йиллар) тангалари қиради.

VIII асрнинг ўрталарида Ўрта Осиёда араблар ҳукмронлиги бошланганидан сўнг савдо муомаласини амалга ошириш учун вазни 4,3 г. бўлган олтин динор, маош ва солиқлар тўлови учун вазни 2,8 г. бўлган кумуш дирҳам ва кундалик савдо-сотик учун мис танга — фулуслар зарб этилиб, муомалага чиқарилган. Амир Темур даврида Самарқандда тангалар зарб этиладиган махсус зарбхоналар ташкил этилган, биринчи марта туркий ном, яъни “танга” деб аталган, вазни 4,5-4,7 г. бўлган кумуш тангалар, вазни 2 г. ни ташкил этган олтин динор ва вазни 1,8 г. бўлган кумушдан тайёрланган мирилар зарб этила бошлаган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Хива, Бухоро, Қўқон хонликларида олтиндан “тилла”, кумушдан “танга”, мисдан “пул” (чақа) деб аталадиган тангалар зарб қилинган.

Ўрта Осиё давлатлари тангаларини ўрганишда рус олимлари П.С.Савельев, В.Т.Тизенгаузен, Е.А.Давидович, О.Н.Смирнова, ўзбекистонлик олимлардан М.Е.Массон, Ш.Р.Пидаев, Э.В.Ртвеладзе, Т.С.Ерназарова, Е.В.Зеймаль, Б.Д.Кочнев, А.А.Мусакаева, И.Т.Тўхтиев ва бошқаларнинг ҳиссаси катта.













Ўзбекистон Республикаси ўз миллий валютаси — сўмни муомалага киритгандан кейин жездан ясалган ва қиймати 1, 3, 5 тийин, никель билан қопланган 10, 20, 50 тийин бўлган тангалар чиқарилган.

Республика тарихидаги муҳим саналарга бағишлаб, эсдалик ва нумизматик аҳамиятга эга бўлган кўплаб юбилей тангалар зарб этилди. Дастлаб 1994 йилда мустақилликнинг 3 йиллигига бағишлаб 10 сўмлик, Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига бағишлаб 1 сўмлик, 1996 йил 1 сентябрда Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан олтин ва кумушдан 100 сўмлик, 1998 йилда Алишер Навоий, кейин Абу Али Ибн Сино, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Бериуний, Мусо Ал-Хоразмий каби буюк алломалар портретлари туширилган юбилей тангалар зарб этилди.

5. Ўрта Осиё ҳудудидаги илк ўрта асрлар тангалари

Илк ўрта асрларда мамлакатимиз ҳудудида зарб қилинган тангаларнинг яна бир асосий жиҳати шуки, уларда ҳар бир ҳукмдорликнинг ўзига хос белгиси – тамғалар акс этган. Юқорида айтиб ўтилган воҳа ҳукмдорлик, ҳатто конфедератив шаклдаги ҳукмдорлик таркибидаги кичик ҳокимликларнинг ўз тамгалари бўлиб, улар нафақат тангаларда, балки сопол ва металл буюмлар сиртидан ҳам ўрин олганлиги археологик топилмалар орқали маълум. Аслида муайян бир тамға бирор ҳукмдорликни ифодаловчи рамзий белгига айланган бўлса-да, уларни бирон мамлакат ёки ўлканинг қадимдан ўзгармай келган анъанавий нишони (герби) деб бўлмайди. Чунки, минтақадаги сиёсий вазият билан боғлиқ ҳолда ҳар бир даврда ўзига хос рамзий белгилари бўлиб, улар бир-биридан фарқ қилади. Хусусан, Кушон салтанати ва Қанғ давлати давридаги тамғалар илк ўрта асрлардагидан шакл жиҳатидан анча фарқ қилиши маълум. Фақат илк ўрта асрларга келгач, воҳа ҳукмдорлигидан ҳар бирининг ўзига хос тамғаси мавжуд бўлганлиги янада яққолроқ кўзга ташлана бошлайди. Хуллас, бу даврда учрайдиган тамғаларни бирор мамлакатнинг эмас, у ерни бошқариб турган сулоланинг рамзий белгиси сифатида қараш кўпроқ мантиқли кўринапти. Масалан, VII-VIII асрларда Чоч воҳасида учта бошқарувчи сулола мавжуд бўлиб, улардан ҳар қайсисининг ўз тамғаси бўлган. Улардан қайси бири Чоч ҳукмдорлигининг рамзий белгиси эканлигини аниқлаш қийин. Бизнингча, ушбу тамғалар сулолага асос солган уруғларга тегишли.

Шуни таъкидлаш жоизки, баъзан муайян ҳукмдорликда мавжуд сулола вакили ўзидан олдин ҳукмронлик қилган қариндоши (отаси, акаси ёки яқинларидан бири)дан ҳокимиятни мерос қилиб олар экан, анъанавий тамғага бирон қўшимча, белги илова қилгани кўзга ташланади. Бу, асосан, Самарқанд ихшидлари, Панж ҳукмдорлари тангаларига хос. Қуйида бу даврда мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлган воҳа ҳукмдорларининг танга ва бошқа буюмларда учрайдиган рамзий белгилари – тамға ва унвонларни келтираемиз:

1. Чоч: . . ; *хвабу, тегин, элтабар, тудун.*
2. Фарғона:  (вариантлари: , , ); *хоқон, тутуқ.*
3. Уструшона:  MR'Y.
4. Сугд:
 - а) Самарқанд: ; *хоқон, MLK'.*
 - б) Панж:  (вариантлари , ); *MR'Y.*

в) Кеш: **ك**; *ахурнат*;

г) Нахшаб: **ن**; *хвабу*.

5. Бухоро: **خ**. *пухар хваб кава*.

6. Тохаристон:

а) Тохаристон ябғулиги: **𐰽**, **𐰺**; *ябғу*;

б) Чағониён: **ق**; *хваб*;

в) Термиз: **ت** -.

7. Хоразм: **خ**; *MR'Y MLK'*.

Иктисодий эҳтиёж воситаси сифатида зарб этилган мазкур тангалар ва ундаги маълумотлар ўз даврининг сиёсий, иктисодий ва маданий жиҳатларини ёритишда ўзига хос ўрин тутди. Жумладан, тангаларда акс этган ҳукмдор исми ва унвони, турли рамзий белгилар (тамға ва ҳоказо) кўпроқ сиёсий ҳаётни ёритишга ёрдам берса, уларнинг иконографик (тасвир ва сюжетлар) ва палеографик жиҳатлари, ясаиш техникаси, металл тури ва бошқалар ўз даври маданий-иктисодий ҳолатини тасаввур қилишга хизмат қилади.

Бу давр тангаларини нумизмат олимлар – О.И.Смирнова, Э.В.Ртвеладзе, В.А.Лившиц, Е.В.Зеймаль, Б.И.Вайнберглар ўрганишган, уларнинг аксарияти мамлакатимизнинг муайян қисмидан топилган тангаларга бағишлаб, тадқиқотлар нашр этишган. Ҳозирги кунда бу соҳани Э.В.Ртвеладзе, Л.С.Баратова, А.В.Кузнецов, Ғ.Бобоёров, А.Кубатинлар давом эттиришмоқда. Бирок, улар асосий эътиборни Чоч воҳаси тангаларига қаратганликлари учун Фарғона, Уструшона, Сугд, Хоразм тангалари етарлича ўрганилмасдан қолмоқда.

Нумизматик материалларнинг тарихий манба сифатида аҳамияти шуки, ёзма манбаларда учрайдиган камчиликлар (маълумотнинг етказилиш даражаси, тил ва ёзув хусусиятларининг фарқлилиги натижасида исм, унвон ва атамаларнинг аслиятдан узоқлиги ва ҳоказо) туфайли юзага келадиган англашмовчиликлар уларда кўп учрамайди. Шу жиҳатдан олганда, танга пулларни ишончли ва собит манбалар, деб ҳисоблаш мумкин.

Фарғона водийси тангалари. Мавжуд нумизматик материаллар асосида Фарғона водийсида танга зарб қилиш анъанаси милодий VII асрда йўлга қўйилган, деб тахмин қилинади. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларига нисбатан Фарғона водийсида исломдан аввал муомалада бўлган тангалар ўз тури ва микдорига кўра озчиликни ташкил этади. Ҳозирча асосан водийнинг бу даврга тааллуқли

Ахсикент, Кува, Мунчоктепа каби шаҳар харобаларидан топилган тангаларни қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

I. Туркий кийёғали ҳукмдор тасвирли, ўнг юзида турк-рун ёзув ва орка юзида \approx шаклли тамға ҳамда унинг атрофида суғдий жумла ўрин олган тангалар. Ҳар икки тилдаги ёзувлар ҳалигача тўлақонли ўқилмаган.

II. Юкоридагига ўхшашроқ тасвирли танга. Танганинг орка юзасида \approx шаклли тамға атрофида суғдий ёзувли *prn wzu x [z'n]* – “Илоҳий қут (соҳиби) ҳокон” жумлалари жой олган.

III. Ўртаси квадрат тешикли, суғдий ёзувда *x'z'n* – “ҳокон” унвони ва \approx шаклли тамғали тангалар.

IV. Ўртаси тешик бўлиб, бир чеккасида суғдийча *pru* – “танга/пул” ёки *prn* – “қут” жумлалари ўрин олган, нисбатан сифатсиз тангалар.

Турк ҳоконлиги қўшинлари 560 йилларда эфталитларга қарши юриш қилиш мобайнида биринчилардан бўлиб, Фарғонани эгаллайди. Афтидан дастлабки пайтларда водийнинг маҳаллий сулоласи ҳоконликка тобе ўлароқ ўз ҳокимиятини сақлаб қолади. Кейинчалик Фарбий турк ҳоконлари Чочда бўлганидек, ўзларининг марказий ҳудуди – Еттисувга жануби-ғарбдан қўшни бўлган Фарғона бошқарувиغا ҳам яқиндан аралаша бошлайдилар. Жумладан, Тан-шу йилномасида Чжен-гуань даврида (627-649) Фарбий турклардан Ган Мохэду (Тўн Баҳодур) Боханна (Фарғона)нинг Киби исмли ҳукмдорини ўлдиргани ва ҳокимият Ашена (Ашина) Шуни исмли шахс қўлига ўтгани таъкидланади. Бир қатор тадқиқотчилар уни Фарбий Турк ҳоконлигига мансуб шахзода, деб ҳисоблашади. Йилномада келтирилишича, Ашена Шуни ўлимидан кейин унинг ўғли Йебочжи ҳокимиятни қўлга олади ва марҳум Кибининг қариндоши Аляоцан ҳукмдор қилиб тайинланади. Йебочжи Гйесай (Косон) шаҳрида, Аляоцан эса Ху-мин шаҳрида туриб, фаолият юрита бошлашади. Сўнгра 656 йили Йебочжи Хитойга совға-саломлар билан элчи юборганлиги қайд этилади. Демак, бу пайтда Фарғонада келиб чиқиши ҳоконларга тақалувчи сулола ташкил топган бўлиб, ҳоконлик водийни бевосита ўз вакиллари орқали бошқара бошлаган, шу билан бирга, маҳаллий сулола фаолиятига ҳам барҳам берилмаган.

Суғд воҳаси тангалари. 1) Самарқанд. Гарчи, илк ўрта асрларда Суғд маркази Самарқанд ўлароқ, Панж (Панжикент), Кеш (Шаҳрисабз), Нахшаб (Қарши) каби нисбатан катта ва Кушония (Каттақўрғон), Маймурғ, Кабудон, Фай сингари кичик мулклардан

ташқил топган бўлса-да, улар орасида фақат йириклари ўз танга пулларини зарб қилдиргани маълум.

Самарқанд ихшидлари томонидан VII аср иккинчи ярмидан то VIII аср ўрталаригача зарб қилдирилган хитой таклиди тангаларда суғдий ёзувда Шишпир (640й.), Авархуман (650й.), Тукаспадак (690й.), Тархун (700-710й.), Гурак (710-738й.), Турғар (738-750й.) каби ҳукмдор исмлари ёзилган, улар ҳақдаги маълумотлар, асосан, хитой ва араб манбаларида, қисман суғдий ҳужжатларда учрайди. Бирок, улардан олдин VI аср ўрталаридан VII аср 40-йилларигача ҳукм сурган Самарқанд ҳукмдорларининг исми тангаларда жой олган ёки олмагани номаълум. Гарчи Хитой йилномаларида Шифуби (590-йй.) ва Кюймучжи (610й.) номлари учраса ҳам, қайси тангалар айнан уларга тегишли эканлиги аниқ эмас. Фақат ҳалигача “эгаси” аниқланмаган 3 тип ʒ шаклли тамғали Самарқанд тангаси учраб, баъзи жиҳатлари уларнинг мазкур ҳукмдорларга ёки 640-йилларгача, яъни Шишпирдан олдин Самарқандни бошқарган ҳукмдорлардан бирига тегишли эканидан дарак бермоқда. Ўз вақтида О.И.Смирнова томонидан бир гуруҳи *twr'k zwb* – «қудратли ҳукмдор» ёки “турлар ҳукмдори” деб ўқилган мазкур тангаларнинг *twrnyn zwb* – “Турон/турк ҳукмдори” шаклида тузатилиб ўқилиши бу масалани қайта қараб чиқишни талаб қилди. Айниқса, мазкур тангаларнинг битта типиди *x'z'n zwb twrnyn* – “хокон. Турон (?) ҳукмдори” жумласининг аниқланиши бу масалага ойдинлик киритувчи маълумотларга эғалиги билан диққатни тортди. Бу танга О.И. Смирнова томонидан *zwb twrnyn znp'n* – “Эзгу нишон (соҳиби) ҳукмдор Мукрнин” шаклида ўқилган, бирок аксарият тадқиқотчилар бу талқинга қўшилмаганлар.

Муҳими шундаки, бундай тангалардаги ҳукмдор тасвирлари туркий киёфада бўлиб, улар орасида умумий яқинлик мавжуд. Бундан ташқари, уларнинг барчасида *twrnyn* сўзининг учраши эътибор тортади. Агар бу сўз ўша пайтда туркийлар ҳукм сурадиган ўлка сифатидаги Турон номи бўлса, мамлакатимиз тарихи билан боғлиқ катор масалалар ечими топилади. Иккинчи томондан, Самарқанд тамғаси билан зарб қилинган тангада *хоқон* унвонининг учраши изоҳ талаб қилади. Эҳтимол, Самарқанд ҳукмдорлари турк хоқонлари номидан танга чиқарган. Хитой йилномаларидан маълум бўлишича, VI аср охирилари – VII аср бошларида Кан (Самарқанд) ҳукмдорлари хоқонлар билан яхши алоқа ўрнатганлари боис юқори мавқе қозонган эдилар. Жумладан, Тарду хоқон (576-603) ўз қизини Шифуби исмли, Тун ябғу-хоқон (618-630) эса Кюймучжи исмли

Самарканд ҳукмдорига қизини турмушга берган эди. Балки, бу ҳукмдорлар ушбу муносабатлар эътирофи сифатида мазкур тангаларни чиқарган. Дарвоқе, айнан шу даврларга тааллуқли, деб тахмин қилинувчи * шаклдаги тамғали, туркий қиёфали ҳукмдор ва малика тасвирли тангаларда *x'itw'n* – «хотун» унвони учрайдики, улар айнан шу никоҳ ришталари туфайли Самарканд ҳукмдорлари томонидан зарб қилинган бўлиши мумкин. Бу тангаларнинг *жабғу*, *жабғу-хоқон* ва *хоқон* унвонлари билан босилган қўшалок портретли (ҳукмдор ва малика тасвирли) Ғарбий Турк хоқонлиги тангалари билан иконографик жиҳатдан яқин ўхшашликка эгаллигини ҳам назардан кочирмаслик лозим.

Мазкур тангалардан кейинги Самарканд тангаларида ҳукмдор тасвирлари ўрнини Хитой таклиди – ўртаси тўртбурчак тешикли тангалар эгаллайди. Бу ўша даврдаги тарихий воқеалар билан боғлиқ бўлиб, 630 йилда маркази Ўрхун/Ўтукан (Мўғулистон) бўлган Турк хоқонлигининг шарқий (марказий) қисмига Хитойнинг Тан империяси томонидан зарба берилган, айна йилларда маркази Еттисув бўлган Ғарбий қанот (бу пайтда Ябғу-хоқонлик) устида эса Хитой нуфузи кучаяётган бир давр эди. Хуллас, хоқонликнинг ўз вассаллари устидан бўлган назорати бирмунча заифлашган пайтда Самарканд ҳукмдорлари ўз тангаларини Хитой таъсирида зарб қила бошлайдилар. Шундай бўлса ҳам хоқонликнинг Самарканддаги таъсири VIII аср биринчи ярмигача сақланиб қолади.

Хитой йилномаларидан маълум бўлишича, VII аср иккинчи ярмидан шу аср охиригача бўлган вақт мобайнида Самарканд ҳокимиятида сулола алмашинувлари юз беради. Бу воқеалар ҳам нумизматик материалларда акс этган бўлиб, анъанавий Самарканд тамғаси (*ʃ*) билан биргаликда фарқли тамға (*ʒ*) ўрин олганида ҳам кўзга ташланади.

2) **Панж.** Сугднинг ўз даврида мавқеи юқори ҳукмдорларидан бири бўлган ушбу вилоят тангалари VII аср ўрталаридан бошлаб зарб қилингани маълум. Панжнинг илк тамғаси деб ҳисобланувчи ўртаси тўртбурчак тешикли хитой таклиди тангада *psu MR'Y sm'wky'n* – “Панж ҳукмдори Чамукйан” жумлалари ўрин олган бўлиб, танганинг орқа томонида эса *ʒ*, * шаклли тамғалар мавжуд. Қизиги шундаки, улар Чочда зарб қилинган Ғарбий Турк хоқонлиги тангаларидаги тамғалар билан яқин ўхшашликка эга. Жумладан, ўқсимон шаклли биринчи тамға “Тарду хоқон” номи учровчи тангадаги (*ʒ*) тамғага ўхшаса, иккинчи тамға эса “Илоҳий Туун хоқон” жумлалари билан босилган тангадаги * шаклли тамғага

анчагина мос тушади (*таққосланг. 1-3/т; 4/ж - ж*). Бу эса мазкур сулолалар орасида боғлиқлик бор эмасмикин, деган саволни кўндаланг кўяди. Дарвоке, Панжнинг бундан кейин зарб қилинган тангаларида мазкур тамгалардан бирига (7) ўхшаш тамғали (8, 9) тангаларда *рпсу MR'Y ʋylk'' гвв* – «Панж ҳукмдори подшо Билга» жумлалари акс этган. Тадкикотчилар тангадаги Билга исми билан Муғ тоғи суғдий ҳужжатларида 693-708 йилларда Панжни бошқарган ҳукмдор сифатида қайд этилган *ск'уп свр ʋylk''* (Чакин Чур Билга)ни тенглаштирадилар. Ушбу ҳукмдор тадқиқотчилар фикрича, туркий ҳукмдор бўлиб, Деваштичдан олдин Панжни бошқарган. Шунингдек, унинг ўрнига ўтирган суғдий ҳукмдор Деваштич (709-722й.) номидан танга зарб қилдиргани маълум эмас. Аксинча, Билгадан кейин зарб қилинган Панж тангаларида *рпсу ппдвпрпwh* - “Панж кироличаси Нана” жумласи учраб, суғдшунослар бу ҳолатни “Танга Билганинг кизи номидан зарб қилинган, Деваштич ҳукмдорлар хонадонидан бўлмагани учун ўз аёли номини акс эттирган”, деб изоҳлайдилар. Дарвоке, Деваштичнинг шажараси келтирилган манбада унинг бир неча аждодларининг исми Шур шаклида қайд этилади. В.А. Лившицнинг фикрича, ушбу исм аслида туркий *чур* унвонига алоқадор бўлиб, Деваштичнинг Чакин Чур Билгага куёв бўлиши билан боғлиқ.

Хуллас, ҳам нумизматик материаллар, ҳам ёзма манбалар VII аср иккинчи ярми – VIII аср биринчи чорагида Панж ҳукмдорлигини туркий-суғдий асли сулола бошқарганини тасдиқлайди.

3) **Кеш.** Суғд конфедерациясининг йирик қисмларидан бири Кеш ҳукмдорлиги бўлиб, у ўзининг қадимий танга зарбхонасига эга эди. Бу даврда маълум муддат Кеш ҳукмдорлари Суғдда етакчилик қилганлиги ҳақидаги маълумотларни нумизматик материаллар ҳам тасдиқлайди. Хусусан, VII аср ўрталарига оид баъзи Самарқанд тангаларида Кеш ҳукмдорлигига хос трискелес шакли (10) тамга учрайди. Дарвоке, 640 йилларда Самарқандни бошқарган Шишпир асли кешлик ҳукмдор бўлган, деб талкин қилинади.

Кешда зарб қилинган тангаларнинг бир қанча типиди *кпу'п'к гвв 'xwpr't* - “Кеш ҳукмдори Ахурпат” жумласи учрайди. Таъкидлаш жоизки, бу тип тангаларни биринчилардан бўлиб ўқиган О.И. Смирнова суғдий жумлани *ггв'п'к гвв 'xwpr't* - “Рағфан ҳукмдори Ахурпат” тарзида талкин қилган ва қатор янглишмовчиликларга йўл қўйган эди.

Ушбу исм Хитой йилномаларида 720 йилларда Хитойга элчи юборган Ши (Кеш) ҳукмдори Ахубидо шаклида қайд этиладиган исм билан тенглаштирилади. Ахурпат исми эса аслида суғдийча унвон бўлиб, “охур (сайис)хона бошлиғи” деган маънони билдиради.

4) **Нахшаб.** Суғд конфедерациясининг яна бир йирик аъзоси Нахшаб ҳам ўзининг танга-пул тизимига эга эди. Бу давр Нахшаб тангаларининг бир томонида туркий қиёфали ҳукмдор тасвири, бир томонида эса от тасвири ва унинг атрофида суғдий жумлалар (“қут (сохиби) ҳукмдор”) акс этган тангалар ташкил этади. Нахшаб тангаларининг бошқа гуруҳида эса бир томонида от тасвири ва ёзув (*gzu gwe* - “илохий ҳукмдор”), иккинчи томонида эса ∞ шаклли тамга ва унинг устида ёзув ўрин олган. Мазкур ёзувни тадқиқотчилар *'lknđk* - “Аюқандак” шаклида ўқишган. Уларнинг фикрича, араб манбаларида 730 йилларда Насаф испаҳбоди сифатида тилга олинган ал-Ашканднинг исми мазкур тангада акс этган. Хитой йилномаларида 738 йилда Турғаш ҳукмдори Тухосян Қут-чурга қарши курашган турғаш лашкарбошиси Баға Тархоннинг ёнидан жой олган Ши (Кеш) ҳукмдорининг номи Сигинти шаклида учрайди. Мазкур ҳукмдор исмининг асли Ашқанд бўлиб, у айни вақтда Нахшаб ҳукмдори бўлган. Хитой йилномаларида унинг Кеш ҳукмдори сифатида тилга олиниши ўша пайтда Нахшабнинг яқин қўшилари устидан мавқеи ошгани билан боғлиқ бўлса керак.

Нахшабда туркий қиёфали ҳукмдор тасвирининг учраши ўша давр тарихий воқеалари билан боғлиқ. Хусусан, 560 йилларда Нахшаб атрофида Эфталитларга қарши асосий зарбани берган Турк хоконлиги бу ҳудудда ўз қўшинларини жойлаштиради. Натижада Нахшабнинг бошқарув маркази бўлмиш жой (Ерқурғон)дан жануб (Шулуктепа)га қўчади ва янги сулола вакиллари бу ердан туриб воҳани бошқара бошлайдилар. Археолог Р. Сулаймонов фикрича, мазкур сулола вакилларининг келиб чиқиши туркий бўлган. Ушбу сулола аввалги маҳаллий сулоладан фаркли равишда тангалар зарб қила бошлаган ва уларда ўзига хос анъаналарни акс эттиришган.

Бухоро тангалари. Илк ўрта асрларда Суғддан алоҳида ҳукмдорлик бўлган Бухоро бир неча кичик ҳокимликлардан ташкил топган эди. Марказий ҳокимият Бухородан ташқари яна Пойкент, Вардона каби майда ҳукмдорликлар ўз ички ишларида анчагина мустақил сиёсат олиб боришган. Бу ҳолат нафақат ўша давр ёзма манбаларида, балки нумизматик материалларда ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, *pwg'r gwe k'v'* - “Бухоро ҳукмдори подшо”

жумлалари акс этган Бухорхудотлар сулоласига тегишли кумуш тангалардан ташкари воҳада яна бир неча турдаги мис тангалар зарб этилгани маълум. Улар орасида ж (вариант. ж, ж) шакли тамғали, қисик кўзли, кенг юмалок юзли туркий киёфадаги хукмдор тасвири тангаларнинг учраши бу даврда воҳа бошқарувида хоконлик билан алокали вакиллар фаолияти ўзаро боғлиқмасми, деган тахминга бориш мумкин. Эҳтимол, Бухоро хукмдорлари билан ж шакли тамғали танга бостирган Чочнинг маҳаллий сулоласи орасида муайян даражада қариндошликка эга бўлиши мумкин. Агар Хитой йилномаларида Ши (Чоч), Ан (Бухоро) ва бошқа 9 га яқин хукмдорликнинг ўзаро қариндошлиги ва улар маркази Кан (Самарқанд) бўлган Чжаову хонадонига бориб такалиши ҳақидаги маълумотдан келиб чиқилса, бу ўхшашлик бежиз бўлмайди. Таъкидлаш жоизки, мазкур масала ҳалигача очик қолмоқда.

Дарвоқе, бу давр Бухоро тарихига назар ташлайдиган бўлсак, воҳа бошқарувида суғдий-туркий анъаналарнинг омукталашганини кўрамиз. Наршахийнинг “Тарихи Бухоро” асаридан маълум бўлишича, бухоролик зодагонлар маҳаллий хукмдор Абруйнинг зулмига қарши турк хокони Биёғу (Ябғу)дан ёрдам сўрагач, хокон ўз ўғли Шери Кишварни бу масалани ҳал қилиш учун юборади. Тадқиқотчилар фикрича, асл исми Эл-Арслон бўлган мазкур шахзода даврида – VI аср охириги чорагидан бошлаб VIII аср биринчи ярмигача воҳа Турк хоконлиги таркибида бўлади. Агар бу давр мобайнида воҳада хукм сурган Бухорхудотлар сулоласи вакиллари исмига назар ташласак, Хотун, Туғшода, Арслон каби туркий исм ва унвонларга дуч келамиз, бу эса юқорида айтиб ўтилганидек, Бухородаги туркий-суғдий бошқарув элементлари синтезидан дарак беради.

Бошқа воҳа хукмдорликларга нисбатан бу давр Бухоро тангаларида унвонларга кўп дуч келинмайди. Шунингдек, Бухоронинг баъзи тангаларида қиска жумла (*рпу* – “танга”) ва анъанавий тамға ўрин олган Хитой таклиди ўртаси тешиқ тангалар ҳам зарб қилина бошлайди. Айтиб ўтиш лозим, воҳа тарихига доир нумизматика материаллар ва ёзма манбаларни ўзаро таққослаб амалга оширилган тадқиқотлар кам. Бирок, кейинги йилларда Бухоро воҳасига алоқадор кўплаб мис тангалар топилаётгани бу масалани янада изчилроқ тадқиқ этишни талаб қилмоқда.

Хоразм воҳаси тангалари. Илк ўрта асрларда Хоразм мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларига нисбатан биров фаркли ўз

бошқарув тарзига эга хукмдорлик эди. Айниқса, Суғд ва Тохаристондан фаркли ўларок, бу ерда нисбатан марказлашган сулола хукм сурган. Бу ёзма манба ҳамда нумизматик материаллар асосида ўз тасдиғига эга. Айниқса, тангаларда қадимги Хоразм давлатчилиги аънаналарига хос рамзларнинг жойлашуви, стандарт ўларок *MR'Y MLK'* тарзида қўшалок унвоннинг жой олиши диққатга сазовор. Шунингдек, Хоразм тангаларида хукмдор калпоғи устида ўз даври мифологияси билан боғлиқ турли этикокий тимсоллар: туя, бургутларнинг тасвирлари акс этиши хос.

Воҳанинг исломдан аввалги нумизматикаси Б.И. Вайнберг томонидан ўрганилган, қадимги Хоразм ёзувлари акс этган тангаларни тадқиқ этиш мобайнида тадқиқотчи ёзма манбаларда, айниқса, Абу Райҳон Бериуний асарларида қайд этилган 22 нафар Хоразм хукмдоридан бир қанчасининг исмини топишга муваффақ бўлган. Улар орасида *wzk'n'lw'r* (Азқачвар, араб манбаларида Чағон) исми хукмдор фаолияти Хоразм тарихи билан боғлиқ бир қатор масалаларни келтириб чиқарган. Чунончи, унга тааллуқли, деб тахмин қилинадиган тангада ўша давр Хоразм тангаларига хос 𐎧 шакли тамгадан кескин фарқ қилувчи 𐎧 шакли тамга жой олган, бу эса мазкур хукмдорни Хоразмнинг бошқарувчи сулоласига мансуб бўлмаган, асли чағониёнлик туркий сулоладан, мазмундаги фикрлар билдирилишига сабаб бўлди. Масаланинг кизик томони, ушбу тамга Ғарбий Турк хоқонлигининг VII асрнинг иккинчи ярмида зарб қилина бошлаган тангалардаги тамгаларга жуда ўхшаш. Маълумки, бу даврда Чағониён, Хуттал каби Тохаристоннинг ўнлаб кичик хукмдорликларида туркий сулолалар хукм сурган, унинг тангаларида хоқонлик тамғасига ўхшаш тамгалар жой олган.

Кейинги йилларда Хоразмнинг исломдан аввалги даврига тааллуқли кўплаб янги нумизматик материаллар топилмоқда. Фақат бу соҳада тадқиқот олиб борувчи мутахассисларнинг озлиги уларнинг атрофлича ўрганилмаслиғига олиб келаётир. Шу боис Хоразм тангаларининг давлатчилиги тарихини ўрганишда манба сифатидаги ўрни етарлича тадқиқ этилмасдан қолмоқда.

Савол ва топшириқлар

1. Нумизматика фанининг мақсад ва вазифалари нимлардан иборат?
2. Нумизматикага оид йирик тадқиқотлар олиб борган олимлардан кимларни биласиз?

3. Нумизматиканинг асосий тушунчалари нималардан иборат?
4. Интернет веб-саҳифаларидан ўрта асрлар тангаларига оид маълумот тўпланг.

Адабиётлар

1. Бабаяров Г. Древнетюркские монеты Чачского оазиса VI-VIII вв. -Т.: 2007.
2. Давидович Е.А. История монетного дела в Средней Азии (XVII-XVIII вв.). -Душанбе: 1964.
3. Институты государственности. Денежные отношения / История государственности Узбекистана (вторая половина II тысячелетия до нашей эры III век нашей эры). Т.1. - Т.: Ўзбекистон. 2009. -С. 394-416.
4. Нумизматика. -Л.: 1961.
5. Нумизматика Узбекистана. -Т.: 1990.
6. Ртвеладзе Э.В., Пидаев Ш.Р., Каталог древних монет Южного Узбекистана.-Т.: 1981.
7. Ртвеладзе Э.В. Нумизматические материалы к истории раннесредневекового Чача // ОНУ. 1982, №8. -С. 31-38.
8. Ртвеладзе Э.В. Древние и раннесредневековые монеты историко-культурных областей Узбекистана. Том 1. -Т.: 2002.
9. Спасский И.Г. Русская монетная система. 3 изд. -Л.: 1962.
10. Тарихий манбашунослик муаммолари. / Республика илмий-амалий анжумани материаллари. -Т.: 2008.
11. Федоров-Давыдов Г.А. Монеты рассказывают. -М.: 1963.

IV БОБ. ТОПОНИМИКА АСОСЛАРИ

1. Топонимика. Фаннинг мақсад ва вазифалари

Ҳар бир географик объектнинг (дарё, жилға, чўкки, тоғ, жар, сойлик, шаҳар, қишлоқ ва ҳ.к.) ўз номи бор. Бу номлар турли замонларда берилган бўлиб, муайян маънони англатади. Лекин баъзан маъносини тушуниш қийин бўлган номлар ҳам учрайди. Улар қадимий халқлар томонидан қўйилган, биз тушуниб етмаган ёки талаффузи бутунлай ўзгариб кетган номлардир.

Жой номлари, яъни топонимларнинг қачон ва қандай пайдо бўлганини, этимологияси, келиб чиқиши, уларни классификация (тасниф) қилишни топонимика фани ўрганadi.

Топонимика грекча икки сўздан, яъни **топос** – “жой” ва **онома** (ёки **онима**) – “ном” сўзларидан иборат бўлиб, жой номлари тўғрисидаги фан.

Топонимика шаҳарлар, қишлоқлар, дарёлар, қўллар, тоғларнинг географик номларини, уларнинг келиб чиқиши, тарихини ўрганар экан, бу фан географларга ҳам, тарихчиларга ҳам бой илмий маълумот беради.

Муайян халқлар бирор худуддан кўчиб кетса ҳам, дарёлар, қўллар, шаҳарларга улар берган номлар сақланиб қолган. Топонимика халқларнинг қайси миллатга тегишли эканини аниқлаб беради. Географик номлар картанинг энг муҳим элементи бўлиб, бирор мамлакат ёки ўлка табиатининг хусусиятларини акс эттиради. Шу билан бирга, жой номлари жамият тарихи билан ҳам чамбарчас боғлиқ.

Ҳар бир жойнинг бир неча хусусияти бўлиши мумкин. Мазкур хусусиятлардан бирини танлаш жамиятнинг талабига, унинг тараққиёт даражасига боғлиқ.

Халқлар муайян жойларга кўчганларида янги яшаш жойларига ном берадилар, баъзан аввал истикомат қилган жой номини янги жойларига ҳам берадилар. Топонимларнинг муҳим хусусиятларидан бири уларнинг такрорланиб туришидир. Бу ҳолни биз АҚШ шаҳарлари, Европанинг турли давлатлари шаҳарлари номи билан аталганлигида кўришимиз мумкин. Масалан, АҚШнинг биргина ўзида 8 та Москва, бир неча Одесса деган шаҳар ва аҳоли масканлари бор. Дунёда 10 га яқин Самарқанд бўлганлиги маълум. Зарафшон водийсида бир неча Тошкент қишлоғи бўлган. Номлар “кўчиб” юради.

Ўзбекистонда такрорланадиган номлар жуда кўп. Уларнинг ҳаммасини бошқаларга нисбат бериб қўйилган номлар дейиш хато.

Агар бирор кишлок номи кўп учраса, у, аввало, этноним, яъни бирор миллат, уруғ, қабиланинг номи бўлади. Масалан, Қўнғирот, Манғит, Урганжи, Митан, Араб номли кишлоклар этнотопонимлардир. Атамалар ҳам жой номлари таркибида такрор-такрор учрайди. Работ, булок, кудук, сой, сув, қум, тош, газа, танги, қопчиғай, тоғ, даҳана, арна, тепа каби атамалар ана шулар жумласидан. Топонимларнинг шундай такрорланиб туриши уларни таснифлаб ўрганиш ишини осонлаштиради.

Жой номларини турлича тасниф қилиш мумкин. Агар топонимлар этимологияси жиҳатдан тасниф қилсак: 1) этимологияси ҳаммага маълум бўлган топонимлар (Учкудук, Бешариқ, Навоий, Пахтакор ва хоказолар); 2) маъноси этимологик тадқиқотлар ёрдамида очиб бериладиган топонимлар (Жиззах, Шопурком, Бухоро, Норин ва хоказолар); 3) мазмунини ҳозирча изоҳлаб бериш кийин бўлган топонимлар (Арсиф, Зомин ва ҳ.к.)га ажратиш мумкин.

Баъзан бирон ҳудуддаги жой номларини ҳам топонимика деб атайдилар, масалан, Ўзбекистон топонимикаси. Кейинги вақтларда эса жой номлари йиғиндисини топонимика фанидан фарқ қилиш учун **топонимия** атамасини кўпроқ ишлатмоқдалар.

Топонимика деганда жой номларини ўрганадиган фан, топонимия деганда эса географик номлар йиғиндисини назарда тутиш керак.

Географик номлар, яъни топонимлар тил луғат таркибининг бир қисми бўлиб, тил қонуниятларига бўйсунди. Шунга кўра, топонимика тилшунослик фанлари қаторига киради. Бирок жой номлари бошка сўзлардан фарқ қилади ва муайян ҳудудда таркиб топади. Бинобарин географик қонуниятлар ҳамда тушунчаларни (рельеф шакллари, ўсимлик ва ҳайвон номлари, қазилма бойликларни) акс эттиради, шунга кўра, топонимика географиянинг ажралмас қисмидир. Географик номлар узок яшайди, улардаги тарихий шахс номлари, турли тарихий воқеалар, халқ-элат, уруғ номлари акс этади, шу нуктаи назардан караганда, топонимика тарих фанлари жумласига киради.

2. Топонимларнинг таснифи ва уларнинг бўлиниши

Кишилар жой номларига қадимдан қизиқиб, унинг маъноси ҳақида фикр-мулоҳаза юритганлар, турли афсона ва ривоятлар тўқиганлар. Лекин жой номларини илмий ўрганиш, турли аспектда тасниф (классификация) қилиш нисбатан яқин вақтдан, аниқроғи,

XIX асрдан бошланган. Ўтган асрнинг 50-60-йилларида топонимика фанининг бир канча назарий ва амалий масалалари ишлаб чиқилди.

Сўнги йилларда жой номларини тасниф қилишнинг янги усуллари ишлаб чиқилмоқда. Жой номлари куйидагиларга кўра тасниф қилинмоқда: 1) топоним ифодалаган объектнинг ҳажмий хусусиятига; 2) топоним қандай ва қайси типдаги объектнинг атокли оти эканлигини англатишига; 3) топоним асосидаги сўзнинг маъно ва мазмунига; 4) топонимнинг пайдо бўлиш даврига; 5) топонимга асос бўлган сўзнинг тарихан қайси тилга мансублигига; 6) топонимнинг грамматик структурасига.

Топонимлар ном ифодалаган объектнинг ҳажмий хусусиятига кўра икки гуруҳга: макротопоним ва микротопонимга бўлинади. **Макротопонимларга** (грекча макро - катта) йирик объектлар – китъа, мамлакат, денгиз, дарё, республика, вилоят, шаҳарларнинг номлари киради. Масалан, Европа, Осиё, Америка, Орол денгизи, Амударё, Ўзбекистон, Тошкент, Қўқон.

Дала, дашт, участка, маҳалла, кудук, булок, ҳовуз, жилга, гулзор сингари майда объект номлари **микротопонимлар** (грекча микро - кичик) деб юритилади: Қумдала, Ғанидашт, Шўрқудук, Гулҳовуз, Тошбулок, Қаймоқлигулзор, Юқоримаҳалла сингари.

Топонимлар қандай ва қайси типдаги объектнинг атокли оти эканлигини англатиши жиҳатидан бир неча турларга бўлинади:

1) ойконимлар, 2) полисонимлар, 3) оронимлар, 4) гидронимлар, 5) агроонимлар, 6) дромонимлар.

Ойконимлар (грекча - ойкос-уй, турар жой)га кишлок, посёлка, овул, маҳалла, гузар номлари киради: Қумкишлок, Жаркишлок, Қозоқовул, Соймаҳалла, Исфарагузар каби.

Полисонимлар (грекча полис - шаҳар) шаҳар номларини ўз ичига олади: Париж, Бухоро сингари.

Оронимлар (грекча - орос - тоғ) жой номлари орасида алоҳида ўрин тутади. Оронимлар тоғ, чўкки, тепа, қир, жар номларини ўз таркибига бирлаштиради. Ҳисор, Олатов, Октепа, Қизилқир, Яккақум ва бошқалар.

Сув объектларининг, чунончи, денгиз, дарё, кўл, сой, арик, булок, кудукларнинг номи гидронимлар (грекча гидро - сув) деб аталади: Орол денгизи, Сирдарё, Аччиқкўл, Даҳнасой, Тошарик, Ойдинбулок, Жуманқудук қабилар.

Агроонимлар (грекча - агрос - дала) ер, дала, марза, участкаларнинг атокли отлари: Шўрдала, Қумдала, Райхонмарза, Закаш ер ва шу сингари.

Дромоним (грекча дромос - йўл)ларга ердаги, ер ости, тоғ, умуман, ҳар қандай йўлнинг номи киради: Жийдайўли, Қумсўкмок, Тошйўлак каби.

Топонимларни маъносига кўра таҳлил этганда улар қандай сўзлар асосида яратилганлигини аниқлаш ва номланиш принципларини белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Топонимлар топоним учун асос бўлган сўзларнинг маъно ва мазмунига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

1. Этнотопонимлар. Уруғ, қабила, миллат, халқ номлари асосида яратилган жой номлари этнотопонимлар деб юритилади. Республикамизда бундай географик номлар жуда кўп. Турли жойларда учровчи Баликчи, Дўрмон, Найман, Митан, Қипчок, Қатағон, Жалойир, Қурама, Қанғли, Чимбой сингари номлар ана шулар жумласидан. Бу жой номларига қараб, шу номли кишлоқ ёки шаҳарларда қадимда шундай қабилалар, уруғлар, халқлар истиқомат қилган, деб айтиш мумкин.

2. Антропотопонимлар (грекча - антропос - одам). Киши исмлари, лақаблари, фамилияларидан вужудга келган жой номлари антропотопонимлардир. Масалан Абдусамад, Раҳматулло, Қурбонқашқар, Юсуфкўргонча, Ўрозмерган, Йўлдошобод.

3. Фитотопонимлар. Ўсимлик ва дарахт номлари асосида яратилган жой номлари фитопонимлар (грекча фитос - ўсимлик) номи билан аталади: Жийдакишлоқ, Яккатут, Олмалик, Узумзор, Қамишкўргон каби.

4. Зоотопонимлар. Зоотопонимларга (грекча зоон - ҳайвон) ҳайвон, қуш каби жониворларнинг номлари билан аталган топонимлар киради. Каптархона, Отхона, Лайлайкуя, Беданажой, Қашқалдоққўл, Булбулхона сингари.

5. Касб-ҳунар номлари асосида яратилган топонимлар. Бўрчилик, Мисгарлик, Эгарчилик, Дегрезлик, Бахмалбоп каби топонимлар мисол бўла олади.

Топонимларни топоним асосидаги сўз (аппелятив)нинг маъносига кўра турларга бўлиш юқорида айтилганлар билан тугамайди. Уларни яна давом эттириш мумкин.

3. Антропотопонимлар

Антропонимика билан топонимика тарихий жиҳатдан бири-бири билан узвий равишда боғланган. Уларнинг ҳар иккиси ҳам

тилдаги атокли отларни текширади. Антропонимика киши номларини, топонимика эса жой номларини ўрганиш билан шуғулланади. Баъзи антропонимлар топонимлар асосида вужудга келгани (Тошканбой, Қўқонбой, Қўқонбек) каби баъзи топонимлар киши исмлари базасида (Султонкишлоқ, Юсуфқўрғонча, Йулдошобод) яратилган. Таниқли топонимист В.А. Никонов таъкидлаб ўтганидек, киши атокли отларининг географик номларга айланиши ономастикада кенг тарқалган лингвистик ҳодисадир.

Антропонимлар тилдаги атокли отларнинг катта гуруҳини ташкил қилиб, унга киши исм-шарифи, лақаблар, фамилиялар, таҳаллуслар қиради. Мазкур доирага қирувчи отлардан вужудга келган, улар асосида яратилган топонимлар антропотопонимлар деб юритилади.

Антропотопонимлар узок тарихий даврнинг маҳсули, уларнинг вужудга келиши анча қадимий. Бу турдаги топонимлар жамиятда синфларнинг пайдо бўлиши, қулдорлик тузуми юзага келиши билан яратила бошланди. Хусусий мулкчиликка асосланган феодализмнинг шаклланиши бундай номларни янада кўпайтирди. Ернинг ҳар бир парчаси кимнингдир хусусий мулки бўлган бир пайтда, табиийки, унинг эгасининг номи асосий фарқловчи белгига айланди. Жойлар катта ер эгалари — феодаллар, уруғ ва жамоат бошликлари, маҳаллий ҳукмдорлар, дин ҳомийлари номи билан аталадиган бўлди.

Ўзбекистон топонимиясида антропотопонимлар асосий ўринлардан бирини эгаллаб, топонимларнинг муайян катламини ташкил этади. Тўпланган фактик материаллар шуни кўрсатадики, ўтмишда киши атокли отларининг жой номига айланиши турли усулларда пайдо бўлган. Уларнинг энг муҳим типлари қуйдагилар:

1. Топоним фақат киши исмининг ўзи билангина аталган. Унга кўра, киши исми ҳеч қандай қўшимча элемент қабул қилмасдан жой номига айланади. Масалан: Ислом, Сулаймон (Ўзбекистон тумани), Салим (Қува тумани), Худойберди, Сотиболди (Пахтачи тумани) ва бошқалар.

2. Топоним киши исми ва унга қўшилиб қўлланган титул номи билан бирга аталган: Худоёрхон, Маллахон, Бобоҳўжа, Ботирбой, Шойимбек (Ўзбекистон тумани), Олимбек, Сулаймонбек, Ўрмонбек (Балиқчи тумани), Турсунхўжа (Каттақўрғон тумани) қабилар.

Мазкур топонимлар шу топоним учун асос бўлган шахснинг тарихда эгаллаган мавқеини эслатиб туради. Антропотопонимлар

таркибидаги шахснинг ижтимоий келиб чиқиши ва ижтимоий аҳволини кўрсатиб турувчи хон, бек, бой, хўжа сўзлари семантикасида юкори табака вакиллари маъноси англашилади. Ҳозирги ўзбек тилида мазкур сўзлар аффикс сифатида эркалаш, хурмат маъносини ифода қилади.

3. Топоним киши исми ва лақаби асосида шаклланган бўлади. Маълумки, ўтмишда киши исмларига лақаб қўшиб айтиш бошқа халқларда бўлгани каби ўзбек халқи ўртасида ҳам кенг тарқалган. Бунинг ҳам ўзига хос сабаблари бўлган. Бир ҳудудда яшовчи бир хил номдаги бешта ёки ўнта кишини бир-биридан фарқлаш учун лақаб қўйганлар. Демак, ўтмишда лақаблар ҳозирги исм-шарифларни бажарувчи вазифага яқин функцияда ишлатилган.

Лақаб одамнинг турли белгиларига, хулқ-атвори, анатомик тузилиши, касб-кори, қайси уруғ ва қабилага мансублиги ва бошқа хусусиятларига кўра берилган. Лақаб киши исми билан бирга ёки алоҳида қўлланилган. Шунинг учун баъзи географик объектларга шахс номи билан бир қаторда, у билан ёнма-ён келувчи лақаб ҳам асос бўлган. Бу гуруҳларга мансуб антропотопонимларга қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1) исм ва лақаб: Каримдевона, Ҳасанқора, Муродқўса, Раимқулқўса, Зокир полвоннинг ери, Эргаш сарикнинг ери, Мамажон Қорининг ери, Хўжа ҳосилотнинг ери, Жума тўртинчининг ери, Турсун ажинанинг ери ва бошқалар;

2) исм ва этник ном: Қурбонқашқар, Қосимавғон, Олимбалиқчи, Ниёзёби қабилар;

3) исм ва диний титул: Дониёршайх, Раҳимсўфи, Солимаҳсум, Валипирим, Пошшопирим ва бошқалар.

Баъзи антропотопонимларда лақабларнинг киши исмидан олдин келиши ҳам учрайди. Масалан:

а) лақаб ва исм: Калдушан, Кўрназар, Қораустанинг булоғи, Калниёз, Уста Бозор, Уста Ортик, Уста Абдулла, Уста Ширин қабилар;

б) диний титул ва исм: Мулла Эшқул, Мулла Зоир, Мулла Бошмон, Хўжа Абдуҷаббор, Хўжа Муродбахши ва бошқалар.

4. Топоним киши исми ва у билан биргаликда қўлланган амал номи билан ифодаланиши ҳам мумкин. Ўтмишда мансаб номлари амал эгасининг номига қўшиб айtilган. Шунга кўра, қўплаб жой номлари киши исми ва мансаб номи атама бўлиб қолган. Тўхлимерган - мерган сўзи Қўқон хонлигида кичик ҳарбий лавозимни билдирган; Дўстимбий - бий - туркий халқлар,

жумладан, ўзбекларнинг уруғ оқсоқолларига берилган унвон. Бийлар йирик ўзбек қабила ва уруғларига бошчилик қилиб, фақат марказий ҳукуматга итоат қилганлар. Холдовонбек - девонбеги девон бошлиғи маъносида. Ўрта асрларда солиқ йиғувчи муассаса бошлиғи бўлиб, кейинчалик унга мамлакатнинг барча молия ишлари юклатилган. Қўкон хонлигида девонбеги бирор вилоят ҳокими бўлиб, четдан келадиган савдо қарвонларидан бож тўплаган. Холматдодхо - додхо Қўкон хонлиги ва Бухоро амирилигида қалъа бошлиғи, қозихона ишлари устидан назорат олиб боровчи амалдорни билдирган. Қўкон хонлигида бу мансаб 10 кишига берилар ва улар амалдорлар рўйхатида тўққизинчи ўринда (парвоначидан кейин, бийдан олдин) турган.

5. Антропотопонимларнинг муайян қисми фақат лақабнинг ўзи билан боғлиқ ҳолда вужудга келган. Маълумки, лақаб яққа ҳолда ҳам ишлатилиши мумкин. Масалан: Кармомабулок (Кармоманинг булоғи), Афандининг дашти, Овсарнинг тегирмони, Мискар ҳовузи ва бошқалар.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, лақаб ўтмишда баъзан бутун бир кишлоқ, жамоа ёки маҳалла аҳолисига тегишли бўлган. Бу хил лақаблар бора-бора тўп, уруғ номини ифодаловчи микроэтнонимларга айланган. Маълум аҳолининг бир хил лақаб билан юритилиши айрим топонимларда ўз аксини топган. Барзанги, Каркишлоқ, Бўзахўр, Қалинпўстин, Гуручфуруш, Қамчифуруш қабилар.

6. Топоним киши исми билан географик атаманинг бирикуви орқали ифода қилинган. Бу гуруҳга мансуб бўлган антропотопонимлар киши исmlарига кишлоқ, тепа, қўрғон, гузар, маҳалла, кўл, арик, қудук, чўл сингари географик жойлар номини кўшиш орқали ясалган. Буларни куйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганиш мумкин: 1) киши исми+кишлоқ номи: Султонкишлоқ, Ҳайиткишлоқ, Ғаникишлоқ; 2) киши исми+маҳалла сўзи: Аширмаҳалла, Ризомаҳалла; 3) киши исми + қўрғонча сўзи: Юсуфқўрғонча, Ҳасанқўрғонча; 4) киши исми +гузар сўзи: Рискулибек гузари, Тешабойгузар; 5) киши исми+тепа сўзи: Омонтепа, Исмоилтепа; 6) киши исми+қўрғон сўзи: Обидчақўрғон, Пўлатқўрғон; 7) киши исми+сой сўзи: Муродсой; 8) киши исми+қудук сўзи: Оллоёрқудук, Жуманқудук; 9) киши исми+арик сўзи: Мусулмонқуларик, Саидалиарик; 10) киши исми+булок сўзи: Аҳмадбулок, Мавлонбулок, Холдорбулок, Зокирбулок, Баҳромбулок; 11) киши исми+кўл сўзи: Шамсикўл, Муталкўли,

Усмонбува кўли; 12) киши исми+кент сўзи; Алимкент, Пиримкент; 13) киши исми+“арна”, “ёп” сўзлари (Хоразм шевасида арна - каттарик, канал, ёп - арик маъносида ишлатилади): Қиличбойарна, Хонкаарна, Сейитёп ва бошқалар.

Киши номи билан географик атаманинг бирикувидан тузилган антропотопонимларнинг имлоси қуйидагича бўлади: 1) киши исми+географик атама кўринишидаги кўшма антропотопонимларнинг қисмлари ўзаро кўшиб ёзилади: Олимптўқай, Мирзачўл, Султонҳовуз сингари; 2) географик термин+киши исми типидagi антропотопонимларнинг компонентлари ажратиб ёзилади: Дашт Ҳасан, Жўйи Маҳмуд каби.

7. Киши исми билан чек сўзининг бирикувидан тузилган антропотопонимлар Фарғона водийсида кўп учрайди. Ўтмишда чек дейилганда хон ва унинг оила аъзолари, амалдорлар, рухонийларнинг хусусий ерлари тушунилган. Бу хусусий ерларда ташкил топган кишлок, маҳаллалар кейинчалик чек компоненти билан юритилган. 1909 йилда Скобелев (ҳозирги Фарғона)да нашр этилган аҳоли пунктларининг рўйхатига кўра, Қўкон, Марғилон, Андижон, Ўш уездларида 50 дан ортиқ кишлок номи таркибида чек сўзининг қўлланганлигини кўраимиз. Бу номларнинг кўпчилиги ҳозиргача сақланиб қолган. Андижон вилояти Балиқчи туманидаги Шераличек, Усмончеки, Наманган вилоятининг Учқўрғон туманидаги Ёркинбойчек, Фарғона вилояти Бағдод туманидаги Мадаминчек сингари кишлок номлари бунга мисол.

8. Баъзан топоним киши исми билан обод сўзининг бирикуви орқали ифода қилинган. Бу обод аффиксонди киши исмига кўшилиб “фаровон жой”, “обод кишлок” маъноларини ифода этади: Ҳаққулобод (Норин тумани), Юнусобод (Тошкент шаҳри) ва бошқалар.

9. Топоним киши исмига “бува”, “ота” компонентларидан бирининг кўшилиши асосида вужудга келган. Бундай номлар халқнинг диний эътиқод асосида яратилиб, қадамгоҳ жойларни, мазорларни билдиради. Мазкур турдаги топонимлар дин ҳомийлари, рухонийлар, шайх ва эшонлар, хўжа, авлиёлар номлари билан аталган: Охунбува, Ғойиббува (Ўзбекистон тумани) кабилар.

Антропотопонимлар бошқа мезонлар асосида яратилган топонимларга нисбатан ўзгарувчан характерга эга. Бинобарин, аҳолининг этник таркибига, касб-кори, шунингдек, объектнинг табиий-географик шароитига боғлиқ ҳолда вужудга келган топонимлар турғунликка эга, киши номлари, лақаблари асосида

яратилган жой номлари эса у қадар тургун бўлмаган. Ҳақиқатан ҳам ўтмишда маълум ҳудуддаги хусусий ерларнинг эгаси бўлган феодалнинг ўрнига бошқа феодалнинг келиши, этник гуруҳ бошликлари, жамоа ҳўжайинлари алмашилиши, муҳим сиёсий-иқтисодий воқеаларнинг юз бериши, бир қишлоқнинг иккинчи қишлоққа қўшилиши ва бошқа сабаблар туфайли топонимлар ўзгариб турган. Бу, айниқса, антропотопонимлар доирасида кўпроқ кузатилган.

Шундай қилиб, антропотопонимлар топонимик тизимда алоҳида гуруҳни ташкил этиб, муҳим ўринлардан бирини эгаллайди. Бу хил номлар ўзига хос хусусиятлари билан бошқа тип топонимлардан ажралиб туради. Уларни ўрганиш фан учун лингвистик ҳамда тарихий-этнографик жиҳатдан аҳамиятли.

4. Топонимика тарихидан

Географик номлар кишиларнинг эътиборини қадим замонданок жалб қилиб келган. “Тарих фани отаси” номини олган юнон олими Геродот ўз асарларида мамлакатлар, шаҳарлар, денгизлар, дарёлар номларининг маъносини тушунтириб берган. Антик дунё олимлари жой номлари келиб чиқишини изоҳлаб берганлар.

Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон топонимияси қадим замонлардан олимлар эътиборини тортган. Ўрта Осиё, бинобарин, Ўзбекистон жой номлари тўғрисидаги дастлабки маълумотларни эрамиздан аввалги VI-V асрларда ижод этган олимлар асарларида учратамиз.

Масалан, юнон олимлари Амударёни **Окс** ёки **Оксуе** деб атаганлар. Олимлар **Окс** қадимий туркий ўғуз ёки ўқиз “дарё” сўзининг ўзгинаси эканлигини аниқладилар.

Ўзбекистондаги жой номлари қадимий туркий руник ёзувларда ҳам қайд қилинган. Масалан, Култегин шарафига битилган ёдгорликда **Йенчу** ва **Темирқапиғ** топонимлари тилга олинади. Олимлар (И. Маркварт, В.В. Бартольд, С.Е. Малов, С.Г. Кляшторний) **Йенчу** ёки **Йенчу-ўқуз** Сирдарёнинг қадимий туркий номи бўлиб, “Марварид” ёки “Марварид дарёси” деган маънони билдиришини, **Темирқапиғ** эса Сурхондарё вилоятидаги ҳозирги **Темирдарвоза** (ёки Бузғалахона) дараси эканлигини аниқладилар. Шу муносабат билан бир фикрни баён этиш мумкин: Жиззах шаҳри яқинида **Молғузар** тоғининг **Темурланг дарвозаси** деган тор дара бор. Бу дара халқда **Илонўтти** (**Жилонўтти**) деб аталади. Темур дарвозаси номи рус тили таъсирида кейинчалик пайдо бўлган, қадимда эса бу дара

Темирқапиғ (Темирдарвоза) деб аталган. Бундай дейишга асос шуки, борди-ю, бу танги (дара) ҳақиқатан ҳам Темур номига қўйилган бўлса эди, у ҳолда дара **Амир Темур дараси** деб аталган бўлар эди, чунки Темур халқ орасида Амир Темур номи билан машҳур бўлган.

Жанубий Ўзбекистонда Амир Темур ғори, Бухоро вилоятида Эски Амир Темур канали фикримиз исботи бўла олади. Иккинчидан, ҳар қандай тор дара, қисик тоғ йўли, тангини халқ ҳамма жойда **Темир дарвоза** (тожикчада **Дар-и Оханин**, арабчада **Боб-ил Хадид**, русчада **Железные ворота**) деб атайд.

Ўрта Осиёни араблар босиб олганидан сўнг янги ҳудудлар тўғрисида турли “соликномалар”, “йўлномалар” пайдо бўлади, бу қўлланмаларда ўлкалар, шаҳар-кишлоқлар, ёмлар (почта станциялари), бир пункт билан иккинчи пункт ораси қанча йўл эканлиги, йўл шароити кўрсатиб қўйилар эди.

IX-XI асрлардаги араб географлари (ибн Хордабех, ал-Ёқубий, Қудамма ибн Жаъфар, ибн Руста, Истахрий, Мукаддасий, ал-Масъудий) Ўрта Осиё топонимияси тўғрисида бой материал қолдирганлар. Академик В.В. Бартольд араб географлари Туркистон ҳақида ўша даврда шу қадар муқаммал маълумот берганларки, у бундан олдинги даврда ҳам, бундан кейинги даврда ҳам бунчалик муфассал маълумот топа олмаймиз, деб ёзган эди.

XIII асрда яшаган араб географи Ёқут Ҳамавийни ўша даврнинг ҳақиқий топонимисти деса бўлади. Ёқут мусулмон мамлакатларидаги барча шаҳарлар ва асосий қишлоқларга таъриф беради, жой номларининг тўғри талаффузи ва этимологиясини аниқлади. Топонимика учун энг муҳими шуки, Ёқут Ҳамавий географик номларни ўхшаш компонентлар (таркибий қисмлари)га, яъни топоформантларига қараб классификация қилади.

Ёқут Ҳамавий фикрича, обод сўзи шаҳар, қишлоқ ва рустоклар номлари таркибида кўп учрайди, “обод” форсча бўлиб, “ўзлаштирилган, обод қилинган жой” деган маънони билдириб, мазкур сўздан таркиб топган номларни санаб ўтади. Шунингдек, у кирд (жирд), дашт, дех, қос (қот) каби сўзларга ҳам изоҳ бериб, шундай номлардан намуналар келтиради.

Араб географлари деганда шу нарсани унутмаслик керакки, ўша даврда Ўрта осийлик олимлар ҳам араб тилида ижод қилганлар. Буюк аждодларимиздан Наршахий, Беруний, Маҳмуд Қошғарий асарлари топонимика учун катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда **Вахш, Вахшивар, Вахшивардара** каби жой номларидаги **вахш** сўзи қадимги Хоразмда сув, жумладан, Жайхун муаккили ҳисобланган малак — Вахш номидан келиб чиққанлигини олимлар Абу Райхон Берунийнинг “Ал асорул боқия ан-ил қурунил холия” асаридан билиб олдилар. Бундан беҳабар баъзи топонимистлар Вахш “вахший, асов” деган маънони билдиради, деб нотўғри фикрда эдилар.

Х асрда яшаб ижод этган бухоролик тарихчи Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий ўзининг “Бухоро тарихи” асарида Бухоро атрофидаги шаҳар ва қишлоқ номларининг келиб чиқиши билан қизикди. Масалан, ҳозирги **Шофиркон** қишлоғи номининг пайдо бўлиш тарихи қуйидагича: Сосонийлар сулоласидан бўлган Кисро (Хисров) фарзандларидан бири Бухорога келиб, арик казийди ва қишлоқ барпо этади. Бу жой ўша шахзода лақаби билан **Шопурком** деб ном олади. Шопур «шоҳ ўғли» демақдир, **ком** эса Бухорода катта арикни, канални билдирган.

Энг муҳими шуки, X-XI асрларда бўлган ва Наршахий қайд қилган шаҳар ва қишлоқлар ҳамон мавжуд (**Бухоро, Кармана, Миёнкол, Нур – Нурота, Ромитан, Шофиркон, Қоракул** ва ҳоказо).

Топонимика учун муҳим бўлган асарлардан яна бири Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғот-ит турк” комусидир. “Девон”да 200 га яқин топоним ва қанчадан-қанча киши исмлари тилга олинган. Бу топонимларнинг кўпчилиги қадимий туркий тилга оид. **Азиғ, Бадаларт, Бақирлиғ, Бешбалик, Иқиўкуз** каби жой номларини ҳозир ҳамма китобхон ҳам тушунавермайди. Ҳолбуки, **азиғ** - айик, **арт** - довон, **бақир** - мис, **балик** - шаҳар, **ўкуз** - дарё демак. “Девон”дан географик номларнинг маъносини тушунтириб берадиган бундай қадимий атамаларни кўплаб топса бўлади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”си ҳам топонимика учун қимматли асар. Бу асарда мингдан ортиқ мамлакат, ўлка, шаҳар, қишлоқ, тоғ, чўл, довон, кечик, дарё ва сой, қишлоқ (қишлоқ), яйлоқ (яйлоқ), авлоқ (ов жойи) номлари келтирилган. “Бобурнома”да Ўзбекистонга оид топонимлар ҳам кўп. Бобур бир қанча жой номлари келиб чиқишини айтиб ўтади, буларнинг аксари қисми ўринли. Лекин **Қарши** шаҳри номи асарда мўғулча “гўрхона”, яъни мазор деб изоҳланган, тўғриси “сарой, қаср” бўлиши керак эди.

З.М.Бобур санаб ўтган киши исмлари, уруғ номлари, географик терминлар, хайвон ва ўсимлик номлари ҳам топонимист эътиборидан четда қолмаслиги керак.

Академик В.В. Бартольд “Ўрта Осиё тадқиқотчиси асарларнинг камлиги ёки етишмаслигидан эмас, балки кўплиги ва тарқоқлигидан кийналади”, деган эди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўрта Осиё топонимикасига доир манбалар шу қадар кўпки, уларни санаб ўтиш учун қанча вақт керак. Булардан Х асрда номаълум муаллиф томонидан форс-тожик тилида ёзилган “Худуд-ул олам”, Абулғози Баҳоидирхоннинг “Шажараи турк”, “Шажараи тарокима”, Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”, Ҳофиз Танишнинг “Абдуллонома” ва бошқа асарлардан топонимларнинг этимологияси, тарихи, жой номларининг ўзгариб туриши ҳақида кўплаб маълумот олиш мумкин.

Бу асарларда жой номларининг маъносини тушунтириб беришга ҳаракат қилинган, холос. Бироқ географик номларни уларнинг келиб чиқиши ва тарихи билан боғлиқ ҳолда ўрганиш, уларни классификация қилиш нисбатан яқин вақтдагина бошланди. Бу соҳада А.Х.Востоковнинг хизмати катта. У ўтган асрда Россия дарё номларидаги охириги қўшимчаларга қараб гуруҳларга бўлди, бу қўшимчалар ҳозир бирон маънони билдирмаса ҳам, қадимги халқлар тилида муайян маънони билдирган бўлса керак, деган хулосага келди. А.Х.Востоковнинг фикри XIX аср охири-XX аср бошларидаги баъзи топонимистлар асарларида ўз тасдиғини топди, масалан А.Ф.Орлов асарларида.

Совет тузуми даврида топонимик тадқиқотлар анча кенг қулоқ ёйди. Иккинчи жаҳон урушидан олдинги даврда академиклар А.И.Соболевский, Н.Я.Марр, С.Б.Веселовский, В.В.Бартольд, профессорлар В.П.Семенов-Тяньшанский, В.Г.Шостакович топонимика соҳасида, айниқса, самарали иш қилдилар. Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон топонимиясини ўрганиш соҳасида В.В.Бартольднинг хизматларини алоҳида қайд қилиб ўтиш керак.

Урушдан кейинги йиллар совет топонимикаси тараққиётида катта бурилиш даври бўлди. Эндиликда топонимика соҳасида айрим олимларгина эмас, балки олимлар жамоаси фаол иш олиб боришди. Томскда топонимистларга профессор А.П. Дульзон, Свердловскда А.К. Матвеев, Черновцида Ю.А. Карпенко, Киевда К.К. Целуйко раҳбарлик қилди.

Собик Иттифокда топонимиканинг назарий масалалари ишлаб чиқилди. Бу соҳада А.П.Дульзон, Э.М.Мурзаев, А.П.Попов, В.А.Никонов, В.Н.Топоров, О.Н.Трубачев, Б.А.Серебренников, Ю.А.Карпенко, А.К.Матвеев, Е.М.Поспелов, В.А.Жучкевич, А.В.Суперанская каби олимлар самарали иш олиб боришган.

Рус ва совет шарқшунослари ҳамда тарихчиларининг Ўзбекистон топонимикасини ўрганишдаги хизматлари катта (Н.Ф. Ситняковский, В.Л. Вяткин, Л. Н. Соболев, М. М. Вирский, В. В.Бартольд, С. П. Толстов, А. А. Семёнов, П. П. Иванов, И. И. Умняков, М. Е. Массон, О. А. Сухарева, О. Д. Чехович ва бошқалар).

Республика жой номларининг келиб чиқиш тарихини, этнонимлар ҳамда географик атамаларни ўрганишда ўзбек олимлари тарихчилардан Я.Ф.Фуломов, В.Н.Набиев, М.А.Абдураимов, А.Р.Муҳаммаджонов, тилшунослардан Ф.А.Абдуллаев (Хоразм топонимикаси), С.И.Иброҳимов (Ўзбекистонда биринчи топонимик картотека тузишда иштирок этган), Ҳ.Т.Зарифов, Х.Дониёров (этнонимлар), Р.Қўнғиров (Зарафшон топонимикаси), географ Ҳ.Ҳ.Ҳасановларнинг ишлари диққатга сазовор.

Топонимика соҳасида, чунончи, Т.Нафасов Қашқадарё топонимикаси, Ш.Қодирова Тошкент микротопонимикаси соҳасида тадқиқотлар олиб боришган.

Қўшни республикаларда ҳам топонимик тадқиқотлар амалга оширилган. Қозоғистонда Ғ.Қонқашпаев, А.Абдурахмонов, Е.Қўйчибоев, Қирғизистонда С.Умурзоков, Тожикистонда А.Л.Хромов, А.Ғафуров, Туркменистонда Ш.Отаниёзов ва бошқалар бу соҳада каттагина илмий ишлар чоп эттиришган.

5. Топонимика ва тилшунослик

Топонимлар тил, луғат фондининг бир қисмидир. Шу билан бирга, жой номлари тилнинг бошқа лексик қатламларидан анчагина фарқ қилади.

Бу фарқ топонимларнинг узок яшашида, уларнинг поликомпонентли, яъни кўп компонентлар - таркибий қисмлардан иборат бўлишида, ҳар бир тилнинг ички қонуниятига кўра, топонимлар яшада муайян турдош исмлар (апеллятивлар)гина иштирок эта олишида ўз аксини топади.

Топонимларни яшада шу тил учун характерли бўлган лингвистик восита (модел)лардан фойдаланилади. Лекин, шу билан бирга, ҳар бир тилда топоним ясовчи ўзига хос воситалар пайдо бўлади, яъни муайян суффикс (аффикс)лар ва сўзлар факат ёки аксари топонимлар яратишга ихтисослашиб қолади.

Топонимикани ўрганиш тил тарихи ва назарияси учун катта аҳамиятга эга. Кўпгина жой номлари жуда қадимий. Ибтидоий ёзма ёдгорликларда қайд қилинган географик номларни ҳозирги талаффуз билан солиштириб, тилнинг луғат таркибида, сўзларнинг шаклида рўй берган ўзгаришларни билиб олиш мумкин.

Масалан, ҳозирги **Нурота** номини баъзилар мўғулча **нуру**, ўзбекча **тов** сўзларидан таркиб топган бўлиб, ҳар иккала сўз ҳам тоғ деган маънони билдиради, дейдилар. Ҳолбуки, бу ном бундан 1000 йилдан ҳам кўпроқ олдин қайд қилинган: Бухоро тарихчиси Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий “Бухоро тарихи” деган асарида (934-944 йилларда ёзилган) Нурота деган жой номини тилга олади: “Бу **Нурни** бошқа вилоятларда **Нури Бухоро** деб атайдилар. Нури Бухоро, яъни Бухоро Нуридан бошқа **Нурлар** ҳам бўлган. Масалан, Зарафшоннинг иккита тармоғи - Қорадарё билан Окдарё оралиғидаги **Миёнкол** оролида ҳам **Нур** деган қишлоқ бўлган. Уни бошқалардан фарқ қилиш учун **Нури Миёнкол** деб аташган”.

Шундай қилиб, **Нур** бора-бора **Нурота** бўлган: **нур** сўзи (арабча) “ёруғлик”, **ота** эса географик номлар таркибида “азиз-авлиёларнинг қадамжоси” деган маънони билдиради.

Самарқанд шаҳри Александр Македонский (Искандар Зулқарнайн) йилномаларида Мароқанда, сўғд ёзувларида Смарақанс, Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Кошғарий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Мирхонд (XV аср), Амир Темур саройига келган испан элчиси Рюи Гондалес де Клавихо (XV аср) асарларида **Семизкенд**, Чингизхон ҳақидаги мўғул хикоясида **Семизген** каби бир қанча вариантларда учрайди, буларнинг ҳаммаси **Самарқанд** номи жуда қадимий эканлиги ва унинг келиб чиқиши (этимологияси) ҳамон узил-кесил ҳал бўлмаганлигини кўрсатади. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Топонимиканинг тилшунослик, тил тарихи ва диалектология учун аҳамияти жуда катта. Ўзбекистон топонимиясида кўплик категорияси масаласи тилшуносликнинг муҳим масаласи ҳисобланади.

Немис тилшуноси В. Шперберг, совет топонимисти В.А. Никонов тадқиқотлари роман ва славян топонимларида кўплик шакли жуда кенг тарқалганлигини кўрсатади. Ҳақиқатан ҳам рус топонимларида кўплик аффикси кўплаб ишлатилади. Масалан, **кўприк** сўзининг бир ўзи ўзбек тилида ҳеч вақт топонимга айланмайди, бунинг учун **кўприк** сўзига бирон сифат қўшилиши

керак, чунончи **Бешкўприк, Ғишткўприк, Тахтакўприк, Кўприкбоши** ва ҳоказо.

Рус тилида эса **мост** (кўприк) сўзига кўплик кўшимчаси кўшилса бас, **мосты** шаклида топоним ясаллади. Бунда кўприкнинг кўп бўлиши шарт эмас. Мосты топоними ўзбекча кўприкли маъносини беради. **Қарши, Мари** каби жой номларини ҳам руслар кўплик шаклидаги сўзлар каби тушуниб, шундай турлайдилар. Буларнинг ҳаммаси рус тилининг хусусиятидан келиб чиқади: рус тилида кўпгина сўзлар фақат кўплик шаклида ишлатилади (часы, ножницы ва бошқалар).

Туркий тилларда, жумладан, ўзбек тилида топонимларда кўплик кўшимчалари у қадар кенг тарқалган эмас, ўзбек топонимлари таркибида бир неча кўплик аффиксини учратиш мумкин.

- лар аффикси

Профессор А.Ғ. Ғуломов бу аффиксни сўз ясовчи морфемалар қаторига киритмайди. Бу кўшимча **номтаълум кўпликни**, ҳурматни, бирон фикрни таъкидлашни, мавҳум тушунчани конкретлаштиришни, умумийликни, такрорни билдиради. Мазкур аффикс **Ойлархон, Қизларой** каби киши исмлари таркибида ҳам учрайди, бу ўринда исм яшаш функциясинигина ўтайди ва сўз мазмунига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди.

Бирок топонимияда тамоман бошқа манзарани кўрамиз: **-лар аффикси** кўплаб топоним ясайдиган **топоформант** ҳисобланади.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, **-лар аффикси** фақат кишилар билан боғлиқ бўлган топонимлар ясайди: **Араблар, Беклар, Бойлар, Заргарлар, Моховлар, Шайхлар** ва ҳоказо. 1959 йилги аҳоли рўйхатига кўра, Хоразм вилоятидаги 720 та аҳоли пунктдан 80 дан ортиғи **-лар** кўшимчаси билан тугайди. Шуниси қизиқки, бу номлар орасида **Кўпаклар, Шағаллар, Эчкилар, Қарғалар** каби топонимлар ҳам учрайди.

Бундай қараганда, бу топонимлар ҳайвон номларидан таркиб топганга ўхшайди. Аслида эса ундай эмас: **кўпак, шағал** (чиябўри), **эчки, қарға** деган уруғ номлари бор. Юқорида зикр этилган топонимлар ана шу уруғлар номи билан аталган. Масалан, **қарғалар** — “қарға уруғидан бўлган кишилар яшайдиган жой” демак.

- он аффикси

Бу тожикча аффикс Ўзбекистон шароитида топоним ясади ва кишиларни социал гуруҳга бўлади. Масалан:

1) муайян миллатга - **арабон** (араблар), **киргизон** (киргизлар), **ўзбекон** (ўзбеклар);

2) уруғ-аймоққа - **манғитон** (манғитлар), **мингон** (минг уруғидан бўлган кишилар);

3) маълум табақага - **мирзоён** (котиблар), **тархонон** (олик-солиқдан озод қилинганлар);

4) хунар-касбга - **бўйрабофон** (бўйра тўқувчилар), **косагарон** (коса усталари), **сўзангарон** (игна усталари);

5) диний эътиқодга мансуб эканлигини билдиради — **Мўғон**, **Мўғиён** (оташпарастлар), **Ҳиндуён** (ҳиндулар) ва ҳоказо.

Топонимист А.Л. Хромов (Душанба) фикрича, **-ён** (**он**) аффикси **Матча** (Мастчоҳ) шеваларида, шунингдек, барча тожик шеваларида кам ишлатилади; шу аффиксли топонимлар анча қадимий ҳисобланади; ҳозирги вақтда **-он** ўрнига кўпроқ **-о** (**-ҳо**) кўплик қўшимчаси қўлланилади.

Ўзбекистонда эса **-ҳо** (**о**) кўплик аффикси топонимлар таркибида ниҳоятда кам учрайди, баъзан топонимнинг асосий таркибий қисми билан шу қадар бирлашиб кетганки, аксари уни пайкаб олиш ҳам қийин.

- от (т) аффикси

Топоним ясовчи бу аффикс икки хил йўл билан пайдо бўлган: бири арабча бўлса, иккинчиси сўғдийча. Бундан ташқари, **-т** қадимги туркий тил ва мўғул тилида ҳам кўплик ўрнида келади.

Заҳриддин Муҳаммад Бобур биргина топонимни икки шаклда ёзган: **Бадахшон** - **Бадахшонот**, **Ламғон** - **Ламғонот**, **Хуросон** - **Хуросонот**, **Ҳиндустон** - **Ҳиндустонот**.

6. Топонимика ва география

Топонимика география учун катта аҳамиятга эга. Топоним – географик объектнинг аниқ манзили. Номлар жойнинг географик ўрнини аниқлаш учун ҳам, географик тушунчаларни ифода этиш учун ҳам зарур. Географик картада келтирилган маълумотлар орасида номлар алоҳида ўрин тутати.

Географик объектлар шу қадар кўп ва хилма-хилки, уларни ифода этиш учун махсус сўзлар, яъни номлар бўлиши керак.

Географик номларни географиянинг ўзига хос тили деса бўлади. Географик номлар муайян географик тушунчаларни ифода этар экан, баъзан географик атамага айланиб қолади. Масалан, ёнар

тоғларни ифода этувчи вулқон атамаси Италиядаги Вулкано тоғи номидан олинган. Топонимлар бирон географик тушунчани ифода этади, шунинг учун географияни билмасдан туриб жой номларини ўрганиш илмий хатоларга олиб келиши мумкин. Жой номларида географик муҳитнинг хусусиятлари: рельеф шакллари, ўсимлик ва ҳайвон номлари акс этган бўлади. Шу билан бирга, жойларга ном беришнинг ўзига хос хусусияти бор. Масалан, ўрмонни туманларда “ўрмон” сўзидан таркиб топган жой номлари, тоғли ўлкаларда “тоғ” сўзидан тузилган топонимлар у қадар кўп эмас, улар қўшни худудларда яшайдиган халқлар томонидан берилган номлар.

Топонимикнинг нисбий неготивлик қондасига кўра, ҳаммаёқ чўл бўлган жойларда чўл киши эътиборини тортмайди, кишилар ном қўйиш учун бошқалардан фарқ қилиб турадиган табиий географик объект кидирадилар. Шунинг учун ҳам чўлларда кудуклар, айрим қирлар номлари кўпроқ учрайди. Чунки, бу кудук ва қирлар йўловчи ҳамда чўпонлар учун мўлжал бўлиб хизмат қилган.

Тоғлар тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин. Тоғлар орасида яшайдиган кишилар тоғ сўзига нисбатан тош сўзини кўпроқ ишлатадилар. Масалан, тоғли ерда “Тоғ тепасига чиқиб кетди” дейиш ўрнига “Тошга чиқиб кетди” дейишади. Айритош, Қоратош, Октош деганда, кўпинча айрим тоғлар назарда тутилади. Урал ва Сибирь тоғларида ҳам халқ тоғ чўққиларини камень (тош) деб атайди. Тоғ пиёзини кўпинча тошпиёз, тоғ ҳайвонлари – қаклик ва сувсарни русларнинг каменная куропатка, каменная куница деб аташларининг сабаби ҳам шу бўлса керак.

Зеро, географик номларда географик қондаларни акс этганига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Демак, жой номлари тасодифий пайдо бўлмайди, аксинча, Эшақханграганқир, Қўйқирилганқалъа каби тасодифий номлар камдан-кам учрайди. Бинобарин, топонимларнинг аксари қисми баъзан табиат ҳодисаларини ҳам акс эттиради.

Халқ баъзан бирон табиат ҳодисаларини географик атама билан ҳам ифода этади, бинобарин, географик номлар таркибида географик атама жуда кўп учрайди. Бундай атамалар топонимия негизи, яъни мураккаб географик номларнинг таркибий қисми ҳисобланади. Географик атамаларни билмасдан туриб, жой номлари этимологиясини тўғри аниқлаб бўлмайди.

Географик атама (тоғ, чўл, қўл, қишлоқ ва ҳоказо) ҳали географик ном эмас, балки турдош от бўлиб, муайян умумий ёки

хусусий географик тушунчани билдиради. Бирок ҳар қандай географик атама атокли отга, яъни географик номга айланиши мумкин.

Географик атамалар ўсимлик ва ҳайвон номлари бирон қўшимча ёки аниқловчисиз топонимга айланмайди. Масалан, Ўзбекистонда 5000 га яқин қудук бор, ҳар бирининг номи бор. Бунда қудук сўзи ёнида бирон кишининг исми ёки аниқловчи сўз (чуқур, катта, уч, тўрт ва ҳ.к.) ёки бўлмаса —ча, —ли каби қўшимчалар бўлади. Агар Қудук, Чўқди, Арик, Янтоқ, Қулон каби бир атама ёки биргина ўсимлик ёинки, ҳайвон номидан иборат топоним учраса, у ҳолда бундай топонимни изоҳлашда эҳтиёт бўлиш керак; чунки ҳеч қандай таркибий қўшимчаси биргина сўздан иборат топоним узоқ, талаффуз давомида бутунлай ўзгариб кетган ва бошқа бир маънони англадиган ном бўлиши ёки топонимнинг қисқартирилган варианты бўлиши мумкин. Масалан, Тошкентдаги **Заҳарикни** кўпинча **Зах** дейишади. Теварак-атрофда бошқа худди шундай объект бўлмаганда ҳам баъзан қўшимчасиз атаманинг бир ўзи топонимга айланади. Масалан, **Қудукқа** бориб келайлик.

Топонимлар таркибига адир, арик, бел, булоқ, довон, жар, кўл, тоғ, чўл, кум каби атамалар билан биргаликда арна, ақба, буктар, газа, дайравот, жол (ел), жона-ёна (кия), жуна, заяк, зов, кам, ком (арик), камар, новур сақо, санғалок, супа, томчи, танги, тарма, тула туз, чалка чағат, чем, шарил, шибер (ботқоқлик), ширдон, қутон, фирмой (хирмон) каби муайян худудда сақланиб қолган атамалар ҳам кўп учрайди. Ҳар бир атаманинг ўз маъноси бор. Ақба (ақаб) арабча сўз бўлиб, Ўрта Осиёда “довон” маъносида келади. IX-X асрлардаги араб тилида ёзган географларнинг асарларида ақба (кўплиги ақабот) атамаси кўп ишлатилган. Бу атама X асрда форс тилида ёзилган “Худуд-ул олам” ва “Тарихи Табари” асарларида ҳам учрайди. Тожикистон билан Ўзбекистон тоғли жойларида, айникса, Помир, Ҳисор, Зарафшон тоғларидаги ўнларча топонимлар, хусусан, довон номлари таркибида ақба сўзи учрайди. Бу атама Ўрта Осиёнинг турли жойларида ақба, ағба шаклларида муайян маъноларда ишлатилади. Масалан, Самарқанд вилоятининг баъзи жойларида довонга чиқилдиган тик йўлни “овга” дейишади.

Бу мисоллар географияни яхши билмасдан туриб топонимика билан шуғулланиш ижобий натижалар бермаслигини кўрсатади.

7. Топонимика ва тарих

Географик номлар узоқ даврлар яшай олгани тарих учун жуда катта аҳамиятга эга. Дамашк шаҳрининг шу ном билан аталганига уч минг йил бўлди. Уни дунёдаги энг кекса ном деб бўлмайди. Бухоро, Самарқанд, Хоразм каби топонимлар ҳам жуда қадимий номлардан. Қанчадан-қанча номлар ёзув пайдо бўлмасдан олдинги даврлардан қолган. Халқлар йўқ бўлиб кетган, тили унутилган бўлиши мумкин, лекин географик номлар сақланиб қолади. Ном кўйилишига сабаб бўлган ўсимлик ўсмайдиган, ҳайвон эса йўқ бўлиб кетган бўлса ҳам, ном яшайверади. Россиялик профессор А.П. Дульзон Сибирь гидронимларини таҳлил қилиб қадимда кет халқи яшаган ҳудуд жуда кенг бўлганини аниқлади. Ҳозир эса Сибирда, хусусан, Обь дарёси ёқасида ҳаммаси бўлиб, 500 минг кишига яқин кет қолган. Топонимик маълумотлар бир вақтлар кетлар жуда кўп сонли халқ бўлганини кўрсатади.

Топонимга айланган сўзнинг олдинги маъноси тўғрисида кишилар ўйлаб ҳам ўтирмайдилар. Шундай қилиб, сўз бирон объектнинг номигина бўлиб қолади.

Борди-ю бу топоним тарихини синчиклаб ўргансангиз, ҳатто микротопоним деб аталадиган кичик объект номи ҳам муҳим тарихий воқеани ўзида мужассамлаштирган “макроғувоҳ” бўлиб чиқиши мумкин.

Ерга бўлган хусусий мулкчилик, кишилар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар майда ер эгаллиги топонимияда сезиларли из қолдирган.

Мисолларга мурожаат қилайлик. 1909 йилда Скобелев (ҳозирги Фарғона) шаҳрида нашр этилган рўйхатга кўра Қўқон ва Марғилон уездларида, шунингдек, Андижон ва Ўш уездларида “чек” сўзини 50 дан ортиқ кишлоқ номи таркибида кўрамиз. Андижон вилояти, хусусан, Фарғонада “чек” сўзидан таркиб топган жой номлари анчагина.

Андижон туманида **Обтобачичек** деган кишлоқ бор. Бу ном Худоёрхон давридан қолган. Абдурахмон исми бола (Мусулмонқулнинг ўғли) хоннинг қўлига сув қуювчи-обтобачи бўлган. Худоёрхон Абдурахмон обтобачига бир неча юз таноб ерни чек қилиб келган. Абдурахмон обтобачининг ери **Чек обтобачи** деб аталган, кейинчалик **Обтобачичек** бўлиб кетган. Бундан ташқари, Фарғона водийсида **Алибекчек**, **Бобочек**, **Исоавлиёчек**, **Мухаммад Аминчек**, **Насриддинбекчек** каби ерлар бўлган. Кейинчалик бу ерларда кишлоқлар бунёд этилган. Хўш, чек ер

олган бу кишилар кимлар бўлган? Буларнинг ҳаммаси тарихий шахслар. Чунончи Муҳаммад Амин ва Насриддинбек Худоёрхоннинг ўғиллари бўлган. Исо авлиё эса хоннинг энг асосий кишиси ва маслаҳатчиси ҳисобланган.

“Чек” сўзининг ўзи нима? Чек деганда, хон ва оила аъзоларининг, амалдор, руҳоний ва машҳур шахслар, умуман, ҳар қандай кишиларнинг хусусий ерлари тушунилган. Шу билан бирга, Фарғона водийсида “чек” сўзи муайян ер ўлчови ҳам ҳисобланган. Чек термини топоним ясовчи формант бўлиб, феодализм ер эгалигидан дарак бериб туради.

Топонимларда турли даврлардаги муҳим воқеалар, тарихий шахсларнинг исмлари, кўчиб юрган уруғ номлари акс этиши мумкин. Бухоро вилоятида Абумуслим деган тепалик бор. Бу тепалик кимнинг номи билан аталган? Абумуслим 747-749 йилларда араб халифалигининг шарқий қисмида - Мовароуннаҳр билан Хуросонда уммовийлар ҳукмронлигига қарши кўтарилган кўзғолонга бошчилик қилган. Унинг асл исми Абдурахмон ибн Асад бўлиб, Абумуслим унинг лақаби. Бу тепалик VIII аср ўрталарида Бухоронинг ҳозирги Қизилтепа қишлоғи яқинида Абумуслим қурдирган истехкомнинг харобасидир. Хароба Абумуслим каналининг бош томонида. Бу канални бухороликлар Жўйи Абумуслим деб атайдилар. Канал Зарафшондан бошланган.

Турли даврлардаги ижтимоий-сиёсий терминлар ҳам топонимияда из қолдирган. Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги даврида истеъмолда бўлган кутвал ёки катавул (комендант), оталик (энг катта амалдор-вазир), нақиб (ҳарбий мансабдор), тўксоба (олий ҳарбий мансаб), чандовул (қўшиннинг энг орти), шиговул (элчини бошлаб юрувчи) каби терминларни ҳозир ҳамма ҳам билавермайди, лекин улар топонимлар шаклида сақланиб қолган.

Топонимияга қараб, қаерларда қайси ўзбек уруғлари яшаганини билиш мумкин. Масалан, Ўзбекистонда Жалойир деган бир нечта қишлоқ бор. Оҳангарон ҳавзаси ҳамда Хўжанд атрофларида XIII аср бошидан то 1375 йилгача Жалойир қабиласи яшаган. Ўша йили каттик қаршилиқ кўрсатгани учун Амир Темур Жалойирлар саркардасини катл эттиради ва жалойирларни турли томонларга кўчириб юборади.

Ана шу даврдан бошлаб чинакам жалойирлардан ташқари уларнинг қўл остидаги бир қанча этник гуруҳлар ҳам жалойирлар

деб аталади. Ҳозирги Жалойир қишлоқларининг таърифи ана шундай.

Шундай қилиб, топонимлар ҳар доим ҳам бирор тарихий шароит тақозоси билан дунёга келади.

Савол ва топшириқлар

1. Топонимика фанининг асосий вазифаси нимадан иборат?
2. Топонимика қандай турларга бўлиб ўрганилади?
3. Антропотопонимларнинг хусусиятли жиҳатлари ва уларнинг ясалиши ҳақида нималар биласиз?
4. Топонимиканинг тарих, география ва тилшунослик билан боғлиқ томонларини аниқланг.
5. Ўрта Осиё тарихий топонимиясига доир маълумотлар бўлган мавжуд манбалар ҳақида маъруза тайёрланг.

Адабиётлар

1. Бўриева Х. Тошкент шаҳрининг тарихий топонимияси (XIX аср охири- XX аср бошлари). -Т.: Noshirlik yog'dusi. 2009.
2. Веселовский С.Б. Топонимика на службе у истории. -М.: 1945.
3. Жучкевич В.А. Общая топонимика. -Минск.: Высшая школа. 1968.
4. Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. -Т.: Ўзбекистон. 1988.
5. Никонов В.А. Введение в топонимику. -М.: 1965.
6. Никонов В.А. Краткий топонимический словарь. -М.: 1966.
7. Сафаров Ш., Умаров И. Айрим топонимлар тарихи. -Қарши: Насаф. 2005.
8. Топонимика Востока. Сборник. Тт. 1-3.-М.: 1962-1969.
9. Тарихий манбашунослик муаммолари. / Республика илмий-амалий анжумани материаллари.-Т., 2008.
10. Қораев С. Тошкент топонимлари. -Т.: Фан. 1991.
11. Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. -Т.: "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi" Давлат илмий нашриёти. 2005.
12. Ҳасанов Ҳ. Ер тили. -Т.: Ўқитувчи. 1977.
13. Ҳасанов Ҳ. Географик номлар сири. -Т.: Ўқитувчи. 1985.
14. G'ulomov P., Mirakmalov M.T. Toponimika va geografik terminshunoslik. -Т.: 2005.

У БОБ. ТАРИХИЙ КАРТОГРАФИЯ ВА УНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

1. Карта ва картография ҳақида қисқача тушунча

Карта тарихий ҳужжат бўлиб, воқеалар давомийлиги ҳақида ҳикоя қилувчи, воқеалар, вайрон бўлган ва яна тикланган шаҳарлар, дарё ўзанларининг ўзгариши, унутилган қадимги суғориш иншоотлари, халқлар тарихини ҳудудлар билан боғлаб ўрганadi.

Антик даврда карталар учун махсус атама бўлмаган. Рим империясида картографик тасвирларни *tabula* (доска) деб аташган. Кейинроқ илк ўрта асрларда карта латинча “*mapa*” (дастлаб полатно қисми ёки даструмол маъносини англатган), “*mapa mundi*” шаклида эса (дунё картаси) ўша даврда Ернинг барча карталарига нисбатан қўлланилган. Картографик тасвирларга нисбатан “карта” сўзининг қўлланилиши Уйғониш даврида латинча “*charta*” (варақ, қоғоз) сўзидан, ўз навбатида, у қадимги юнон тилидаги “*хартес*” (папирусдан тайёрланган қоғоз) сўзидан олинган. Бу сўз илк бор Португалиядаги XIV аср карталарида учрайди. Карта сўзи аслида латинча “*chartes*” – хартес сўзидан олинган бўлиб, ёзув учун мўлжалланган папирус варағи, деган маънони билдиради.

Замонавий карталар мазмунига кўра иккига бўлинади:

1. Умумгеографик карталар (гидрография, рельеф, саноат, сиёсий-маъмурий бўлинишларни ўз ичига олади).

2. Махсус карталар. Махсус маълумотлар (масалан, иктисодий) келтирилган карталар.

Масштабига кўра карталар уч гуруҳга бўлинади:

1. Йирик масштабдаги карталар: 1:200000 ва ундан йирик.

2. Ўрта масштабдаги карталар: 1:300000 дан 1:1000000 гача.

3. Кичик масштабдаги карталар: 1:1000000 дан кичик.

Ҳозирги замон карталарида қуйидаги элемент (унсур)лар мавжуд:

1. Гидрография: сув иншоотлари (денгиз, дарё, кўл, канал, сунъий сув омборлари, булоқлар, қудуқлар)ни ўз ичига олади.

2. Аҳоли пунктлари: шаҳар, шаҳар типидagi посёлка, қишлоқ аҳоли масканлари қиради.

3. Алоқа йўллари: темир йўллар, йўллар, сув йўли (денгиз ва дарё), ҳаво йўллари.

4. Саноат, қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий маданий объектлар: саноат корхоналари, фойдали қазилмалар, аэродромлар, қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий-маданий, тарихий объектлар қиради.

5. Рельеф: паст-текисликлар.

6. Сиёсий-маъмурий чегаралар: давлат ва маъмурий бирликларнинг чегаралари.

Илмий билимлар ва фан йўналишлари тез ривожланаётган ҳозирги замонда кам ўрганилган “аралаш” соҳадаги фан тармоқларини ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга. Атроф муҳитдаги воқеа-ҳодисаларни таҳлил қилиш учун, аввало, тарихий жараёнларни, тарих ва география, қолаверса, тарих ва картографияни чуқурроқ билиш талаб этилади.

Картография тараққиёти асрлар давомида шаклланган оддий чизмалардан аниқ ишланган карталар яратилишигача бўлган даврни ўз ичига олади. Карталар мазмуни жиҳатидан бой бўлиши лозим. Катта бир картанинг мазмунини 100 саҳифалик жиддий илмий матнга тенглаштириш мумкин.

Картографик материаллар фақатгина картографик тасвирлардан иборат бўлмай, балки матнлар карталар тузиш учун манба бўлиши мумкинлигини тадқиқотчилар, айниқса, тарихчилар бот-бот таъкидлайдилар.

Картография анча кенгрок тушунча бўлиб, у табиат ва жамиятдаги воқеа-ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлиги (уларнинг вақт ўтиши билан ўзгариши) картографик тасвир, тасвирли белгилар воситаси билан тасвирлаш ва тадқиқ қилишни ўрганувчи фан. У дастлаб овчилик ва балиқчилик кенг тарқалган ҳудудларда шаклланган. Картография қадимги фанлардан бўлиб, бу фан тўғрисидаги дастлабки таърифни милодий II асрда юнон олими Клавдий Птолемей берган.

“Картография” атамаси дастлаб XVI асрда учраб, географик карталар ишлашнинг илмий ва амалий соҳаларида қўлланилмаган.

Картография тараққиётини инсониятнинг жамиятдаги моддий эҳтиёжларидан келиб чиққанлиги билан боғлаш тўғри бўлади. Бу тараққиётни ижтимоий шароитлардан, табиат ва ер муносабатларидан ташқарида тушуниш нотўғри. Тарихий тадқиқотларнинг асосини инсоният тараққиёти асосидаги фактик маълумотлар ташкил қилса, картография тарихи учун карта ва географик илмлар асосий манба бўлиб хизмат қилади. Қўплаб қадимги карталар турли сабаблар, яъни ёнғинлар, намгарчилик натижасида бизгача етиб келмаган.

Ҳозирги замон илмий адабиётларида картографиянинг ўрни ҳақида аниқ фикр мавжуд эмас. Баъзилар уни техник фанлар қаторига қўшсалар, баъзилар аниқ фанлар қаторига, яна бошқалар

картография геодезиянинг бир қисми деб қарасалар, қолганлар информатиканинг бир бўлими дейишади. Бошқа тоифа эса уни географик фан деб билади. Нима бўлганда ҳам унинг аниқ моҳиятини тарихий таҳлилсиз англаб етиш мушқил.

Қадимги одамлар ибтидоий жамоа давриданок илк карталарни яратишган. Масалан, географ Фритц Редингер “Швейцариядаги тарихдан аввалги картографик расмлар” номли асарда Швейцариядаги ғорлардан топилган иккита суяк пластинкани ўрганиб, ундаги тасвирлар ўша жойга оид асосий йўллар картаси эканлигига амин бўлган.

Қадимги тарихий картографияга оид илмий адабиётларда карта ва картографиянинг шаклланган даври ҳақида аниқ ва тўла жавоб йўқ. Маълумки, бизгача етиб келган картографик тасвирлар эрамиздан аввалги III-II минг йилликларга оид. Улар орасида Шимолий Италиянинг Камоника водийсидан топилган бронза даври (эрамиздан аввалги II минг йиллик ўрталари)га оид картографик тасвирларда далалар, сўқмоқлар, ирмоқ ва суғориш иншоотлари акс этган.

Қадимги карта-тасвирлар лой тахтачалар, папирус ва пергаментларга чизилган бўлиб, бизгача бой тарихий маълумотларни олиб келган. Эрамиздан аввалги 2300 йилларда қадимги бобилликлар илк ибтидоий карталарни чизганлар. Унда ернинг баъзи қисмлари ўз аксини топган. Шунингдек, карталар яратиш бой маданиятли қадимги халқлар—оссурияликлар, мисрлик ва финикияликларда эрамиздан бир неча минг йил аввал шаклланган.

Ернинг шар шаклида эканлиги қайд этилган санани кўплаб олимлар асрлар мобайнида ўрганиб, уни эрамиздан аввалги V асрда яшаган файласуф Парменид номи билан боғлашади. XIX асрда тарихчи ва географ олимлар Ернинг шар шаклида эканлиги ҳақида ғоя Пифагорга (эрамиздан аввалги VI аср) тегишли деб даъво қилишар эди.

XX асрда эса қатор Ғарб тадқиқотчилари – Гютри, Хейдель, Томсон ва бошқалар янги ғоя эрамиздан аввалги V асрдан аввал пайдо бўлмаганлиги, у ҳақдаги ишоралар Афлотуннинг (эрамиздан аввалги 427-347 йиллар) “Федон” диалогда учрашини таъкидлашган. Аммо XX асрдаги баъзи тадқиқотларда бу ғояни яна “қадимийрок” - Пифагор давригача суришга уринишларни кузатиш мумкин.

Антик манбаларда қадимги юнон карталари ҳақида қатор маълумотлар учрайди. Геродотнинг ёзишича, Милет ҳукмдори Аристокорнинг Спарта подшоси Клеомон билан мулоқоти чоғида унинг қўлида мис доскали карта бўлиб, унда бутун ер қурраси, “хамма денгиз ва дарёлар” акс этган.

Шуни унутмаслик керакки, антик давр йирик тарихчиларининг кўпчилиги географ, шу билан бирга, картограф бўлишган. Улар орасида Эвдокс, Дикеарх, Эфор, Эратосфен, Помпений Мел, Птолемейлар алоҳида ўрин эгаллайди.

Қулдорлик тузуми даврида карта тузиш анча ривожланди. Картографиянинг илмий манбалари антик Юнонистонда шаклланди. Юнонлар Ер шар шаклида эканлиги ва унинг ҳажмини аниқлашга ҳаракат қилганлар. Улар картографик проекциялар ва меридиан-параллеллар тўрини ишлаб чиқишган. Бунда улар Ернинг шар шаклида эканлигини ҳисобга олишган.

Тарихчи Геродот ўз даврида (эрамиздан аввалги 484-425 йиллар) Ернинг тасвири ҳақида ёзиб қолдирган бўлса-да, антик география Клавдий Птолемей (милодий 90-168 йиллар) асарларида ривожланиш чўққисига кўтарилди. Унинг 8 китобдан иборат “Географиядан қўлланма” асари картография илмида қарийб 14 ас мобайнида йирик манба бўлиб хизмат қилди. У қисқача “География” деб аталиб, саккизта китобдан олтитасида Ернинг тасвири баён этилган.

Қадимги Римда карталар ҳарбий ва маъмурий мақсадлар учун амалиётда кенг қўлланилган. Римнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаёти олис вилоятлар ва қўшни мамлакатларнинг транспорт алоқаларига боғлиқ бўлган. Рим империясини боғлаб турган йўллар тармоғи ўлчаб чиқилган, сўнгра эса уларнинг карталари тайёрланган.

Римдаги картография, асосан, икки йўналишда ривожланган. Биринчиси – юнон картографияси аъёналарини давом эттирган бўлиб, юнонлар, айниқса, Клавдий Птолемей тадқиқотлари асосида, иккинчиси – айнан Рим йўналиши, яъни амалий муҳандислик асосида тараққий этди. Таъкидлаш жоизки, римликлар муҳандислик геодезияси асосларини ер ўлчаш ишлари воситасида олиб боришди. Рим картографияси ана шуниси билан ҳам муҳим ва ўзига хос аҳамиятга эга.

Римда картография ишлари билан ер ўлчовчилар (*agrimensor'ob*) шуғулланиб, милодий биринчи асрларда аргименсор бир вақтнинг ўзида ҳам қоҳин, ҳам ҳарбий, ҳам геометр бўлиб, Сенат ва халқ уларга катта ваколатлар берган.

Агрименсорлар ўзига хос анъана ҳамда қондалар асосида фаолият юритишган. Улар Римда ижтимоий хизмат вакиллари саналиб, императорлар уларнинг фаолиятини юқори баҳолаган. Ҳатто ҳуқуқшунос ва нотиклардан ташқари ер ўлчовчилар ҳам профессор унвониغا сазовор бўлиб, турли мажбуриятлардан озод этилган. Юқоридагилардан билишимиз мумкинки, Римда ер ўлчаш ва уни қарталарга тушириш санъат даражасига кўтарилган.

Ўз амалига кўра римлик ер ўлчовчилар турли номларга эга бўлишган: *terminorum custodes*-чегаралар кўриқчиси, *mensores*-ўлчовчилар, *agrimensores-mensores*-ер ўлчовчилар.

Римда ушбу касб эгаларининг махсус мактаблари ва геодезик асбоблари мавжуд бўлган.

2. Тарихий қарталар

Тарихий қарталар, асосан, ўтмишдаги воқеа ва ҳодисаларни тасвирлаб, жамиятдаги муҳим воқеаларнинг география билан ўзаро боғлиқлигини ўрганади.

Тарихий қарталар қадимги маданият ўчоқлари, давлатлар, ижтимоий ҳаракатлар, савдо йўллари ва ҳоказоларни кўрсатишга хизмат қилади.

Улар археологик, этнографик, тарихий-иқтисодий, сиёсий-тарихий, ҳарбий-тарихий ва тарихий-маданий қарталарга бўлинади. Бу тармоқлар орасида тарихий қарталар умумий бўлиб, тарихий жараёнларни бир бутунликда тасвирлайди. Баъзан эса воқеа ва ҳодисалар ёки факт (далил)ларнинг алоҳида томонларини кўрсатади. Улар мустақил (маълумот берувчи ва ўқув қарталари ҳамда атласлар) ёки безакли аҳамиятга эга бўлган қарталарга бўлиниши мумкин.

Дастлаб тарихий қарталар Абрахам Ортелиининг “Қадимги дунё географияси атласи” (1579 йил)га киритилган. Сўнгра Сансонлар, В.Дюваль (XVII асрнинг иккинчи ярми) атласларида тарихий бўлимлар пайдо бўлди. XVIII асрда эса Ж.Б.Д’Анвилнинг тарихий қарталари чоп этилди.

XIX-XX асрларда бир қатор Ғарб мамлакатларида миллий тарихий атласлар чоп этилди. Уларда аҳолининг жойлашуви, маъмурий-сиёсий бўлинишлар, шунингдек, иқтисодий ва маданий тарихга оид қарталар мавжуд эди (АҚШ, Франция, Финляндия). Тарихий атласлар Чехославакия ва Болгарияда ҳам нашр этилган.

Россияда тарихий қарталар XVIII асрнинг биринчи чорагида, аниқроғи, 1700-1721 йиллардаги Шимолий урушда рус ҳарбий кўшинларининг жангларида бағишланган режа, карта, схема ва

уларнинг шарҳига бағишланган матнларнинг 1713 йилдан чоп этилиши билан бошланган. Ҳар бир матнга безакли жанг режаси ва калъаларнинг тасвири берилган гравюра илова қилинган. Кейинроқ қўлда чизилган ҳарбий-тарихий карталар жуда кўп тарқалган, улар куруклик ва денгизда олиб борилган жанглarda эришилган ғалабаларга бағишланган. 1793 йилда илк бор «Россия империясининг тарихий карталари» нашрдан чиқди.

XIX-XX аср бошларида атлас ва алоҳида карталар чоп этилиб, уларда сиёсий, ҳарбий ва иқтисодий жараёнлар ўз аксини топиб, улар жумласига «И.Ахматовнинг Россия давлатининг Карамзин тарихий асарларига асосланиб тузилган тарихий, хронологик ва географик атласи» (I-II қисмлар, 1829-1831 йиллар), Н.И.Павлишевнинг «Россия тарихий атласи» (1845 йил), Е.Е.Замисловскийнинг «Рус тарихига оид ўқув атласи» (1865 ва 1887 йиллар), А.Ильиннинг 1868 йилда чоп этилган «Рус тарихи бўйича ўрта ва куйи ўқув муассасалари учун ўқув атласи»ни мисол қилиш мумкин.

Россия империясида иқтисодий ва хўжалик масалаларини камраб олган карта ва атласлар Ички ишлар вазирлигининг аҳолини рўйхатга олиш бошқармаси, Савдо вазирлиги ва бошқа муассасалар томонидан мунтазам нашр этилиб борилган. Этнографик тарихга доир карталар 1851 йилда П.И.Кеппен, 1895 йилда А.Ф.Риттих томонидан тайёрланиб, чоп этилган.

Россия империясида нашр этилган ҳарбий-тарихий карталар амалий аҳамиятга эга бўлиб, улар 1799, 1805-1815, 1828-1829, 1853-1856, 1877-1878 ва 1904-1905 йилларда чор қўшинлари олиб борган йирик ҳарбий урушлар, шу билан бирга, чегаралар ҳамда муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳарбий ҳаракатларни ҳам тавсифловчи карталар сифатида баҳоланиши мумкин.

Ҳозирги замон тарихий карталари фақатгина тарихий воқеа, ҳодиса ва далилларнигина акс эттириб қолмай, балки улар ўртасидаги боғлиқликни ҳам тасвирлайди.

Собик шўролар тузуми даврида К.В.Кудряшовнинг «Рус тарихий атласи» (1928 йил), К.В.Базилевич, И.А.Голубцов ва М.А.Зиновьевларнинг «СССР тарихи атласи» (1-3 қисмлар, 1948-1950 йиллар) каби йирик тарихий атласлар яратилган. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг собик шўролар тузуми остидаги иттифоқдош республикаларда ҳам нашр этилган атласларда тарихий карталар мавжуд эди.

Ҳарбий тарихий воқеаларга доир карталар Л.Г.Бескровнийнинг “Рус ҳарбий тарихига оид карта ва схемалар атласи” (1946 йил), “Зобит атласи” (1947 йил), “Денгиз атласи” (3 жилд, 1958 йил)да ўз аксини топган.

Тарихий карталар кенг кўламда 1953-1956 йилларда чоп этилган кўп жилдли “СССР тарихи лавҳалари”, 1966-1971 йиллардаги “Қадимги даврдан то ҳозирга қадар СССР тарихи”да, 1955-1969 йиллардаги “Жаҳон тарихи”, энциклопедик нашрлар ва алоҳида тарихий тадқиқотларда бериб борилган. Ўрта ва олий ўқув муассасалари учун ҳам кўплаб ўқув карталари ва атласлар нашр этилган. Карталарнинг қадимийлиги унга тарихий манба аҳамиятини бериб, манбашунослик таҳлили тамойилларини қўллашни талаб этади. Шунингдек, мазкур манбалар тури алоҳида тадқиқот усулларини қўлаган ҳолда нафақат тарихий, балки умумий географик билимларни ҳам эгаллаган бўлишликни тақозо қилади. Тарихий карталарни ўрганиш ва уларни яратиш усулини ишлаб чиқишни ўрганувчи фан тармоғи тарихий картография деб аталади.

3. Тарихий картография

Тарихий картография – илмий фан бўлиб, у тарихий карта ва атласлар тузиш, уларнинг усулини ишлаб чиқиш билан шуғулланади. Картографик усулнинг тарих фанида қўлланилиши тарихий карталардан кенг фойдаланишга, тарихий-географик монографиялар, мақолалар, дарсликлар, қўлланмалар яратилишига олиб келди. Тарихий карталарда тарихий жараёнлар, воқеа-ҳодисалар, тарихий даврларни тавсифловчи жараёнлар, шунингдек, натижа кўрсатиб ўтилади. Умумий тарихий карталар жараёнларни янада тўлиқроқ кўрсатишга, очиб беришга ҳаракат қилади. Тарихий карталарнинг турли хиллари бўлади: тарихий-иктисодий, тарихий-сиёсий, тарихий-этнографик, археологик, миллий-озодлик ҳаракати, дехқонлар кўзғолони, инқилобий ҳаракатлар, ҳарбий-тарихий, маданият тарихи бўйича ва ҳ.к. Ўқув-тарихий карталар ўрта ва олий мактабларда ўқитилаётган тарихий даврларга мос бўлади.

Тарихий картографиянинг ривожланиши ҳар доим тарихий географияга боғлиқ бўлиб келган. 1579 йили Абрахам Ортелией географик атласга учта тарихий картадан иборат қўшимча тузди. Ортелиейнинг бу қўшимчаси кейинчалик 1603 йили 38 та картадан иборат бўлган антик даврнинг географик атласи тузилишига сабаб бўлди.

XVII асрнинг иккинчи ярмида француз географлари Сансон ва В.Дювальлар атласларида ҳам тарихга оид карталар бўлими бор эди. XVIII аср охирида француз картографи Ж.Б.Д'Анвиль томонидан тайёрланган тарихий карталар босилиб чиқди. А.Ортелидан тортиб то XIX аср охирига қадар тузилган карталарда халкларнинг ҳудудий жойлашиши, сиёсий чегаралар, ҳарбий юришлар, жанглар, тарихий воқеалар бўлиб ўтган ҳудудлар, географик саёҳатлар йўналишлари акс этган эди. Шунингдек, А.Ортели ва В.Дювальлар томонидан тузилган карталарда афсонавий воқеа-ҳодиса ва Инжилдаги ривоятлар, масалан, авлиё Павел ва Иброҳим пайғамбарнинг саёҳати, троялик Энейнинг денгиз саёҳати, Одисей юрган йўллар тасвирланган. Кейинроқ карталарда тарихий-иқтисодий маълумотлар ҳам қайд қилина бошланган.

Тарихий карталар тузишда тарихий даврлар кўпинча чалкашиб кетган, миллий озодлик ҳаракатлари акс эттирилмаган. Баъзи тарихий карталарда маълумотлар атайлаб бузиб кўрсатилган. Масалан, 1910 йил ва 1936-1938 йилларда Германияда чоп этилган Пуцгер атласида, аввало, буюк давлатчилик шовинизми, кейинроқ фашистча ғоялар авж олиши билан карталардаги немис ва славян ерлари ўртасидаги чегаралар сунъий равишда Шарққа сурилиб берилган.

XX асрнинг илмий тарихий картографиясига иккита муҳим йўналиш хос. Биринчи йўналишга юксак даражада деталлаштирилган карталар кириб, уларда аҳолининг маъмурий, баъзан черков томонидан бўлинишгача бўлган аниқ далиллар акс этган. Бундай карталар турига 1895 йилда чоп этилган Фабрициуснинг немис атласи, Рихтернинг 1906 йилги Австрия атласи, А.А.Бекманнинг 1913-1938 йилларда чоп этилган Нидерландия атласи киради. Иккинчи тур карталарига деталлаштирилиши унчалик юқори бўлмаган, аммо фақатгина тарихий-сиёсий эмас, балки тарихий-иқтисодий, маданият тарихига оид маълумотлар акс этган карталар киради. Бундай карталар сирасига 1926 йили чоп этилган Аубиннинг немис атласи, Поллин таҳрири остида 1932 йилда чоп этилган АҚШ атласи (“Кўшма Штатлар тарихий-географик атласи”)ни мисол қилиш мумкин. 1956, 1958, 1962 йилларда эса Мюнхенда ўқув машғулотларига доир “Қатта тарих атласи” чоп этилган.

Россия империясида тарихий картография ривожланишининг дастлабки босқичи XVIII асрнинг биринчи чорагига тўғри келади.

Бу даврдаги тарихий ва тарихий-географик асарларга тарихий карталар илова қилина бошланди. “Россия империясининг тарихий картаси” биринчи бор 1793 йилда чоп этилган.

Тарихий картография ривожланишида 1958 йил Польшада босилиб чиққан Плоц воеводлиги тарихига оид атласнинг алоҳида ўрни бор. Бундай атласлар ишлаб чиқариш кучларининг жойлашиши, ишлаб чиқариш муносабатлари, иқтисодий ўсиш кўрсаткичларини аниқ тасвирлаб беради. Замонавий тарихий картография ривожланишининг муҳим элементи – тарихни аниқ даврлаштириш, турли тарихий жараёнларни тўла акс эттириш, тарихий жараёнларнинг иқтисодий томонини очиб бериш.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, шўролар тузуми даврида Ўрта Осиё тарихига доир қатор тарихий карталар тузилган бўлса ҳам, ammo уларнинг ичида Ўрта Осиёни чор Россияси томонидан босиб олинишига доир карталар йўқ эди. Шунингдек, карталар нашр қилинганда кўпроқ евроцентрик нуқтаи назардан ёндашилган эди.

Ўрта Осиё худудлари бўйича тарихий карталар фақат катта тарихий воқеалар билан боғлиқ бўлган ҳоллардагина яратилган. Масалан, мўғулларнинг Ўрта Осиёни босиб олишига доир тарихий карталар мавжуд бўлса-да, ammo Амир Темур давлати ҳақида тарихий карталар умуман яратилмаган. Тарихий атлас ва карталарда XV-XVIII асрлардаги Ўрта Осиёда бўлиб ўтган тарихий жараёнларнинг фақат Россия империяси билан алоқадор бўлган қисмларигина акс эттирилган, улар ҳам аниқ деталлаштирилмаган эди.

Ўрта Осиё халқлари тарихига оид сиёсий-маъмурий, тарихий карталар кам яратилган бўлса-да, демографик, худудларнинг иқтисодий тарихига оид карталар эса деярли бўлмаган.

Ўрта Осиё чор Россияси томонидан босиб олингандан сўнг Туркистон генерал-губернаторлиги ва ярим мустақил Бухоро амирлиги ҳамда Хива хонлигининг ўша даврга оид баъзи карталари мавжуд.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг тарихий карталар сони кўпайди. Ўрта Осиёнинг энг ривожланган даври бўлган Теурийлар даврига бағишланган карталар тўплами чоп этилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон тарихий картографияси олдида кўпга илмий муаммолар турибди. Биринчи галда замонавий талабларга мос бўлган Ўзбекистон халқлари тарихининг бутун даврларини қамраб олган тарихий атлас яратиш зарур. Бу борада дастлабки қадамлар ҳам ташланди. 1999 йилда “Ўзбекистон тарихи атласи”

нашрдан чикди (Ўзбекистон тарихи атласи. –Т.: Ўзгеодезкадастр, 1999). Энди уни янги илмий маълумотлар асосида тўлдириб, мукамаллаштириб бориш зарур.

Ўзбекистон халклари тарихига оид карталар мавжуд бўлса-да, тарихий-географик, тарихий-иктисодий, тарихий-демографик карталар яратиш ўзбекистонлик олимларнинг биринчи галдаги вазифасидир.

4. Ўзбекистонда картография фани тарихи

XX асрга қадар республикамиз ҳудудини картографик жиҳатдан ўрганилганлик анча паст бўлган. Чор Россияси Туркистонни босиб олгандан кейин иктисодий жиҳатдан муҳим бу ўлкани картага олиш ишлари бошланди. Зотан, ҳудуднинг ички қисмлари ҳали ҳам яхши ўрганилмаган, манбалар етарли даражада тўлиқ ва аниқ бўлмаган, режа олиш асбоблари, картографик тасвирлаш усуллари, карта ишлаш техникаси ривожланмаган эди.

1934 йили Ўрта Осиё ва Қозоғистонда ягона бўлган Тошкент картографик фабрикаси ташкил этилди. Унга давлат муассасалари ва жамоат ташкилотларини мавзули, сиёсий-маъмурий ва маълумотнома карталари билан, шунингдек, мактаб ўқувчиларини ўқув карта ва атласлар билан таъминлашдек катта вазифа юклатилди. Кўп ўтмай алоҳида суғориладиган туманлар қишлоқ хўжалик карталари, Ўзбекистоннинг маъмурий картаси ва Ўрта Осиё халклари миллий тилларида ўқув карталари тузилиб, нашр этилди.

Минтака, хусусан, Ўзбекистон ҳудуди тасвирланган картографик материаллар ўша йиллари нашр этилган собик Иттифокнинг катта-кичик ва қишлоқ хўжалигига оид махсус қомуслари таркибида ҳам берилган.

1939-1940 йиллари Ўрта Осиё республикаларининг деворий сиёсий-маъмурий, табиий ва иктисодий карталари тайёрланди ва чоп этилди. Улар ичида, айниқса, Ўзбекистон ва Туркменистоннинг қишлоқ хўжалик карталари алоҳида ажралиб туради. Уларда қишлоқ хўжалигининг ихтисослашуви, экилаётган ғўза навларининг жойланиши, давлат хўжаликлари ва уларнинг ихтисослашуви, белгилар усули билан фойдали қазилма қонлари, муҳим индустриал марказлар ва гидроэлектростанциялар кўрсатилган.

Урушдан кейинги йилларда картографларнинг асосий вазифаси қишлоқ хўжалиги, бошқарув ва режалаштириш органларини зарур картографик материаллар билан таъминлаш,

илғор хўжаликлар ва илмий тадқиқот муассасаларининг ютуқларини тарғибот қилиш ҳамда амалиётга жорий этилишини тезлатиш эди.

1963 йили республикамининг биринчи “Табиий-географик атласи” чоп этилди. Атласнинг формати 44x30 см., асосий карталарнинг масштаби 1:3500000 ва 1:500000, иклим карталари 1:7500000 ва 1:10000000 масштабларда тузилган.

1968 йили Ер тузиш ва лойиҳалаш институти томонидан Ўзбекистоннинг ягона дастури асосида ўзаро боғланган, бир-бирини тўлдирадиган ихтисослашган аниқ мақсадли «Деворий кишлок хўжалик карталари» тизими тайёрланди ва нашр этилди. Мазкур тизим масштаби 1:1000000 бўлган 21 та картадан иборат бўлиб, уларда республикамиз кишлок хўжалигига картографик тавсиф берилган. Барча карталарнинг мазмуни турли диаграммалар, график ва жадваллар билан тўлдирилган.

1980 йили Ўзбекистоннинг биринчи “Ўқув-ўлкашунослик атласи” чоп этилди. Мазкур атлас кенг жамоатчилик томонидан юқори баҳоланди. У республикамиз географияси, тарихи ва маданиятини ўрганишда ўқувчиларга ёрдамчи қўлланма бўлиб хизмат қилди.

1983 йили республикамиз пойтахти Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейи муносабати билан комплекс “Тошкент географик атласи” чоп этилди. Атласнинг формати 25x35 см., асосий карталарининг масштаби 1:400 000 ва 1:650 000. Атлас кириш ва 6 бўлимдан иборат бўлиб, у 48 та карта ва схемаларни ўз ичига олган. Атлас Ленинград шаҳрининг (1977 йил) тарихий-географик атласидан кейин собиқ Иттифоқда нашр қилинган иккинчи шаҳар атласи ҳисобланади.

1982-1985 йиллари икки қисмдан иборат умумий комплекс географик илмий-маълумотнома “Ўзбекистон атласи” чоп этилди. Унинг умумий ҳажми ва мазмунининг камровига кўра миллий атласга яқин деб ҳисоблаш мумкин. Атласнинг формати 61x42 см., асосий карталарининг масштаби 1: 2500 00 ва 1: 3500000. Атлас 28 та алоҳида-алоҳида бўлимдан иборат бўлиб, унда 322 та рангли карта берилган. Атласни лойиҳалаштириш ва карталарни тузишда муаллифлар асосий эътиборни республикамининг табиий шароити ва табиий ресурслари, халқ хўжалиги ва унинг тармоқлари, маданияти ва тарихининг ўзига хос хусусиятларини сақлаб қолиб, уларнинг ҳақиқий ҳолатини акс эттиришга қаратдилар. Мазкур атлас собиқ Иттифоқда чоп этилган барча комплекс илмий-

маълумотнома атласлардан фарқ қилиб, Ўзбекистон кишлок хўжалигининг етакчи тармоғи – пахтачиликка алоҳида бўлимда биринчи марта тўлиқ картографик тавсиф берилди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин республика рахбарияти мамлакатимиз иктисодиётини ривожлантириш, ишлаб чиқариш кучларидан оқилона фойдаланиш ва уни бутун мамлакат ҳудуди бўйлаб илмий асосда тўғри жойлаштириш масалаларига жиддий эътибор қаратмоқда. Шу билан бирга, мустақиллик гоёларини тарғиб қилиш, аҳолининг ўсиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўла-тўқис қондириш, мамлакат муҳофаа қобилиятини ошириш, геодезия ва картографияни кенг қўламда аниқ режа ва илмий асосда ташкил этишга катта аҳамият бермоқда. Шу мақсадда 1997 йил 25 апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Геодезия ва картография тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикасида геодезия ва картографияга оид фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб, давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг геодезия ва картография маҳсулотига бўлган эҳтиёжларини қондириш учун шарт-шароитлар яратиш.

Ўтган қисқа муддат ичида республикамизнинг 1:1000000 ва 1:1500000 масштаби қатор деворий сиёсий-маъмурий, табиий, экологик, умумиктисодий, иқлим ва аҳоли қаргалари чоп этилди.

1999 йили Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг буюртмасига биноан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг география факультети жамоаси умумий ўрта таълим муассасалари учун “Ўзбекистон географик атласи”ни нашрга тайёрлади.

5. Ўрта Осиё олимларининг картографик тадқиқотлари

Хоразмий. Ўрта асрларда заминимиздан етишиб чиққан буюк аллома VIII-IX асрларда яшаб ижод этган Муҳаммад Мусо ал-Хоразмийнинг картографик тадқиқотлари алоҳида аҳамиятга эга. Ал-Хоразмий халифа Маъмун ташкил қилган “Байт-ул-ҳикма” (“Донишмандлар уйи”)да ҳам фаолият кўрсатган. Халифа Маъмун ўша даврда ер юзининг қаргаларини тузиш тўғрисида топшириқ берган. “Дунё қаргалари” аслида яхлит атлас бўлиши керак эди. Атлас тузиш иши билан 70 га яқин олим шуғулланган, уларга эса Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий бошчилик қилган.

Бу қаргалар йиғиндиси “Маъмун дунё қаргаси” номи билан ҳам юритилган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, уни тузиш ишлари 840 йилларга яқин тугалланган.

Хоразмий 837-847 йиллар оралигида ёзилган “Сурат ал-арз” (“Ер сурати ҳақидаги китоб”) асарида Клавдий Птолемейнинг “География” китобини танқидий таҳлил қилган. “Сурат ал-арз” (араб тилида) 1926 йилда австриялик географ Ганс Мжик томонидан нашр қилинган ва шу асосда ўзбек тилида чоп этилган.

Бизгача Хоразмийнинг мазкур китоби ва тўртта картаси етиб келган. Улар орасида Азов денгизи хавзаси ҳудудлари акс этган карта кимматлидир. Ушбу карта шимол томон йўналишда берилган бўлиб, Хоразмийгача ва ундан кейинги географларнинг карталарида ушбу денгиз жанубга томон йўналишда чизилган.

Хоразмий Нил дарёси картасида ушбу дарё оқимини яхши билишини кўрсата олган. Картада иқлим чегаралари ҳам акс этган.

Хоразмийнинг учинчи картаси “Қимматли ёқутлар ороли” деб аталиб, бунда ҳамма томони тоғлар билан қуршалган орол тасвирланган.

Тўртинчи картада денгиз қирғоқларининг турли шакллари берилган.

Хоразмийнинг “Сурат ал-арз” асари Ғарб ва Шарқ картографлари учун кейинги асрларда ҳам қўлланма бўлиб хизмат қилди. Ундаги Ўрта Осиёга оид маълумотлар ҳақиқатга яқинлиги билан ажралиб туради.

Беруний. Машҳур комусий олим Беруний картография фанига ҳам улкан ҳисса қўшган, унинг 10 варақдан иборат “Тастих ас-сувар ва табтиҳ ал-кувар” (“Картография”) асари Хоразмшоҳ Абул Аббос Маъмунга бағишланган. Рисолада осмон глобусини ясаш тўғрисида гап боради. Шунингдек, географик карта ҳақида бундай дейилган: “Ер қуррасини сатҳга ўтказишда эса шаҳар ва қишлоқларнинг узунлик ва кенгликларини, денгизлар, булоқлар, дарёлар, қумликлар, тоғлар, конлар, тепаликлар, қиялик ва сойликларни баён этадиган “Жўғрофия” китобига эҳтиёж тушади ва бу китобдагига қараб уларнинг (белгилари) ишланади”.

Берунийнинг бизгача етиб келган яна бир географик-картографик “Қонуни Масъудий” (“Ал-Қонун ал-Масъудий фил ҳайъа ван нуҷум” – “Астрономия фанида Масъуд исмига ёзилган қонун”) номли йирик асари бўлиб, уни муаллиф умрининг охириги йилларида ёзган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, асарнинг қўлёзма нусхалари 10 тача. Асар жами 12 мақоладан иборат бўлиб, ҳар бир мақола бир неча бобга бўлинган.

5-мақоланинг 9-10 боблари география учун жуда муҳим. Бу бобларда денгиз ва қуруқликлар чегараланиб, етти иқлим

тақсимоти ҳамда дунёдаги 603 жойнинг географик координаталари берилган. Шуларга асосланиб, дунёнинг географик картаси тузилса, Берунийнинг ер юзини қандай тасаввур этганлиги аён бўлар эди, бироқ узунлик белгилари ва бошланғич меридиан маълум бўлмаганлигидан бундай карта тузиш бир мунча мушкул.

Ўнинчи боб “Шаҳарларнинг узунлик ва кенгликларини жадвалларда кўрсатиш ҳақида” деб номланиб, Беруний унда шаҳарларнинг бир-бирига нисбатан вазият ва ораларидаги масофалар тақозасига қараб тузатишга ҳаракат қилган.

Афсуски, жадвални тузишда Беруний кўп меҳнат қилган бўлса-да, берунийшунос олимларнинг фикрича, қўлёзмони кўчирган хаттотлар ракамлар ва номларда баъзан хатога йўл қўйганлар, бунинг устига “Қонуни Масъудий”ни русча ва ўзбекчага таржима қилганда ҳам қўлёзмаларда йўл қўйган хатоларга эътибор берилмаган. Пировардида жадвал саҳифаларида талай хатолар ўтиб кетган.

Берунийнинг яна бир географик-картографик асари “Ат-тафҳим” (“Ат-тафҳим ли авоиلى синоат ат-танжим” - “Нужум санъатининг аввалини тушунтириш” китоби 1030 йилда икки: араб ҳамда форс тилида ёзилган йирик асарларидан бири. Ушбу китобга дунё картаси ҳам илова қилинган. У китобнинг барча нусхаларида бор, аммо уларнинг ҳар бири ҳар хил.

Беруний фикрига кўра, Ер шар шаклида бўлиб, унинг ярми маълум (Шаркий ярим шар) ва ярми номаълум (Ғарбий ярим шар) бўлган. Ернинг шимолий (икки) чорагидан бири қуруклик бўлганлигидан унинг ҳамкутр (диаметриал карама-қаршисидаги) чораги ҳам қуруклик бўлишини тахмин қилган. Беруний у ернинг янги китъа (Америка) эканлигини XI аср бошидаёқ “Ҳиндистон” асарида ёзиб қолдирган.

Олим ўз асарида Ер юзининг тузилиши, денгиз ва қуруклик тўғрисида гапириб: “Ернинг чораги маъмурадир. Маъмурани Ғарб ва Шарқ томонидан Муҳит океани, ернинг обод қисмини денгизларнинг нариги томонидан Муҳит океани (Атлантика ва Тинч океани) ўраб турибди. Бу Муҳит океани, ернинг обод қисмини денгизларнинг нариги томонида бўлиш мумкин бўлган қуруклик ёки одам яшайдиган ороллардан иккала ёқдан (Ғарб ва Шарқ) ажратиб туради”, деб ёзади.

Қадимги юнон олимларининг асарларида, жумладан, машҳур географ Эратосфеннинг китобида дунё 7 қисмга бўлинган ва ҳар бири “климат” деб аталган. Юнон олимларининг китоблари араб

тилига таржима қилинганда “климат” сўзи ўрнига “иклим” сўзи ишлатилган.

Шуни унутмаслик керакки, дунёнинг 7 қисмга бўлиниши қадимги юнон фанининг хизмати эмас, бу Ўрта Осиё ва Хуросондан чиққан тушунча. Бунинг қисқача тарихи Берунийнинг “ат-Тафҳим”, “Қонуни Масъудий” ва “Геодезия” китобларида баён этилган. Аниқроғи, Шарқ географиясида дунёнинг табиати турлича бўлган қисмлари “иклим” сўзи билан аталган.

Берунийнинг оламнинг геоцентрик ва гелиоцентрик назарияларини бир қаторга қўйиши ўша даврда араб олимлари ўртасида ҳукм сурган Птолемей тизимиغا нисбатан олға ташланган кадам бўлди.

Ал-Балхий. Ўрта асрлар Ўрта Осиё картографиясига доир нодир ёдгорликлардан бири балхлик географ олим Абу Зайд Аҳмад ибн Саҳл ал-Балхийнинг (850 йилда таваллуд топган) “Ислом атласи” ҳисобланади. Шарқшуносларнинг тахминларига кўра, “Ислом атласи” сомонийлар давлати алоҳида вилоятларининг чизма тасвирларидан ташкил топган. Фақатгина Х асрга келиб, ал-Истаҳрий ва ибн Ҳавқал томонидан бироз замонавийлаштирилган.

Маҳмуд Қошғарий. Ўрта Осиёнинг энг шарқида – Исиккўл ва Қошғарда яшаган, умрининг кўп йилларида “Румдан Чингача” – Ўрта ер денгизи бўйларидан Хитойгача бўлган мамлакатларни кезган, қабилалар ва уларнинг тилини ўрганган олим Маҳмуд Қошғарий бўлиб, у “Девону луғотит турк” асарига доиравий дунё картасини илова қилган.

Ушбу картани чет эл олимлари К.Миллер ва А.Герман, шўролар даврида И.Крачковский, И.Умняков, С.Умурзаков ва бошқалар ўрганганлар. Ҳ.Ҳасанов тадқиқотлари “Девону луғотит турк”га илова қилинган дунё картасининг муаллифи ҳам Қошғарийнинг ўзи эканлигини исбот этди.

Қошғарий картаси доира шаклида бўлиб, ҳозирги яримшарга тўғри келади. Картанинг арабча босма нусхасининг диаметри 24 см., ўзбекча нусхасиники 18 см.

Нажиб Бакрон. Хуросонлик олим Муҳаммад ибн Нажиб Бакрон ўз даврининг ўқимишли кишиси бўлиб, география, астрология ва карталар тузиш санъатини пухта эгаллаган, тарих ва тиббиётдан хабардор олим саналган. 1209 йилда дунё картасини тузиб, унга “Жаҳоннома” асарини илова қилган. “Жаҳоннома” ва картани тузишда Нажиб Бакрон, асосан, ёзма манбалардан,

чунончи, Хурдодбех, Истахрий, Насриддин Тусий китобларидан, Абу Райхон Беруний, Носир Хисравнинг асарларидан фойдаланган.

Афсуски, муаллифнинг ноёб картаси йўқолган. Ҳозир унинг “Жаҳоннома” номли шарҳи изоҳигина мавжуд.

“Жаҳоннома” матнида 600 тагача жойнинг номи тилга олинган, лекин картанинг ўзида бундан ҳам кўпроқ бўлса керак.

Банокатий. XIV аср бошидаги ижодий меҳнати билан шуҳрат қозонган шоир, тарихчи ва географ олим Фаҳриддин Абу Сулаймон Банокатий 1317 йилда умумий тарих ва географиядан асар ёзиб қолдирган. Асарнинг тўлиқ номи “Равзат улул ал-боб фи таворих ал-ақобир ва ансоб” (“Улуғ кишиларнинг тарихи ва насаби бобида донишмандлар боғи”) деб аталиб, “Тарихи Банокатий” номи билан юритилади. Бу китобнинг географияга тааллуқли 7-бобида Ҳиндистон, Арманистон, Эрон, Рум, Хитой, Мўғул, Араб ва Яҳудий ерларининг таърифи берилган. Унда иқлимлар схемаси ҳам берилгани аҳамиятлидир.

Ҳофиз Абру (1362-1431 йиллар) 1414 йилда Ҳирот ҳоқими Шохруҳга арабча ёзилган география китобини тақдим қилган. Бу “Китоб ал-масолик ва ал-мамолик” (“Йўллар ва мамлакатлар”) китоби эди.

Шохруҳ Ҳофиз Абрuga бу китобни форс тилига таржима қилишни буюрган. Ҳофиз Абру таржима жараёнида унга ўзининг кўрган-билганлари ва бошқа китоблардан ўқиганларини ҳам қўшган, шу тарзда янги асар яратган ва унга “Зубдат ат-таворих” (“Тарихлар қаймоғи”) дея ном берган.

Ҳофиз Абрунинг бу асари илмий географик асар бўлиб, унда ҳар бир географик матннинг охирига сурат илова қилинган (“сурат” сўзи қадимги луғатларда чизма, карта, тасвир деб тушунтирилган).

Суратлар ичида энг қимматлиси, шубҳасиз, дунё картасидир. Дунё картасининг муҳим томонларидан бири градус тўғри чизилганлигидир. Картанинг ўлчами 34-45 сантиметр бўлиб, китобларга илова қилинган. Карталар ичида бунчалик катта Шарк картаси камдан-кам учрайди. Асарнинг Британия музейидаги нусхасида 46 та ном, Тошкентдаги нусхасида эса 62 та ном ёзилган.

Уч глобус. Беруний ернинг шарсимонлигига қатъий ишонганлигини ўз асарларида бир неча бор аниқ айтган. Аллома сайёрамизни аниқ тасаввур этиб, унинг тасвирини ҳам яратмоқчи бўлган. У яратган глобуснинг диаметри ниҳоятда катта бўлган, у

айтган “10 чўзим” тахминан 5 метр келади. Бу глобус Хоразмда ясалган.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, бу Шарқ оламидаги дастлабки глобус бўлиши билан бирга, энг биринчи бўртма (рельефли) глобус ҳам бўлган.

Иккинчи глобус ҳақида Шарқ муаррихларининг асарларида эслатиб ўтилган, холос.

Жумладан, Абдураззоқ Самарқандий Самарқанд обсерваториясида “Ер шарининг иқлимларига ажратилган, тоғлар, денгиз, саҳролар ва ҳоказоларга ажратилган тасвири” мавжудлигини ёзган.

Учинчи глобус бизгача етиб келган, ҳозирда Самарқанд музейларидан бирида сақланмоқда, унинг муаллифи машҳур маърифатпарвар Ҳожи Юсуф Мирфаёзов (1842-1924 йиллар) бўлади. Ўқимишли, мусиқа, шеърят, доришуносликдан яхшигина хабардор бўлган олим Шарқ ва Европа мамлакатларида бўлган.

У ясаган глобус маҳкамланган остлик билан 117 см.ни, атрофи 160 см.ни, масштаби 1 см.да 250 км.га тўғри келади. Градуслари тўғри бўлиб, параллел ва мердианлари ҳар 15 градусдан сўнг қора чизиклар билан, тропик ва кутб доиралари қизил чизиклар билан ажратилган.

Глобусда қарийб мингга яқин географик номлар туширилган. Уларнинг 90% и ўзбек, 10% и тожик тилида.

Глобус кенг экваториал белбоғ билан ўралган бўлиб, унда 12 та бурж кўрсатилган.

Савол ва топшириқлар

1. Картография ва тарихий картография фанлари нимани ўрганади?

2. Тарихий картографиянинг шаклланиши ва тараққиёти ҳақида нималарни биласиз?

3. Ўрта Осиё олимларининг картография фанига қўшган ҳиссаси нималардан иборат?

4. Ўрта Осиё ҳудуди акс этган тарихий-картографик манбалар ҳақида маълумот тўпланг.

Адабиётлар

1. Берлянт А.Н. Карта расказывает. -М.: Просвещение. 1978.

2. Булгаков П.Г. Глобус Беруни // Общественные науки в Узбекистане. 1965, №1.

3. Булгаков П.Г., Розенфельд Б.А., Ахмедов А.А. Мухаммад ал-Хорезми. -М.: Наука. 1983.

4. Бўриев О. Устознинг хатосини тузатган шогирд // Фан ва турмуш. 1976. №5.

5. Голубцов И.А. Вопросы исторической географии, архивоведения, археографии и источниковедения. -М.: 1963.

6. Караваяев З.Ф. Некоторые вопросы создания исторических карт. -М.: 1956.

7. Мирзалиев Т.М., Мухитдинов Ш.М., Базарбаев А. Атласное картографирование в Узбекской ССР. -Т.: Фан. 1990.

8. Постников А.В. Развитие картографии и вопросы использования старых карт. -М.: Наука. 1985.

9. Преображенский А.И. и др. Составление и редактирование специальных карт. -М.: 1961.

10. Саидбобоев З. Ўрта асрларда Шарқ картографиясининг равнақи // “Имом ал-Бухорий сабоклари”. 2002, №4.

11. Саидбобоев З. “Атлас Азиатской России” – как источник по истории Туркестана начала XX в. // “O'zbekiston tarixi” журналі. 2007, №4.

12. Саидбобоев З. Европада Ўрта Осиёга оид тарихий-картографик маълумотлар (XVI-XIX асрлар).-Т.: Фан. 2008.

13. Салищев К.А. Картоведение. -М.: Изд-во МГУ. 1990.

14. Тарихий манбашунослик муаммолари. / Республика илмий-амалий анжуман материаллари.-Т., 2008.

15. Хасанов Х. Среднеазиатский географ-филолог XI в.// Изв. Узб. Фил. Геогр. Общ-ва СССР. Т.V. –Т.: 1961.

VI БОБ. ХРОНОЛОГИЯ ВА МЕТРОЛОГИЯ

1. Хронология – вақт тўғрисидаги фан. Тарихий ва астрономик хронология

“Хронология” сўзи грекча сўз бўлиб, “хронос” - вақт, “логос” - фан, яъни вақтни ўрганиш ҳақидаги фан маъносини беради. Хронология вақтни ўрганиш, ҳисоблаш ҳақидаги фан сифатида икки қисмга бўлинади, булар – астрономик (ёхуд математик) хронология ва тарихий хронология.

Қадимги дунё халқлари нафақат календарлардан, балки ўзига хос ҳисоблаш усулларидан ҳам фойдаланишган. Бу усулларни аниқлашга тарихий хронология фани ёрдам беради. Тарихий хронологиянинг объекти (манбалари) тарихий воқеалар ҳақида маълумот берувчи манбалар ҳисобланади. Тарихий хронология тарихий тараққиёт давомида вақтни ҳисоблаш тизимини ўрғанади, уларнинг ўзаро боғликлиги, вақтни бир ҳисоб тизимидан иккинчисига айлантириш услубларини ишлаб чиқади. Тарихий хронология юқоридаги ҳисоблаш тизимидан тарихий вақтни ҳисоблашда фойдаланади ва тарихий манбалардаги саналарнинг аниқлигини таҳлил қилади.

Инсониятнинг хўжалик ҳаётидаги эҳтиёжи вақтни ҳисоблаш заруратини юзага келтирди. Қадимда вақтни ҳисоблашда табиатнинг доимий такрорланиб турувчи ҳодисалари – сутка, тун, кун, Ой фазаларининг ўзгариши, Ернинг йиллик айланма ҳаракатидан фойдаланилган.

Аста-секин вақтни аниқ ҳисоблашга бўлган эҳтиёж юзага келди. Бунинг учун осмон жисмлари ҳаракати, умуман, астрономияни билиш зарур эди. Бундан ташқари, яна бир вазифани, кун, ой, йиллар ўртасидаги фарқларни аниқлаш зарурати ҳам туғилди. Бунинг учун эса математик ҳисоб-китобни пухта билиш лозим эди. Табиат ҳодисаларини кузатиш, вақтни аниқлаш учун қўлланилган мураккаб математик ҳисоб-китоблар хронологиянинг фан сифатида шаклланишига асос сифатида хизмат қилди. Бобил ва Миср каби қадимги давлатларда пайдо бўлган хронология, айниқса, Қадимги Греция ва Римда ривожланди. Хронология билим соҳаси сифатида ривожланишига Қадимги Греция ва Рим олимларидан Эротосфен, Калипп, Гиппарх, Варрон, Цензорин, Птоломей, Макробийлар катта ҳисса қўшишган.

Гиппарх (эрамизгача 190-125 йиллар) биринчи бўлиб Ойнинг ўлчами ва ундан Ерғача бўлган масофани аниқлаган. Гиппарх кузатувлари натижасида Қуёш йилининг узунлигини деярли аниқ

ҳисоблаб чиққан (хато 6 дақиқа). Олим ўша давр учун оламшумул иш – 850 та юлдузларнинг ҳолати каталогини тузган.

Клавдий Птолемей – машҳур “Альмагест” асари муаллифи. Бу асар ўрта асрларгача астрономияга оид асарларнинг энг сараси ҳисобланган. Шунингдек, Птолемей саккиз китобдан иборат “География” асарининг муаллифи ҳамдир. Птолемей картографик проекциялар назариясини ҳам яратган. Айниқса, унинг “Подшоҳларнинг хронологик жадвали” асари хронологияга оид муҳим манба ҳисобланади.

Марк Теренций Варрон (эрамизгача 116-27 йиллар) ҳам хронология фанининг ривожига катта ҳисса қўшган. Қомусий олим олти юзга яқин асарлар муаллифидир. Унинг асарларининг аксарияти хронологияга бағишланган.

VII аср охири-VIII асрнинг биринчи чорагида яшаган инглиз монахи, солномачи Беда Достопочтенний хронологияга оид “Дунёнинг олти ёши” асари христиан эрасининг асослари ҳақида маълумот беради.

2. Европада хронология фанининг вужудга келиши ва тараккиёти

XVI асрда француз олими Ж. Скалигер тарихий хронологияда тизимлаштиришни амалга оширди. У юлиан усулидаги солномалар тахририни ишлаб чиқди. 1583 йилда Ж. Скалигер “Вактни ҳисоблаш юзасидан янги тадқиқот” номли асарини эълон қилади. 1582 йилда итальян олимлари А. Лилия ва И. Данти янги календарь туздилар. Бу календарь тарихда Григорий календари номи билан шуҳрат қозонди. XVII асрда француз монахи Д. Петави ҳам вактни ҳисоблаш юзасидан тадқиқотлар олиб борди.

XVIII асрда Россия олимлари ҳам хронология фанига оид кўплаб тадқиқотлар олиб боришган. “Россия тарихи” китобининг биринчи жилдида В.Н. Татишев ёзган махсус боб “Йилнинг бошида вактни ҳисоблаш” деб номланади. Бу даврда М.В. Ломоносов, М.М. Шербатов, И.Н. Болтин ва А.Л. Шлецер хронология билан жиддий шуғулландилар. XVIII асрга келиб Европада хронология мустақил тарихий фанга айланди. Бунга англиялик математик ва астрономлар катта ҳисса қўшдилар. XVIII аср ўрталарида лорд Честерфильднинг ташаббуси билан мамлакатда Григорий календари қабул қилинди.

1825-1826 йилларда немис астрономи Х.Л.Иделер томонидан ёзилган икки жилдлик “Математик ва техник хронология”, Л.Броссеннинг “Хронология техникасига доир” (СПб., 1868й.), Ф.Кальтенбруннернинг “Григорий календари ислохоти тарихидан” (Вена,

1876й.), О.Е.Гартманнинг “Рим календари” (Лейпциг, 1882й.), Я.И.Макдональднинг “Хронология ва календарь” (Лондон, 1897й.) асарлари хронология фани тараккиётида асосий ўрин эгаллади.

XIX аср бошларида Россияда тарихнинг ёрдамчи фани сифатида хронологиянинг ахамияти янада юксалди. “Россия давлати тарихи” китобининг биринчи жилдида Н.М.Карамзин Қадимги Русда йил ҳисоби тўғрисида маълумот беради. XIX асрнинг биринчи ярмида В.Штейнгал ва К.Троминлар йилнома ва календарь масаласини тадқиқ қилади. П.В.Хавский Русда йилномалар тарихига оид тадқиқотлар ва юлиан календарини Григорий календарига таккослашга доир хронологик жадваллар тузади. 1850 йилда Д.М.Перовшиковнинг “Православ черковида қабул қилинган вақтни ҳисоблаш қондаси” номли китоби нашр қилинди. XIX аср охирларида Д.И.Прозовский насронийликкача бўлган даврда славян-рус вақт ҳисоби ва Қадимги Русда соатни ҳисоблаш асосларини ишлаб чиқди.

XX асрга келиб хронология тарихнинг асосий ёрдамчи фанларидан бирига айланди. Бу даврда Куёш, Ой-куёш ва Ой календарларига доир тадқиқотлар юзага келди. 1906-1914 йилларда немис олими Ф.Гинцель уч жилддан иборат “Математик ва техник хронология” номли китобини ёзади.

Замонавий хронологиянинг ривожланишида Э.Мейер (1904й.), Р.Паркер (1950й.) Миср календарлари), М.М.Ундерхил (1921й.) хиндларда хронология фани, М.Малер яҳудий календарлари, С.Г.Морлей (1954й.) майя халқларида вақт ҳисоби, Х.Митцман Рим хронологияси (1957й.), Э.Бикерман қадимги дунё хронологияси (1966й.), Р.Нойгебауэр, А.Е.Штамп, В.Грумел каби тадқиқотчиларнинг хронология усуллари ва назариясига оид тадқиқотлари катта аҳамият касб этди.

XIX аср охирларида Россияда Юлиан календарини ислоҳ қилиш бўйича махсус комиссия тузилади. Унга машҳур олим Д.И.Менделеев бошчилик қилади. XX аср бошларида хронология фанига оид кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилди. Н.В.Степанов “Янги усул ва православ пасхаси” (1907й.) номли китобида янги календарга ўтиш заруратини таъкидлайди. Олим томонидан 1909-1915 йилларда рус солномалари календари, Қадимги Рус йил ҳисоби, март ва сентябрь, ультрамарт усуллари ўрганилади ва тадқиқотлар жамланиб, 1917 йилда “Календарь-хронология маълумотномаси” нашр қилинади.

1918 йилда Россияда Григорий календари қабул қилинади. Натижада янги календарь тизимига оид кўплаб илмий-оммабоп тадқиқотлар олиб борилади. И.Ф.Полак “Календарнинг ўзгариши” (1918й.), “Вақт ва календарь” (1928й.), О.А.Доблаш-Рождественский “Инсонлар қандай қилиб йилни ҳисоблашни ўргандилар” (1922й.), Н.И.Идельсон “Календарь тарихи” (1925й.), М.Матье, Н.Шолколарнинг “Ҳозирги, ўтмишдаги ва келажакдаги календарлар” (1931й.) каби асарлари мазкур изланишлар мевасидир.

1938 йилда В.К.Никольскийнинг “Йил ҳисобимизнинг пайдо бўлиши”, 1941 йилда Л. Климовичнинг “Байрамлар ва ислом рўзалари” номли китоблари нашр қилинади. Н.Г. Бережковнинг “XV асргача бўлган рус солномалари хронологияси” номли мақоласи ва “Рус солномалари хронологияси” (М.: 1963) номли монографиялари хронология фанига оид муҳим тақиқотлар ҳисобланади. Муаллиф рус солномаларида март, сентябрь ва ультрамарт усулларида берилганлигини исботлайди, рус солномалари хронологиясини ўрганишнинг усулларини ишлаб чиқади.

1954-1956 йилларда Бирлашган Миллатлар Ташкилотида янада мукамал ва барча халқлар учун ягона бўлган янги календарни яратиш масаласи муҳокама қилинади. Нагижада қатор мамлакатларда календарларнинг астрономик асоси ва йилни ҳисоблашнинг янги усулларига оид илмий тадқиқотлар юзага келади. Жумладан, Г.Д. Мамедбейли (1961), И.А. Орбели (1961) муслмон йил ҳисоби, М.Р. Раҳимов (1957) тожикларда йил ҳисоби ва Г.Мчерлидзекар қадимги грузин йили ҳисоби бўйича тадқиқотлар олиб бордилар.

3. Ўрта Осиё олимларининг хронология ривожланишига қўшган ҳиссалари

Ўрта асрларда хронология фани тез суръатларда ривожланди. Хронология ривожига Ўрта осийлик олимлар, Аҳмад ал-Фарғоний (797-865), Абу Райҳон Беруний (973-1048), Умар Хайём (1048-1131) ва Мирзо Улуғбек (1394-1449) катта ҳисса қўшдилар.

Аҳмад ал-Фарғоний. Аҳмад ал-Фарғоний илми-ҳайъат (фалакиётшунослик-астрономия, риёзиёт-математика) ва жўғрофия (география) фанлари билан шуғулланиб қатор илмий асарлар ёзиб қолдирди. Аҳмад ал-Фарғоний ал-Маъмун топшириғига биноан Дамашқдаги расадхонада осмон jismlari ҳаракати ва уларни аниқлаш, янгича “зиж” яратиш ишларига раҳбарлик қилди.

Аҳмад ал-Фарғонийнинг “Китоб ал-ҳаракат ас-самовийа ва жавомий илм ан-нужум” (“Самовий ҳаракатлар ва умумий илми нужум китоби”) асари астрономик асар ҳисобланади. Бу асар “Астрономия асослари ҳақидаги китоб” номи билан маълум бўлиб, 1145-1175 йилларда Европада латин тилига таржима этилган. Олим “Алфраганус” номи билан Ғарбда шухрат топади. Унинг мазкур асаридан асрлар давомида Европа университетларида асосий дарслик сифатида фойдаланилган, чунки бу китоб астрономия ҳақидаги энг муҳим ва зарур бўлган билимларни ўз ичига олган эди. Аҳмад ал-Фарғонийнинг “Ердаги маълум мамлакатлар ва шаҳарларнинг номлари ва ҳар бир иклимдаги ҳодисалар ҳақида” асари ҳам машҳур. Асарда Ернинг думалоклиги, бир хил осмон ёриткичларининг турли вақтда кўтарилиши, тутилиши ва бу тутилишлар ҳар бир жойда турлича кўриниши, масофалар ўзгариши билан уларнинг кўриниши ҳам ўзгариши ҳақида қимматли фикрлар билдирилади.

Абу Райҳон Беруний. Абу Райҳон Беруний Шарқнинг энг улуғ сиймоларидан бири ҳисобланади. Унинг “Ал-осор ал-бокия ани-л-қурун ал-ҳолия” (“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”), (“Хронология”), “Қонуни Масъудий” асарларида хронология фанига оид кўплаб маълумотлар берилган.

Абу Райҳон Беруний “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида араб, эрон, сўғд, хоразм, юнон календари ҳамда асосий вақт бирликлари, турли вақт ўлчови тартиблари ҳақида батафсил маълумот берган. Олим ҳар бир халқнинг ўз тарихи борлигини таъкидлар экан, уларнинг нафақат тарихи, балки вақт ҳисоби ҳамда календарлари ҳам бир-бирдан фарқ қилишини таъкидлайди.

Абу Райҳон Беруний “Мовароуннаҳр оташпараствлари, яъни Хоразм ва Сўғд аҳолиси ишлатадиган ойлар”ни баён этади. Мовароуннаҳрликларнинг календаридаги ойлар сони ва йил узунлигига кўра, эронликлар календарига ўхшаши, фақат ойларнинг бошланиши орасида фарқ борлигини, шунингдек, хоразмликлар календаридаги ойлар ва кунлар номларини ҳам келтириб ўтади. Хоразмликлар “исфандоражий” (ўн иккинчи) ойнинг охирига қўшиладиган ортиқча беш куннинг биринчисини ойнинг биринчи куни номи билан атаб, қолган кунларга ҳам биринкетин кейинги кунлар номларини беришларини аниқлаганини таъкидлайди.

“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асаридан туркий халқлар ўн икки ҳайвон номи билан аталувчи мучал календарлари ва уларнинг номлари ҳақида ҳам маълумот олиш мумкин. Қолаверса, эронликларнинг календарларидаги ўн иккита ой номини ҳам шу асарда учратиш мумкин. Эронликлар календарларида ҳар бир ой 30 кундан ҳисобланиб, қўшимча 5 кун ўн иккинчи ой охирига қўшилган. Абу Райҳон Берунийнинг кўрсатишича, 5 кун қадимги эрон тилида “панжи”, “андаргоҳ” деб аталган. Кейинчалик бу ном арабчалашиб, “андаржоҳ” деб ўзгартирилган. Бу беш кун “Ўғирланган кун” деб ҳам аталган, улар бирор ой кунлари ҳисобланмаган. Эронликлар уларни “обонмоҳ” билан “озармоҳ” ўртасига қўйиб, ҳар бир ой кунларига берилган номлардан бошқа номлар билан атаганлар. Эрон календарларида бир йил уч юз олтмиш беш кун бўлган. Чорак кунлар бир ой бўлмагунча ҳисобга олинмаган. Бу бир юз йигирма йилда бир марта бўлган. Шунда ортикча ойни йил ойлари каторига қўшганлар ва у ўн учинчи ой бўлган. Ўша йилни кабиса йил деб, ортикча ой кунларини бошқа ойлари билан атаганлар. Абу Райҳон Берунийнинг маълумот беришича, улар дастлаб ҳафтадан фойдаланмаганлар. Олим бу ҳақда шундай маълумот беради: “Дастлаб ҳафталарни ишлатганлар Ғарб томон аҳолиси, айниқса, Шом ва унинг теваарагида яшовчилар бўлганлар. Бунга сабаб, у томонда пайғамбарлар юзага чиқиб, Тавротда айтилганидек, биринчи ҳафта ва бу ҳафтада олам пайдо бўлганидан хабар берганлар. Кейин бу одат улардан бошқа миллатларга тарқалган”.

Абу Райҳон Беруний ўз асарида Миср календарларидаги эски ва янги ой номларига ҳам тўхталиб ўтган. Мисрликлар қўшимча беш кунни “абағамно” (кичик ой), кабисали йилни эса “анкнақт” (аломат) деб атаганлар. Қўшимча кун сўнгги “мусрий” ойининг охирига қўшилган. Абу Райҳон Беруний “Шом мамлақати” (Сурия) календарларидаги ўн икки ой номлари ва тўрт йилда бир марта бешинчи (шубат) ойга бир кун қўшиб ҳисоблашлари ҳақида ёзади. Мазкур манбага кўра, “Шом мамлақати” календарларидаги ой номлари кенг тарқалган, ҳатто араблар ҳам “дала ишларига тегишли вақтларни” шу ойлари билан белгилашган.

Абу Райҳон Беруний “Қонуни Масъудий” асарида қадимги араб календарларидаги ўн икки ой номини келтиради, лекин улардан фақат иккитасининг луғавий маъносини бериб ўтади. “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”да замонавий араб календарларидаги ўн икки ой ва ҳафта кунининг номи, таърифлари ҳам келтирилади. Абу Райҳон Берунийнинг ёзишича, араблар яҳудийлардан йилга

кўшимча ой кўшишни ўрганганлар ва бу ойни “айём аннаси” деб атаганлар. Аллома ўз асарида милодий йил ҳисобига ҳам тўхталиб ўтади. У мазкур календарни “румий календари” деб атайди, бу календарга биринчи марта кабиса йилини Юлий Цезарь киритган, деб ёзади. Олим милодий йил ҳисобини қадимги халқларнинг қатор йил ҳисоблари билан қиёслайди. “Қонуни Масъудий” асарининг иккинчи китоби хронология масалаларига бағишланган бўлиб, унда “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида кўрилган масалалар тўлдирилиб, давом эттирилади. Асарда Эрон, Бобил, Рум подшоҳи ва араб халифалари ҳукмронлик қилган йилларнинг хронологик жадваллари келтирилиб, уларнинг номлари юнонча транскрипцияда берилган. Шунингдек, мазкур асарда, Яздигард, Искандар, Филипп, “Бухтунассар” (Набонассар) эрасини аниқлаш масалалари хусусида ҳам сўз боради.

“Ҳиндистон” асарида бу ўлкада яшовчи халқларнинг урф-одатлари, географияси ва у билан боғлиқ астрономияси кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, олим буржлар, ой фазаларининг ўзгариши, ҳинд эралари, Ой ва Куёш календарлари ва олтимиш йиллик Юпитер даврийлиги номларини келтириб ўтган.

Умар Хайём. Шарқнинг энг йирик расадхоналаридан бири бўлган Исфохон расадхонасини 1076 йили Умар Хайёмнинг илтимосига кўра Маликшоҳ қурдирган эди. Олим бу расадхонада олиб борилган кўп йиллик кузатишлари натижасида олим “Маликшоҳ зижи” асарини ёзади. Умар Хайёмнинг хронология фанига қўшган катта ҳиссаси календарь ислоҳотига тегишли. Маликшоҳ Умар Хайёмга йил боши – Наврўзга, баҳорги тенгкунлик билан мос тушадиган янги календарь тузишни топширади. Умар Хайём бу даврда қўллаиб келинган машхур Юлиан календарининг хатоси 128 йилда бир кунга тенг эканлиги ва бу хатони такрорламаслик учун, янги календарнинг кабиса йилларини янги комбинацияда тузишни таклиф қилади. Янги календарь лойиҳасига кўра, ҳар ўттиз уч йиллик даврнинг дастлабки йигирма саккиз йилида кабиса йиллари худди Юлиан календаридек етти кабиса йилдан, саккизинчи кабиса йили эса одатдагидек уч йилдан сўнг эмас, тўрт йилдан сўнг бешинчи йили қабул қилинадиган бўлди. Натижада, Умар Хайём тузган календарнинг йил узунлиги 365 сутка 5 соат 49 минут 5,5 секундга тенг бўлди. Айни вақтда Умар Хайём календарининг хатолиги аниқланган бўлиб, у 19,5 секундни ташкил этди. Календардаги хатолик 4500 йилдагина бир суткани ташкил қилади. Мазкур

натижа календарь канчалик мукамал тузилганлигидан далолат беради.

Умар Хайём календари Маликшоҳ томонидан 1079 йил – (ҳижрий камарий 471 йил)да қабул қилиниб, Эронда XIX асрнинг ўрталарига қадар қўлланган. Бу календарь Маликшоҳ шарафига “Жалолоий календари” ҳам деб юритилган.

Умар Хайёмнинг хронология фанига оид яна бир машҳур асари “Наврўзнома”дир. Асарда Куёш календари тарихи батафсил баён қилинади. Наврўз кунининг қандай белгилангани, байрам қандай нишонлангани тўғрисида маълумотлар келтирилиб, ой номларининг лугавий маъноси ҳам берилган.

Мирзо Улуғбек. Мирзо Улуғбек “Зижи Кўрагоний” асарида вақтни ҳисоблаш масалаларига тўхталиб ўтган. Олим йил ҳисобининг Шарк халқлари қабул қилган усулларини баён этиб, “юнон, маликий, хитой ва уйғур эралари” ҳамда улар орасидаги фарк, мазкур эралардаги байрам кунлари тўғрисида батафсил маълумот беради. Ҳижрий-камарий календардаги араб даврийлиги, йил боши ва ой чиқиши, ботишини аниқлаш жадваллари ва формулаларини кўрсатиб ўтади.

Европада Мирзо Улуғбек ва Насриддин Тусийнинг юлдузлар жадвали катологи 1648 йилда Оксфорд университети астрономи Жон Гривас томонидан нашрга тайёрланган. 1650 йилда Мирзо Улуғбек асарларининг хронологияга оид маълумотлари, Шарк халқларида йил ҳисоби, календарларга доир қисмлари нашр этилади. Мирзо Улуғбекнинг юлдузлар катологи 1665 йилда Томас Хайд томонидан лотин ва форс тилларида нашр қилинади. 1853 йилда Мирзо Улуғбекнинг бу жадвалларга берган тўлик муқаддимаси Седиллот таржимаси билан нашр этилган.

4. Метрология фанининг мақсад ва вазифалари

Метрология фан сифатида ўлчашлар, унга боғлиқ ва тегишли бўлган катор масалаларни ўз ичига олади. Метрология сўзи аслида юнончадан олинган бўлиб, ўлчаш, ўлчам, нутқ, мантиқ, илм ёки фан маъноларини билдиради. Умумий тушунчасини оладиган бўлсак, метрология - ўлчашлар ҳақидаги фан.

Инсон ақл-идроки, заковати билан ривожланаётган қайси фанни, унинг йўналишини олмайлик, албатта ўлчашларга, уларнинг турли усул ва ўзаро боғланишларига дуч келамиз. Бу ўлчаш усул ва воситалари ёрдамида уларнинг бирлигини, ягона ўлчашни талаб этилган аниқликда таъминлаш метрология фани орқалигина амалга оширилади. Шу сабабдан қайси фан, илмий йўналиш, у хох

табиий, хоҳ ижтимоий бўлсин, албатта, муайян даражада метрология билан боғлиқ. Инсон қўли етган, фаолияти доирасига кирган, аммо ўлчаш ва уларнинг воситалари ёрдамсиз ўрганилган, изланган ҳамда кўзланган мақсадларга эришиш мумкин бўлган бирорта йўналиш йўқ. Шунинг учун метрология асосларини билиш, уни ўз мутахассислиги доирасида тушуниш ва қўллаш техника ҳамда технология соҳаларидаги бакалаврият йўналишлари битирувчилари учун муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Метрология фани техника, менежмент ва маркетинг соҳалари йўналишларида бакалавр ва муҳандислар тайёрлашда ўтилиши лозим бўлган фанлардан ҳисобланади. Олий таълим андозасидан келиб чиқиб, ушбу фан талабаларда метрология асослари бўйича зарур ва етарли асосий тушунчаларни шакллантиради.

Метрология асослари фанини ўрганишдан мақсад - талабаларда халқ хўжалигининг техника-технология, менежмент ва маркетинг соҳаларидаги ишлаб чиқариш, савдо, назорат ва истеъмол билан боғлиқ бўлган турли метрологик масалалар билан шуғулланиш борасида етарли билим ва малакаларни ҳосил қилиш. Асосий вазифа эса талабаларни узлуксиз таълим тизимида метрология асослари бўйича тайёрлашдан келиб чиқади. Бунда махсус фанлар доирасида ривожланувчи ва чуқурлашувчи метрология, квалиметрия, сифатни ўлчаш бўйича фундаментал маълумотлар ўрганилади.

5. Метрология фанининг ривожланиш тарихи

Ўлчашлар ҳақидаги фаннинг тарихи минглаб йилларни ташкил этади. Ушбу ривожланиш даврини унинг мазмуни ва моҳиятига асосланган ҳолда қуйидаги босқичларга бўлиш мумкин:

1. Антик ривожланиш даври.
2. Стихияли ривожланиш даври.
3. Метрик тизимнинг жорий этилиши.
4. Метрология хизматларининг интеграциялашиш даври.
5. Мустақиллик даврида Ўзбекистонда метрология фанининг ривожланиши.

Антик ривожланиш даври. Қадим замонлардаёқ ўлчашларга эҳтиёж бўлган. “Ўлчаш” атамасини маъноси бўйича таҳлил этадиган бўлсак, қадимги даврда инсоният асосан “органолептик ўлчашлар” - ўзининг ҳис этиш аъзолари орқали муайян физикавий хосса бўйича тахминий маълумотлар олган. Бунда ҳис этиш органлари ўлчаш воситаси вазифаларини бажарган. Гарчанд бу каби ўлчашларда аниқ қиймат олинмаса ҳам, ҳар бир ўлчашда, аниқроғи, баҳолашда муайян ўлчовга нисбатан солиштириш амалга

оширилган. Дастлаб, солиштириш ўлчови моддий бўлмаган, балки инсоннинг ўз тажрибаси, заковати ва атроф муҳитни билиш даражасига қараб индивидуал тарзда белгиланган. Кейинчалик иш ва озуқа топиш қуроллари қўллана борган сари, солиштириш ўлчовлари моддийлаша борган. Инсон кундалик ҳаётида турли катталиклар: масофалар, ер майдонлари юзалари, жисмлар ўлчамлари ва массаларини, вақт жараёнининг юзага келиш сабаблари ҳамда манбаларини билмасдан, ўз сезгиси ва тажрибаси асосида ўлчай бошлаган.

Инсоният ҳаёт давомида иш қуроллари ва яшаш тарзини такомиллаштира борган. Яшаш ва меҳнат шароитларини янада қулайлаштириш ҳаракатида бўлган. Моддий бўлмаган ўлчовлар билан ишлаш ноқулайлиги, индивидуалиги туфайли, уни моддийлаштириш йўллари ахтара борган. Шу аснода турли ўлчаш бирликлари пайдо бўлган.

Энг қадимги ўлчаш бирликлари - антропометрик. У инсоннинг муайян аъзоларига мувофиқлик ёки мойилликка асосланган ҳолда келиб чиққан. Масалан, **қарич** - қўл қапти ёйилган ҳолда бош бармоқ ва жимжилоқ орасидаги масофа, **қулоч** - қўллар икки томонга ёйилганда улар орасидаги масофа, **қадам** - балоғат ёшидаги одамнинг сокин одимлашидаги юриш бирлиги, **тирсак** - қафт ва тирсак орасидаги масофа, **чақирим** - очик дала шароитида бирининг товушини иккинчиси эшита олиши мумкин бўлган масофа, **ладонь** - бош бармоқни ҳисобга олмаганда колган тўрт бармоқ кенглиги; **фут-оёқ** тагининг узунлиги; **пядь** - ёзилган бош ва кўрсаткич бармоқлар орасидаги масофа ва ҳоказолар.

Метрологиянинг тарихида бу каби бирликларни жорий этишда йирик фан ёки давлат арбобларининг антропометрик ўлчамларини асос қилиб олиш ҳоллари ҳам учрайди. Масалан, инглиз кироли Генрих I (XII асрнинг боши) ярд ўлчаш бирлигини (91,44 см.) жорий этган. Бунда намунавий ўлчов сифатида киролининг бурни учидан олдинга чўзилган қўлнинг ўртанча бармоғи учигача бўлган масофа олинган.

Антропометрик ўлчаш бирликлари билан бир вақтда табиий ўлчаш бирликлари ҳам пайдо бўла бошлаган. Бу бирликлар сифатида табиатдаги доимий, ўзгармас ҳисобланган объектларнинг хусусиятлари олинган. Масалан, турли қимматбаҳо тошларнинг ўлчов бирлиги сифатида кенг қўлланган, “нўхотча” маъносини англатувчи “**қарат**”, “буғдой дони” маъносини билдирувчи “**гран**” шулар жумласидан.

Стихияли ривожланиш даври. Метрология хизмати ва метрологик таъминот масалаларининг дастлабки куртаклари турли давлатларда турлича тарзда вужудга кела бошлаган. Масалан, рус князи Святослав Ярославич белидаги олтин камаридан узунликнинг намунавий ўлчаш воситаси сифатида фойдаланган. Тарихий маълумотларга кўра, князь даврий равишда бозор расталарини оралаб юриб, турли мато сотувчиларининг узунлик ўлчовларини камари билан таккослаб турган. Агар улар орасидаги тафовут белгиланганидан ортиб кетса, сотувчини шафқатсиз жазолаган.

Италияда ҳам бу борада муайян тартиб белгиланган (ўрта асрларда). Черков ва бутхоналарда аник сондаги марварид доналари сакланиб, улардан сочилувчан (дисперс) моддаларнинг ҳажм ва масса бирликларини ҳосил қилишда фойдаланганлар.

Марказий Осиёда ҳам ўлчовлар ва уларнинг турғунлигини саклаш, ўлчаш қоидаларига қатъий риоя этиш масалаларига жиддий эътибор берилган. Аксарият ҳолларда бунинг назорати энг юқори амалдорлар томонидан олиб борилган. Масалан, ислом таълимотида тўғри ўлчаш, яъни харидор ҳақидан уриб қолмаслик (бу ҳозирда “тарозидан уриб қолиш” дейилади) масалаларига жуда қаттиқ қаралган. Бу борада халқимиз маънавиятига сингдирилган “Харидорнинг ҳақи етти пуштингга уради”, “Тарозидан уриб қолувчининг жойи дўзахнинг энг тўрида бўлади”, “Харидор ҳақиға хиёнат қилувчи Оллоҳнинг биринчи душманларидан” каби иборалар бу таълимотнинг исботидир.

Тарихий ёзишмаларда давлатлар орасида уруш келиб чиқишида баъзан ўлчашдаги келишмовчилик ҳам сабаб бўлганлиги каби маълумотлар ҳам келтирилган.

Метрик тизимнинг жорий этилиши. Вакт ўтиши билан савдосотик ва ўзаро иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши мобайнида ўлчовларга аниклик киритиш, ўзаро солиштириш ва қиёслаш усуллари шаклланиб, ўнлаб янги ва мукамалроқ ўлчаш бирликлари ҳосил бўла бошлаган. Бу бирликларнинг ўзаро боғлиқлиги масаласи эса тобора муҳим аҳамият касб эта бошлаган. Шу боис олимлар бир асосий катталиқнинг ўлчаш бирлигини бошқа асосий катталиқнинг ўлчаш бирлиги билан боғлиқлигини таъминлаш устида бош қотира борганлар. Бунда яна бир талаб – катталиқ турли ўлчовларининг қийматлари орасидаги ўзаро боғлиқлик муайян қонуният асосида бўлишини таъминлаш лозим бўлган. Узок тадқиқотлардан сўнг олимлар қадимги Бобил давлатида

қўлланилган “ўнлик тизими”га қайтишган. Айнан шу тизим асосида метрик тизим таъсис этилган.

Метрик тизим 1875 йил 20 майда Парижда 20 мамлакат вакилларининг конференциясида қабул қилинган ва Метрик Конвенцияси номини олган. Метрик Конвенция метрология бўйича илмий фаолият кўрсатувчи биринчи халқаро келишув ҳисобланади. Конвенция метрик эталонларни сақлаш ва текшириш учун илмий муассаса сифатида ўлчов ва тарозилар халқаро бюросини ҳам таъсис этади.

Шу аснода юкоридаги талабларнинг тўлик таъминланишига эришилган, яъни катталиқнинг турли кийматлари ўзаро ўнга қаррали боғланишда бўлган бўлса, бир нечта асосий катталиқларнинг бирликлари орасида ўзаро боғланишга ҳам эришилган (Ер меридианининг қирк миллиондан бир улуши бўйича – “метр”, бир куб дециметр сувнинг температураси 4°C бўлгандаги массаси – “килограмм” ва ҳоказолар).

Фан ва техниканинг ривожланиши турли катталиқлар ўлчамларини муайян ўлчовларга қиёслаб қиритишни такозо эта бошлади. Бундай фаолият ривожланиши давомида ўлчашлар ҳақидаги фан, яъни метрология юзага келди.

Россияда ўлчовларнинг метрик тизими 1899 йил 4 июнь куни қонун билан ихтиёрий тартибда қўлланишга, мажбурий тартибда эса Россия ХКС 1918 йил 14 сентябрда чоп этилган декретига мувофиқ қўлланишга қабул қилинган.

Ўрта Осиёда ўлчовларнинг метрик тизими 1923 йил 18 апрелда Туркистон Республикаси ХКС қарори бўйича “Ўлчовлар ва тарозилар тўғрисида Низом” тасдиқланиб, ички савдони йўлга қўйиш бўйича қўмига ҳузурида ўлчовлар ва тарозиларнинг Туркистон бюроси тузилгандан сўнг бошланган.

Метрология хизматларининг интеграциялашиш даври. XX асрдаги илм-фан ва техниканинг, шу жумладан, давлатлар орасидаги иктисодий муносабатларнинг шиддатли ривожланиши метрологияга ҳам ўз таъсирини ўтказган. Бундаги асосий мақсадлардан бири - ўлчаш бирликларининг турли-туманлигига барҳам бериш, умумий қабул қилинган ўлчаш бирликларини жорий этиш, маҳсулотнинг сифатини назорат этишда умумий қоидаларни амалга ошириш ҳисобланган. Шу аснода ўтган асрнинг ўрталарида асосий иктисодий салоҳиятга эга давлатлар ўртасида СГС ва МКГСС тизимлари жорий этилди. Унинг манткий якуни сифатида 1960 йил ўлчовлар ва оғирликларнинг XI Бош конференциясида бирликларнинг ягона

халқаро бирликлар тизими (81) жорий этилди. Мамлакатимизда ушбу тизим 1982 йилнинг 1 январидан бошлаб ГОСТ 8.417-81 асосида жорий этилган.

Мустакиллик даврида Ўзбекистонда метрология фанининг ривожланиши ҳозирда метрология соҳаси тез ривожланмоқда, чунки саноатнинг ривожланиши, ҳозирги замон талабларининг бажарилиши назорат-ўлчаш асбобларига боғлиқ. Бу эса Ўзбекистон мустакилликка эришгандан сўнг яққолроқ намоён бўла бошлади. Чунки собиқ Иттифоқ даврида Ўзбекистонга асосан хом ашё етиштирувчи давлат сифатида қаралар эди. Бундан 15-20 йил муқаддам республикаимизда ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулотнинг (ЯИМ) 70-80 фоизи хом ашё (асосан қишлоқ хўжалик) маҳсулотлари бўлган бўлса, ҳозирга келиб ЯИМнинг таркибида турли хизмат турлари, истеъмолга тайёр саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ўрин олган. Республикаимиз экспорт салоҳиятининг салмоқли ортишига эришилди. Мамлакатимиз ўз автосаноатига, энергетикасига, коммуникациясига эга бўлди, халқаро стандартлаштириш ташкилотининг тўла ҳуқуқли аъзоси сифатида қабул қилинди.

Мустакиллик йилларида – қисқа давр ичида маҳсулотлар, хизматлар ва жараёнларнинг сифати ҳамда хавфсизлигини ўлчаш воситалари, ўлчаш усулиятлари, малакали мутахассислар, бир сўз билан айтганда, метрологик фаолият талабларини амалга оширадиган Метрология бўйича миллий идора сифатида дастлаб Ўзбекистон Республикаси стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш маркази – “Ўздавстандарт” (1992й.), кейин эса “Ўзстандарт” агентлиги (2002й.) ташкил этилди. Шу боис барча ўлчашлар бирлигини таъминлаш давлат тизими (ЎБТДТ) ҳам яратилди. Бу тизим миллий конунчилик талаблари билан бир қаторда Метрология бўйича халқаро ва регионал ташкилотлар тартиб-қоидалари асосида ташкил этилди.

Шундай қилиб, бошқа давлатлар билан бир қаторда ўзбек метрологияси турли тарихий тараққиёт босқичларини ўтаб, шаклланди ва ривожланмоқда. Академиклардан М.З.Хамидхонов, Д.А.Абдуллаев, Н.Р.Юсупбеков, В.Қ.Қобилов, Т.Д.Ражабов, профессорлардан О.А.Азимов, Р.К.Азимов, М.Ф.Зарипов, Ҳ.М.Фуломов, Х.З.Игамбердиев, П.Р.Исматуллаев, Б.И.Мухамедов, О.Ш.Хақимов ва кўплаб фан номзодлари, олимлар, тажрибали метрологлар ўзбек метрологиясининг ривожига катта ҳисса қўшмоқдалар.

Бу борада муҳим аҳамиятга молик ижобий янгилик сифатида республикамизда стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида миллий кадрлар тайёрлаш тизими шаклланишини айтиб ўтиш лозим. Агар собиқ Иттифок даврида мазкур соҳадаги мутахассислар Россия ўқув муассасаларида тайёрланган бўлса, эндиликда ўрта ва олий маълумотли мутахассислар маҳаллий таълим муассасаларида тайёрланмоқда. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданок ушбу масалага жиддий киришилди, 1992 йилда проф. П.Р.Исматуллаевнинг ташаббуси билан мазкур соҳада мутахассис тайёрловчи кафедра Тошкент Давлат техника университети таркибида ташкил этилди. Мазкур кафедра базасида ҳар йили стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида олий маълумотли бакалавр ва магистр академик даражасидаги ўнлаб ёш мутахассислар ҳаётга йўлланма олмақда. Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштиришнинг қарийб 40 дан зиёд йўналишлари бўйича кадрларни қайта тайёрлаш “Ўзстандарт” агентлиги қошидаги “Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш” илмий-тадқиқот институтида фаоллик билан олиб борилмоқда.

6. Ўзбекистон Республикасининг “Метрология тўғрисида”ги Қонуни

1993 йилнинг 28 декабрида Президентимиз кетма-кет учта, яъни “Стандартлаштириш тўғрисида”, “Метрология тўғрисида” ва “Махсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги Қонунлар имзоланди. Бу қонунларнинг ҳаётга тадбиқ этилиши метрология хизмати янги ривожланиш босқичига кўтарилишига асос бўлди. Шулардан бири, яъни “Метрология тўғрисида”ги Қонун республикамизда метрологиянинг ривожланиши ва метрологик таъминот масалаларини ҳал этишни янги босқичга олиб чиқди.

“Метрология тўғрисида”ги Қонун 5 бўлим, 21 моддадан иборат. Республикамизда метрология хизматини йўлга қўйиш, бунда жисмоний ва юридик шахсларнинг иштироки ҳамда функциялари, бу борадаги жавобгарликлар бўйича кенг маълумотлар берилган.

Қонунда кўрсатилганидек, ўлчаш воситаларининг давлат синовларини ўтказиш, уларнинг турларини тасдиқлаш ва давлат рўйхатиغا киритиш “Ўзстандарт” агентлиги томонидан амалга оширилади.

Қонунда яна бир давлат рўйхати белгисини қўйиш тўғрисидаги масала ҳам баён этилган. “Метрология тўғрисида”ги Қонунда

айтилишича, тасдиқланган ўлчаш воситалари ёки уларнинг фойдаланиш ҳужжатларига ишлаб чиқарувчи давлат рўйхати белгиси қўйилиши шарт.

Маълумки, ишлаб чиқаришдаги ўлчаш воситаларининг ҳолати ва уларни вақти-вақти билан қиёслашдан ўтказиб туриш ҳар доим эътиборда бўлмоғи лозим. Улар бўйича рўйхатлар тузилади ва ўлчаш воситалари туркумларининг рўйхати “Ўзстандарт” агентлиги томонидан тасдиқланади. Илмий-тадқиқотлар билан боғлиқ ўлчаш воситалари, асбоблари, қурилмалари ҳамда ўлчовлари “Метрология тўғрисида”ги Қонуннинг 17-моддаси асосида “Ўзстандарт” агентлигининг даврий равишда қиёслашдан ўтказилиб турилиши лозим бўлган ўлчаш воситалари гуруҳининг рўйхатига киритилган. Қонуннинг 7-моддасига биноан, амалий фойдаланишда бўлган ўлчаш воситалари белгиланган аниқликда ва фойдаланиш шартларига мос ҳолда, қонуний бирликлардаги ўлчаш натижалари билан таъминлашлари лозимлиги алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Савол ва топшириқлар

1. Хронология фанининг асосий мақсад ва вазифалари нима?
1. Тарихий ва астрономик хронологиянинг асосий фарқи нималарда кўринади?
2. Европада хронология фани қайси даврда вужудга келди ва ривожланиб борди?
3. Метрология фани ва унинг вазифаси нималардан иборат деб ўйлайсиз?
4. Ўзбекистон Республикасининг “Метрология тўғрисида”ги Қонуни қачон қабул қилинган?
5. Метрологиянинг ривожланиш босқичлари ҳақида нималар биласиз?
6. Ўрта Осиё олимларининг хронология ривожланишига қўшган ҳиссаси ҳақида маълумот тўпланг.

Адабиётлар

1. Бикерман Э. Хронология древнего мира. -М.: Наука. 1975.
2. Каменцева Е.И. Хронология. -М.: Высшая школа. 1967.
3. Кары-Ниязов Т.Н. Астрономическая школа Улугбека. -М.: 1950.
4. Климишин И.А. Календарь и хронология. -М.: Наука. 1990.
5. Мамадазимов М. Улугбек ва унинг расадхонаси. -Т.: Ўзбекистон. 1994.

6. Пронштейн А.П., Кияшко В.Я. Хронология. -М.: Высшая школа. 1981.
7. Рахмонкулова З. Хронология. -Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. 2006.
8. Тарихий манбашунослик муаммолари. / Республика илмий-амалий анжумани материаллари. -Т.: 2008.
9. Цыбульский В.В. Современные календари стран Ближнего и Среднего Востока: синхронистические таблицы и пояснения. -М.: Наука. 1964.
10. Қодиров А. Вақт ва календарь. -Т.: Ўзбекистон. 1977.
11. Ҳакимов М. Туркистон халқлари қўллаган таквимлар. -Т.: 1999.

VII БОБ. ДИПЛОМАТИКА

1. Дипломатика. Дипломатик ҳужжатлар тарихи

Дипломатика (юнонча “диплома” – икки букланган коғоз, ҳужжат) расмий ҳужжатларни ўрганиш ва таҳлил қилиш билан шуғулланувчи ёрдамчи тарих фани ҳисобланади.

Дипломатика – ҳуқуқий характерга эга, шу билан бирга, муаллифи ва манзил эгаси ёки контрагентлар (келишув ёки шартнома иштирокчилари), нафақат манзил эгаси, балки унга айнан ўхшаш бўлмаган контрагент, яъни битим ёки шартноманинг иккала томонлари кўрсатилган ҳужжатларнинг сакланиш тақдири ва матнни қайта тиклаш тарихи, уларнинг келиб чиқиши, шакли ва мазмуни, амал қилиш жараёнини ўрганувчи фан соҳаси.

Латин тилида “*diplomatica*” сўзи “дипломларга алоқадор, дипломларга тааллуқли” деган маънони англатган. Ушбу фаннинг номи француз монахи, олим Жан Мабильоннинг (лотин-рус одатиغا кўра, Мабильён французча Мабийон) “Дипломатикага оид (ёки дипломларга доир) нарсалар тўғридаги олти китоб” номли асаридан олинган (“*De re diplomatica libri sex*” (1681). Аслида сифат бўлган ушбу сўз кейинчалик отлашган ва мустақил тушунча - отга айланган. Бу сўз ўзининг латин тилидаги шаклини итальян, испан, португал тилларида тўлиқ саклаб қолган. Бошқа қатор тилларда эса унинг фақатгина кўшимчаси ўзгарган. Масалан, *diplomatique* (француз), *diplomats* (инглиз), *diplomatica* (румин тилида).

Дипломатика сўзини ифодалаш учун немис тилида *urkundenlehre* (ёрликлар тўғрисидаги таълимот), *urkundenforschung* (ёрликларни тадқиқ қилиш) каби атамалар қўлланади. Келтирилган сўнги атама (яъни, *diplomatica*) умумевропага хос характерга эга бўлганлиги боис немис илмий адабиётига киритилган. Атамаларни ишлатиш жараёнидаги ўхшашликни венгер тилида кузатиш мумкин. Бунга умумевропага хос бўлган дипломатика атамаси билан бир қаторда махсус “*okleveltan*” (дипломлар ҳақидаги бўлим) сўзи ишлатилади.

Славян тилларида эса ушбу атаманинг латин тилидаги ёки унга яқин бўлган шакллари тарқалган.

Асл ва калбаки ёрликларни бир-биридан фарклашдаги амалий заруриятдан келиб чиқиб, дипломатика ўрта асрлар даврида ва янги даврнинг бошида асосий эътиборни қирол ҳамда император ёрликларини ўрганишга қаратди. Бу ёрликлар, асосан, йирик заминдор ва олий рухонийларнинг ерга бўлганд ҳуқуқи ҳамда дахлсизлик ҳуқуқларини мустаҳкамлаган. Дипломатикада нафақат

дунёвий ҳокимият тарафдорларининг шахсидан келиб чиққан ҳужжатлар, балки папа (Рим папаси) маъмуриятининг ёрликлари ҳам ушбу фаннинг ўрганиш объектига айланди. XIX-XX асрларда, шунингдек, дипломатиканинг шахсий, яъни давлат ишларига алоқадор бўлган актларни ўрганиш соҳаси ҳам ривожланди.

Юнон тилида диплом сўзи (“диплоо”- букламоқ, икки катламоқ) милодий I-II асрларда Плутарх (40-120 йиллар) томонидан ҳужжатларни таърифлаш мақсадида фойдаланилган. Эҳтимол, ушбу сўзнинг истеъмолга киритилиши латин тилининг таъсири билан боғлиқ. Диплома атамаси латин тилида эрамиздан аввалги I асрларда маҳаллийлашган ва хилма-хил кўринишдаги ҳужжатлардан бошқа нарсани англатмаган. Цицерон (эр. авв. 106-143 йиллар) куйидагиларни диплом деб атайтиди:

1. Марказий ҳокимият томонидан топширик билан чекка вилоятларга юборилган кишиларга бериладиган расмий тавсиянома.

2. Афв қилиш тўғрисидаги ёрлик.

Сенека (эр. авв. 55-милодий 39 йиллар), Тацит (милодий 55-120 йиллар) ва Кичик Плиний диплом сўзи остида сафар ёрлигини, Сенека ва Светоний (75-160 йиллар) дахлсизлик ёрлигини тушунишган. Светоний яна дипломни – Рим фукаролигига қабул қилиш тўғрисидаги ёрлик деб тушунган. Кейинчалик Макробий (IV-V асрлар) хат ва ёзишмаларни диплом деб атайтиди.

Рим дипломларининг бир тури ҳарбий дипломлар деб номланади. Унинг намуналари бизгача сакланиб қолган. Мазкур дипломлар ҳарбийларга узоқ муддат хизмат қилганлиги учун Рим фукаролигига ўтиш ва қонуний никоҳланиш ҳуқуқини берган. Эҳтимол, Светоний Рим фукаролигини тақдим этувчи дипломлар ҳақида гапира туриб, ҳарбий дипломларни назарда тутган бўлиши мумкин. Ҳарбий дипломлар, одатда, симлар билан бириктирилган икки бронзадан ясалган тасма (пластинка)дан иборат бўлган. Шундан уларнинг номи *diploma*, яъни “икки букланган” деган маънони билдиради.

Ҳарбий дипломлар 52-йилдан 301-305 йилларгача бўлган ораликда муомалада бўлган. 1880 йилларда 70 та шундай дипломлар нашр этилган. XIX аср охирида бу рақам 81 тага ошган, 1955 йилда эса 189 тага етган. Ҳарбий дипломлар Рим кўшини ёрдамчи қисмларининг тарихи билан алоқадорликда ўрганилган, негаки, улар айнан ушбу бўлинмаларнинг аскарлари ва фахрийларига ҳамда флот денгизчиларига берилган. Аскарлар эса, ўз навбатида, Римнинг чекка вилоятларида яшаган, асосийси улар Рим фукаролиги ҳуқуқига эга

бўлмаган. Халк орасидан тўпланган ёрдамчи қўшин ва флот аскарлари ҳамда фахрийлари кўп йиллик фидойи хизматлари учун мукофот сифатида ушбу ҳуқуқларга эга бўлишган.

Дипломлар алоҳида аскарлар ва уларнинг оилаларига тааллуқли эди. Бу дипломлар бир умр хизматда қолган ёки муайян қўшин бўлинмасидан истеъфога чиққан аскарларнинг гуруҳига, император томонидан тақдим этиладиган имтиёз асосида берилган (*dimissi honesta missione*). Бундан кейингилари эса умумий имтиёзда қандай бўлса, аниқ бир кишига бериладиган алоҳида дипломда ҳам шундай санаб ўтилади. Умумий имтиёз бронзадан ясалган тахтачага ўйиб ёзилган ва қонун асосида расмийлаштирилган. Ушбу тахтача оммага кўрсатиш учун Рим Капитолийнинг бир жойига, дастлаб Юлий вазлининг меҳробига, 93 йилдан эса доимий равишда Минерва шободатхонаси ортидаги деворга ўрнатилган. Диплом матнида қонунда белгирилган матн тўлиғича такрорланган, унинг охирида мазкур фахрийнинг исм-шарифи кўрсатилган.

Диплом матнининг бошланишида императорнинг макоми ва олий давлат амалдорларининг мавқеи бирма-бир кўрсатилган. Шунинг учун кейинроқ император ва қироллар номидан берилган тантанавор актлар “дипломлар” билан биргаликда тушуниладиган бўлган, яъни қўшиб юборилган. Матн бронзадан ясалган ҳамда бирлаштирилган тасмаларнинг ички ва ташқи томонларида жойлаштирилган, шу билан ташқи ва ички тарафларнинг матнлари бир-бирига ўхшаш бўлган. Дипломлар 7 гувоҳнинг муҳри билан тасдиқланган. Муҳрлар тасмалардаги махсус тешиқлар орқали ўтказилган сим ёрдамида мустаҳкамланган. Кўп дипломларнинг мазкур муҳрлари сақланиб қолмаган. Рим дипломлари иш юритиш ҳужжатларидан ёзиш учун ишлатиладиган материал воситасида фарқланган. Чунки Рим дипломлари, юқорида айтилганидек, бронзадан ясалган тахтачаларга ёзилган. Римда иш юритиш ҳужжатлари, қвитанциялар, ҳисоб қоғозлари, тижорат шартномалари, ижарага оид битим каби ҳужжатлар папирус пўстлоғи ёки ёғочдан ясалган, устига мум суртилган жадвал устунларига ёзилган. Одатда, икки ёки ундан ортиқ ёғочдан ясалган жадваллар четидан тешилган ва тешиқлар орасидан ўтказилган боғич ёрдамида бириктирилган.

Агар дипломлар оммавий-ҳуқуқий ҳужжатлар бўлса (улар ҳокимият органларидан келиб чиққан ҳолда тузилган), мум қопланган ёзувли жадвал устунчалар шахсий ҳуқуқий асосга эга эди. Мазкур икки гуруҳларда қўлланиладиган ёзув материалининг фарқи шу билан изоҳланади. Мум жадвал устунлар кўп маротаба фойдаланиш учун

мўлжалланган. Металлдан ясалган дипломлардаги матнни ўзгартириш мумкин бўлмаган. Хукумат қарорлари ва буйруқларини мустаҳкамлашнинг бундай усули расмий ҳужжатларни калбакиларидан сақловчи, уларга тантанаворлик бахш этувчи, юридик кучини узок муддат сақлашга имкон берувчи усул сифатида қаралган.

Янги даврда дипломлар маълум шахсга тантанали равишда тақдим этиладиган унвон ва мансабни мустаҳкамлайдиган ҳужжат ҳисобланган. Бронза жадваллар шакли ўтмишда қолиб кетди. Олий ҳокимият вакилларининг ёрликлари янгидан ташкил топган Европанинг “варвар” давлатларида папирус ва пергамент, яъни теридан ишланган юпка матоларга ёзилган, улар очик варақ ҳолида бўлган, фақатгина XIII-XIV асрларда диплом деб аталган ёпик хатлар пайдо бўлди. Аммо улар шакли ва ёзув материалига кўра камдан-кам ҳолларда Рим дипломларини эслатган.

Рим дипломларининг мазмуни расмий ҳужжатлар каби сўнги ўрта асрлар адабиёти ва илм-фанида ушбу атаманинг қўлланилишидаги ўзига хосликка сабаб бўлди. Фанда Рим таъсири шу билан ифодаланадигани, қирол ва император ёрлиги категориялари “диплом” деб атала бошлади. Улар дабдабали шаклга эга, жисмоний ва юридик шахсларнинг муайян имтиёзи ва устунликлари аниқ белгилаб қўйилган. Бельгия тарихчиси Бонанфаннинг фикрича, қирол ҳокимияти актларини диплом деб аташ мумкин. Чунки бу актлар ўз эгасига бир жойдан иккинчи жойга божхона тўсикларисиз ўтиш, дахлсизлик ҳуқуқи билан боғлиқ имтиёзларни тақдим қилган. Шунингдек, у черковнинг бошқарув ва тартибга солишга доир ёрликларни ҳам дипломлар деб ҳисобланган. Масалан, ушбу ёрликларнинг бирида пала томонидан бирор кишининг черковдан четлатиш тўғрисидаги буйруғига епископ ўз розилигини берган.

Янги даврда муайян унвон ёки мақомдаги кишига тантанали шаклда тақдим этувчи расмий ҳужжатлар “диплом” номини олди. Натижада “диплом” сўзи лотинча атама бўлишдан тўхтади. У Европа тиллари сўз бойлигини тўлдириб, уларнинг миллий тиллари таркибига кирди. XVIII асрда французча тузилиш “diplome” ёрликни аниқлатган.

Бошланғич инвокация ва концелларияни эслатиб ўтиш дипломларда узайтирилган ёки бўрттирилган ҳарфлар билан ёзилган. XIV аср бошида Францияда дипломлар топширилмай қўйди. Ёрликлар дипломлардан бошланғич инвокация, монограмма ва асосий мансабдор шахслар рўйхатининг йўқлиги билан фарқ қилади. Булар

бошка кироллик актларида ҳам йўқ. Уларнинг ҳаммаси хужжат тузилаётган шахснинг мақоми ва исм-шарифидан бошланади.

Янги даврда эса хужжатлар дипломлар каби ҳашамдор қилиб пергаментга ёзилган. XVIII асрда диплом атамаси муайян фахрий унвон ва мансабни тақдим этувчи ёрлик маъносида ишлатилган. Шунингдек, кўпгина Европа мамлакатларида олий ўқув юртларида топшириладиган хужжатлар диплом деб атала бошлади. Бу дипломлар бакалавр, доктор, кейинчалик муҳандис каби илмий унвон ва даражаларни белгилаб берган. XIX асрнинг иккинчи ярмидан диплом сўзи фуқаролик ҳуқуқига эга бўлди ва дипломдан келиб чиққан сифат маъносида ишлатила бошлади.

XVIII асрда латинча “diplomaticus” сўздан таржима қилинган француз тилида сифат бўлган “diplomatique” сўзи ҳосил бўлди. У қуйидаги маъноларга эга эди:

1. Диплом ва ёрликларга оид (1708 йил).
2. Шартномага оид (1726 йил).

Россияда дипломлар граф ва баронлар кадр-кимматини ошириш мақсадида XVIII асрнинг бошида киритилган. 60-йиллар биринчи ярмидан янги таъсис этилган дворянлик мартабасига диплом бериш бошланган. 70-йилларнинг бошидан эса эски дворянликни тасдиқловчи дипломлар берилди бошланди. Павел I замонидан мансабига кўра дворянлик даражасига кўтарилиш дипломлари берилган.

Александр I даврида дворянлик дипломларини тайёрлаш, уларга адлия вазирлиги томонидан қонуний тус бериш ва император томонидан имзолаш каби тартиблар белгиланган фармон ҳамда кўрсатмалар пайдо бўлди. 1852 йилда янгидан Геральдия департаменти томонидан дворянликка тақдим этиладиган дипломлардан олинадиган ўлпонлар микдори кўрсатилган. 1867 йилдан обрў, мансаб ва мулкка бериладиган дипломлардан (ёрликлардан) солиқ олина бошлади. XVIII аср 60-йиллари бошида Россияда Бадиий академиянинг илмий даражаларига тақдим этиладиган дипломлар таъсис этилди. XIX асрнинг ярмига келиб тиббиёт соҳасидаги унвонларга бериладиган университет дипломлари учун солиқларни олиб ташлашни назарда тутувчи фармон ва қонун хужжатлари қабул қилинди.

Бизнинг давримизга келиб, олий ўқув юртини тамомлаган, илмий даражани тасдиқловчи, шунингдек, ишлаб чиқариш ёки жамоат фаолиятининг муайян соҳасида, спортда эришган ютуқлари ва

буюк хизматлари қайд этилган ҳужжатлар диплом деб аталадиган бўлди.

Дипломатика – тор маънодаги дипломлар ҳақидаги фан эмас, балки кенг миқёсда ҳужжатлар тўғрисидаги фан.

2. Дипломатика фанининг объекти ва предмети

Дипломатиканинг объекти гоҳ “ҳужжатлар”, гоҳида эса “актлар” ҳисобланади. Зеро, ушбу икки тушунчанинг мазмунини аниқлаш ёки таърифлашда келишмовчилик кузатилади. Ҳужжатларга уларнинг остида онгли равишда бириктирилган маълумотни олиб юрувчи моддий объектлар тушунилади. Унинг таркибига қуйидагилар киради:

1) Ҳар қандай материалдаги ва ҳар қандай белгили тизимга эга бўлган ёзув ва тасвирий манбалар;

2) Инсон томонидан яратилган, ўзида ёзув ва сурат ҳолидаги муайян маълумотни ифодаловчи моддий ёдгорликлар (иморат ва иншоотлар, механизмлар, идиш-товок, курол-яроғ);

3) Ёзиш учун ишлов берилмаган ва инсон томонидан туширилган расм ва белгиларга эга бўлган махсус табиий объектлар (тошлар, ёғочлар).

Сўнги икки гуруҳ объектлари маълумот ташувчи функция воситасида келиб чиқмаган. Ушбу функция ҳужжат юритиш амалиётида ҳужжатнинг асосий ва умумий функцияси деб тан олинади. Уларда маълумотнинг сақланишига, ўзи ташиб юришига доир функция гоҳ ёрдамчи функция (инсон томонидан яратилган барча нарса - буюмларда), баъзан кейинчалик қўшилган функция (табиат предметларида) дейилади. Ҳар қандай ҳолатда ҳужжат сифатида фақат маълумотни тўлиғича сақлаш ва ташиш функциясини бажариш учун мўлжалланмаган ушбу предметларнинг юза қисми, сиртини кўриб чиқиш мумкин.

“Ҳужжат” тушунчаси мазмунининг ҳаддан ортик кенгайиши асосида “манба ёки тарихий манба” тушунчасига яқинлашуви мавжуд. Ҳужжатшунослар барча манбаларни икки гуруҳга бўлади: а) олдиндан мўлжалланиб, амалга оширилган; б) олдин мўлжалланган маълумотларга эга бўлмаган манбалар (инсон қўли билан ясалган ва ясалмаган ёзувсиз расм, тасвирларсиз предметлар).

Шу билан бирга, манба маълумотни жамлаганлиги унинг хусусиятидир. Маълумотни жамлаш учун мўлжалланган манбалар уларни етказиш ва узатиш сабабидан яратилмайди, балки муайян маълумотни етказиш воситасида таъсир ўтказишнинг маълум функциясини бажариш учун яратилади. Ўзида маълумотни амалга

оширишни мақсад қилган тарихий манбалар, энг аввало, манбаларнинг келиб чикиши фақат ижтимоий таҳлил оламида тушунилган бўлиши мумкин.

3. Расмий ёзишмалар (дипломатика)га доир манбалар
“Мактуботи Темурия” – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти кўлғзмалар фондида сақланаётган, 191 ғаракли ХҮI асрда китобат қилинган мактублар мажмуаси.

Эронлик олим Абулхусайн Навоий мазкур мажмуага Эрон, Туркия, Озарбайжон ва Форс ҳукмдорларининг хатларини ҳам қўшиб, 1991 йили “Иснод ва мактуботи тарихи Эрон” (“аз Темур то шох Исмоил”) номи билан нашр этган. Мазкур тўпламга Амир Темур ва темурийлар (Шоҳрух, Султон Хусайн ва бошқалар)нинг Форс, Озарбайжон, Ироқ ва Туркия ҳукмдорлари билан ёзишмалари жамланган.

Бу ёзишмалар Амир Темур ва темурийларнинг мазкур мамлакатлар билан бўлган сиёсий муносабатлари тарихини ўрганишга, хусусан, Амир Темурнинг 1381-1404 йиллари Эрон, Ироқ, Озарбайжон, Сурия ва Туркия устига қилган ҳарбий юришларининг сабоқларини тўғри англашга ёрдам беради.

Мазкур тўплам Ҳайдар ва Эр ўғлининг “Мажмуайи муншаот”, хожа Шаҳобиддин Абдулла Марвариднинг “Муншаот”, Фрудунбекнинг “Муншаоти Фрудунбек” асарларига ҳам асосланган.

“Мактуботи Темурия” хуросонлик машҳур шайх, Амир Темурнинг пирларидан бири Зайниддин Абубакр Тайбодий (1395 йили вафот этган)нинг ўз муриди амир Темурга йўллаган тарихий мактуби билан бошланади. Амир Темур бу мактубни “Темур тузуклари”нинг “Тадбирлар ва кенгашлар” деб аталган биринчи мақоласида келтирган.

“Мактуботи Алломий” – “Мактуботи Абулфазл” “Иншойи Абулфазл” (“Абулфазл (Алломи) тарафидан битилган (ва кўчирилган) мактублар”) деб ҳам аталади. Мактубларнинг асосий қисми Бобурийлар салтанати (1526-1858й.)нинг атоқли подшоҳларидан Жалолиддин Акбар (1556-1605й.) номидан, бир қисми вазир ва йирик тарихчи олим Абулфазл ибн Муборак Алломийнинг шахсий мактубларидан иборат. Тўплам уч қисмга бўлинган. Ундан бизга учдан икки қисми, яъни иккита дафтари етиб келган, холос. Уни Алломийнинг қариндоши Абдусамад ибн Афзал Муҳаммад тузган.

“Мактуботи Алломий”да 1586-1596 йилларда Бухоро ва Балх хонликлари билан Бобурийлар давлати (Ҳиндистон) ўртасидаги сиёсий муносабатлар ҳақида кимматли маълумотларни учратамиз.

“Мактуботи Абулфазл” мажмуасининг бир қўлёзма нусхаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти хазинасида сақланади.

“Мураккаъий Мир Алишер” ёки “Мажмуъийи муросилот” (“Мактублар тўплами”) ўз даврининг нуфузли рухонийлари – Абдурахмон Жомий (1414-1492), хожа Убайдулла Аҳрор (1404-1492), хожа Аҳрорнинг ўғли хожа Муҳаммад Яҳё (1500 йили ўлдирилган), хожа Аҳрорнинг сафдоши ва куёви Мир Абдулаввал Нишопурий (1495 йили вафот этган) ва бошқаларнинг Султон Абу Саид Мирзо (1451-1469), Султон Ҳусайн Мирзо ва Алишер Навоийга йўллаган мактубларини ўз ичига олади.

Ушбу тўплам Алишер Навоий томонидан тузилгани учун “Мураккаъий Мир Алишер” ёки “Навоий альбоми” номи билан ҳам аталади. Тўплам XIX асрнинг йирик зиёлиларидан бири Бухоро козиқалони Шарийжон Махдум садри Зиё кутубхонасида сақланган, ундан Алишер Навоий номидаги Халқ кутубхонасининг Шарқ қўлёзмалари бўлимига, сўнгра – 1943 йили Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондига ўтказилган.

Тўпламда Абдурахмон Жомийнинг 334 та хати бўлиб, улар шахсий мазмунда, асосан, турли илтимослардан иборат. Унда солиқ ва жарималарнинг оғирлиги, солиқ йиғувчиларнинг зулми, Темурийзодаларнинг ўзаро низоси туфайли мамлакат ва халқ аҳволининг оғирлашгани, шунингдек, мадраса талабаларига ёрдам бериш тўғрисида Алишер Навоий, Султон Ҳусайнга ёзилган илтимосномалар ўрин олган.

Хожа Аҳрор мактублари эса 128 та бўлиб, улар мазмунан Абдурахмон Жомий хатларига ўхшаш. Уларда XV аср иккинчи ярми Мовароуннаҳр ва Хуросондаги ижтимоий-сиёсий аҳвол, Самарқанд ҳокими Султон Абу Саид Мирзо (1451-1469) ва Хуросон подшохи (1469-1506) ўртасидаги ўзаро муносабатлар, солиқ ва жарималар, хусусан, тамга солигининг оғирлиги, имкони бўлса, уни бекор қилиш масалалари ўрин олган.

Саййид Амир Ҳайдар Баходирхон мактублари ёки “Мажмуъийи мактуботи Саййид Амир Ҳайдар Баходирхон” номли тўпламда Манғитлар сулоласи (1753-1920й.)нинг йирик намоёндаларидан бири Амир Ҳайдар (1800-1826й.)нинг яқин

амирларидан бири Муҳаммад Инокка (кейинча олий қушбеги) йўллаган турли масалаларга доир муборакномалари (бирон мансабга тайинланиши ёки зафар қучганлигини табриклар юбориладиган мактуб), иноятномалари (бирон мулк бериш ёки мансабга кўтариш) ва 1814-1824 йилларда ёзилган 900 га яқин мактублар жамланган. У 464 варақдан иборат бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида сақланмоқда. XIX асрнинг биринчи ярмида кўчирилиб, китоб ҳолига келтирилган.

Мактубларда Бухоро амирининг маъмурий-хўжалик фаолияти, шунингдек, унинг даврида амалда бўлган қонун-қоидалар, ер эгаллигининг турлари, суюрғол, танҳо, мулки хуррий ходис ҳамда солиқлар-хирож, закот, ушрлар ҳақида муҳим маълумотлар берилган.

Савол ва топшириқлар

1. Дипломатик ҳужжатларга нималар киради?
2. Дипломатика фани қачон шаклланди?
3. Амир Темури ва темурийларнинг бошқа мамлакатлар билан бўлган сиёсий муносабатлари тарихини ўрганишда қайси асар муҳим ўрин эгаллайди?
4. Саййид Амир Ҳайдар мактубларида нималар жамланган?
5. Тарихий адабиётлар ҳамда ЎзР МДА жамғармаларидан дипломатик ёзишмаларга доир маълумотлар тўпланг.

Адабиётлар

1. Ардашев Н.Н. Дипломатика. Лекции, читанные в 1907-1908 учебном году в Московском Археологическом институте. -СПб.: 1911.
2. Белецкий С.В., Дмитриева З.В. и др. Специальные исторические дисциплины: Учеб. пособие. -СПб.: 2003.
3. Каштанов С.М. Дипломатика как специальная историческая дисциплина // Вопросы истории. 1965, №1.
4. Каштанов С.М. Предмет, задачи и методы дипломатики / Источниковедение. Теоритические и методические проблемы. -М.: 1969.
5. Каштанов С.М. Очерки русской дипломатики. -М.: Наука. 1970.
6. Митяев К.Г. Документоведение, его задачи и перспективы развития // Вопросы архивоведения. 1964, №2.
7. Тарихий манбашунослик. / Ўқув қўлланма. Тузувчилар А.А. Мадраимов, Г.С. Фузаилова. -Т.: Фан. 2006.
8. Тарихий манбашунослик муаммолари. / Республика илмий-амалий анжумани материаллари. -Т., 2008.

VIII БОБ. ГЕРАЛЬДИКА ВА СФРАГИСТИКА

1. Геральдиканинг тарихий фанларни ўрганишдаги амалий аҳамияти

Heraldica – геральдика ва геральд сўзининг келиб чиқиши латин тилида бир неча хил маънони билдиради (лотинча - жарчи, геральд), биринчидан геральдика, герблар ва у ҳақдаги маълумотларни ўрганади. Геральдика XIX асрнинг иккинчи ярмида гербларни ўрганувчи ёрдамчи тарих фани сифатида шаклланган. Дастлаб XIII-XIX асрнинг биринчи ярмигача дворян, цех ва ер мулкларининг гербларини тузиш билан геральдлар шуғулланган (геральдика атамаси шундан олинган). XIV асрдан бошлаб гербчилар устахоналари ташкил этилган, унда мураккаб ва рангли герблар яратилган. Кейинчалик уйлар, тарихий ёдгорликлар, давлат байроқлари, пуллар ва ҳарбий қуролларга герб суратларини тушириш расм бўлган.

Геральдика моддий маданият ёдгорликлари ҳамда гербли ва рамзли ёзма манбаларни ўрганади, миллий анъаналар, ижтимоий хусусиятлар, мамлакатлараро иқтисодий ва маданий алоқаларни ўрганишда ёрдам беради.

Маълумки, тарихчи, архившунос ўз изланишларида турли тасвир, белги, гербларга дуч келади. Гербларни ёки унинг алоҳида элементларини қўлёзма, китоб, танга, муҳр, қурол, жиҳоз, кийим, меъморчилик ёдгорликлари ва бошқаларда кўриш мумкин.

Герб ва геральдик манбаларни ўрганаётганда баъзи муаммолар вужудга келиши мумкин. Геральдика билан таниш бўлмаган тарихчи учун герб жумбоқлигича қолади. Тадқиқотчи гербда ёзилган ёки ундаги тасвирларни тўғри ўқиганда ҳам, гербда битилган барча маълумотларни аниқ баҳолай олмайди. Масалан, у бошқа герблар билан қанчалик мос келиши, ўз даврида қандай аҳамиятга эга бўлгани, муайян буюмга боғлиқлиги каби саволларга тарихчи геральдик билимларисиз жавоб тополмайди. Масалан: музейларда моддий манбалар билан ишловчи тарихчилар учун геральдика хронологик, бир неча мамлакатга тааллуқли, манбанинг ажралмас хусусиятларини очиб беришда жуда қимматли кўмак беради.

Аммо геральдика ёрдамчи тарихий фан сифатида фақатгина дипломатика, сфрагистика, нумизматика каби фанлар эмас, балки бошқа геральдик маълумотлар рўйхатини ўрганиш учун ҳам зарур. Зеро, герблар ўзига хос манба бўлиб ҳисобланади. Геральдик маълумотлардан аждодларимизнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётини, турмуш маданияти ва санъатини ўрганишга, давлатлар ва сулолалар

тарихини ойдинлаштиришга хизмат қилувчи манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Геральдик тадқиқотлар олиб боришда дастлаб ундаги ёзувларни ўқиш, уларни туркумлаштириш, хусусиятларига оид қизиқарли белгиларга эътибор қаратиш ва унинг хронологик даврини аниқлаш каби ишлар амалга оширилади. Геральдика, ўз навбатида, икки гуруҳга: назарий ва формал геральдикага бўлиниб, улар гербларни геральд терминлогик жиҳатдан ва бошқа давлатлар герблари элементларини таҳлил ва тадқиқ этиш орқали ўрганади.

Назарий геральдика герблар яратишнинг назарий-усулий масалаларини, формал геральдика эса гербнинг тасвири ва унинг таркибини ўрганади.

Герб тасвири тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган турларга ажратилади. Тўлиқ бўлган герблар таркиби қалқон, дубулға, дубулға эмблемаси, қалқон ушловчи, ҳукмдорнинг шиори (асосий ғояси) кабилардан ташкил топиши лозим. Гербни яратишнинг асосий принципи – герб ўзига хос бўлиб, ўз ҳукмдорининг оилада, жамиятдаги хусусиятларини кўрсатиб бериши лозим. Герблар антик даврларда пайдо бўлган. Шумер давлатининг гербида шер бошли бургут, Қадимги Рим давлати гербида бургут тасвирланган.

Амир Темур давлатининг ҳам герби бўлган. Бу гербда 3 халқа тасвири бўлиб, бу Соҳибқироннинг 3 иқлим – Шимол, Жануб ва Ғарбда ҳукмрон эканига ишора.

Ўрта асрларда кўпгина шахарлар ўз гербига эга бўлган. Венеция гербида қанотли шер тасвирланган.

2. Геральдиканинг пайдо бўлиши ва ривожланиши

Геральдиканинг ривожланиш санаси аниқ эмас, гербларнинг келиб чиқишида ҳам худди шундай ноаниқ фикрлар мавжуд. Айрим олимларнинг тахминича, геральдика қалқонларнинг вужудга келиши билан боғлиқ. Бу фикрни қадимдан қалқонларда муайян белгиларни акс эттириб, жангларда фойдаланиш жараёни билан боғлаш мумкин. Турли кўринишдаги қалқонларнинг шаклланиши ва ривожланиши феодализм давригача юз беради. Илк бор қалқонларда герблардан турли мақсадда фойдаланишган бўлса, сўнгра гербларга шажаралар рамзлари киритилган.

Қалқонда бирор тасвир туширилган бўлса, у герб бўлмайди, унда ижтимоий-ҳуқуқий алоқаларга оид рамзлар акс этмаган бўлса, у ҳолда оддий рамз бўлиб қолади.

Ўрта асрларда Европада геральдлар герб тасвирлари маъносини қадимги даврдан қидиришган. Масалан, Геракл, Александр

Македонский, Қирол Артур ва бошқаларнинг махсус рамзлари, яъни герблари мавжуд бўлиб, уларда ҳукмдорларнинг хусусиятли жиҳатлари тасвирлар оркали акс этилган.

Тарихчилар геральдикани XI аср охирларида пайдо бўлган, деб ҳисоблашади. Дастлаб геральдик тасвирлар Англия, Франция, Нормандия рицарларининг қалқонларида акс этган.

XIII асрга келиб герблар сони ўсиб боради, уларда катта қасрлар акс эттирила бошланади. Герблар кейинчалик фақатгина қалқонларда акс эттирилмасдан, рицарлар уст-бошлари юқори қисми ва отлари ёлларида ҳам пайдо бўлди.

Феодал муносабатларининг шаклланиши натижасида герблар маълум мавкега эга шахсларга ҳам тегишли бўлган. Герб ўрта асрларда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилган, ҳуқуқий келишмовчиликларда далил сифатида ҳам фойдаланилган. Зеро, бунга оид тортишувлар ҳужжатларда кам қайд этилган. Масалан, 1300 йилда Германия ва Италия рицарлари ўртасида ёки 3 та инглиз рицарларининг 1 та гербга даъвогарлик қилиб тортишганлари итальян ҳуқуқшуноси Бартоло ди Сассофератонинг “Белгилар ва герблар ҳақида” (“De insigniis et armis”) номли асарида ёзилган.

1300 йилда ёзилган муаллифи номаълум бўлган “De Heraldie” асари ҳам Ғарбий Европадаги герблар ҳақида маълумот берувчи манба ҳисобланади. Испанияда дон Хуан Мануэлнинг “Граф Луканор китоби” асарида кўпгина герблар ҳақида маълумотлар жамланган. XV аср ўрталаридан геральдик масалалар кўпгина ёзувчиларнинг диққат-марказида бўлган ва талай асарлар ёзиб қолдирилган. Матвей Парижскийнинг XIII асрга тегишли асарида 75 та герб қалқонлари тасвирланган. Асар ҳозирда Лондондаги Британия музейида сақланади. Ҳозирги кунгача XV асрда мавжуд бўлган 350 та герб комплекслари етиб келган. XVI асрга келиб гербшунослар бутун кироликдаги герблар ҳақида маълумот тўплаш ишларини амалга оширадилар. Бунга Наварра киролиги гербларига доир китобни мисол келтириш мумкин.

Европада рицарлик турнирларида герблар ёйиб кўйилган ва экспертиза қилинган. Рус гербшуноси Ю.В.Арсеньевнинг фикрича, фақатгина қалқон билан иш битмаган, балки XIV-XV асрлардаги француз ва немис миниатюраларига кўра, қуроқбардорлар томонидан дубулға, қалқон ва дубулғадаги кичик эмблемалар тасвирлари ва бошқалар каттиқ текширилган. Мақсад шаҳарда яшамайдиган шахсларнинг байрамда ноқонуний йўл билан иштирок этмаслигининг олдини олиш бўлган. Агарда бундай ҳолат аниқланса, герблар

мусодара килинган. Геральдик тасвирлар рицарларнинг факатгина дубулга ва қалқонларида акс этган бўлса, кейинчалик қуроллар ва бошқа ҳарбий иншоотларда ҳам пайдо бўла бошлаган.

Европада герб жазолари мавжуд бўлган, масалан, жинойт содир этган рицарни жазолаш мақсадида уни боғлаб, қаршисида унга тегишли бўлган қалқон гербини осиб қўйишган. Геральд унга қилинган ҳукмини ўқиган, сўнгра уни баланд овозда кайтаришган. Кейин рицарни бирма-бир барча қурол-аслаҳаларидан маҳрум қилиб, уларни болға билан бузиб ташлашган ёки тозалаб бўлмайдиган бўёқ билан бўяб ташлашган. Унинг гербини фарзандлари ва яқинлари ишлатиши тақиқланган, рицарни қироллик судига топширишган.

Герблар тасвири ҳар доим ҳам бир хил бўлмаган, муайян сулола ёки саройнинг вакили эканлигини аңлатган ва ҳукмронлик белгиси сифатида хизмат қилган. XIII-XIV асрларга келиб Ғарбий Европада ҳар бир шаҳар ва шаҳар уюшмаларининг алоҳида, мустақил герблари ҳам пайдо бўла бошлаган.

Ҳар бир шаҳарлик ўз шаҳридаги цех, сеньорлар гербларини билган. Черковларга кириб герб тасвирларини тобутлар, шифт ёки ерга ётқизилган плиталарда қўриш мумкин эди.

Археологик казишмалар Ўзбекистонда ҳам қадимдан муҳрлар, танга ва буюмларга шаҳар, давлат, уруғ ёки хунармандчилик уюшмаларининг герб суратларини тушириш кенг тарқалганини кўрсатади. Улар аждодларимизнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётини, турмуш маданияти ва санъатини ўрганишга, давлатлар ва сулолалар тарихини ўрганишда хизмат қилувчи манбалардир. Геральдика генеалогия, нумизматика, палеография ва сфрагистика каби фанлар билан алоқадор бўлиб, унинг маълумотлари тарих фанининг бошқа соҳаларида ҳам қўлланилади.

Ҳозирда давлат герби давлат рамзларидан бири ҳисобланади. Унда давлатнинг миллий-сиёсий, иқтисодий хусусиятлари, ижтимоий-иқтисодий ва давлат тузуми, географик ва бошқа белгилари ўз ифодасини топади. Герб давлат байроқларида, муҳрлар, расмий бланкалар, муҳим ҳужжат, пул, давлат заёмлари ва бошқаларда тасвирланади. Давлат герби мазмуни Конституция ёки махсус қонун билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири “Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисидаги”ги Қонун (1992 йил 2 июль) билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби қуйидаги кўринишга эга: тоғлар, сувлар ва сўл томони буғдой бошқоқларидан, ўнг томон чаноклари очилган ғўза шоҳларидан иборат

чамбарга ўралган гуллаган водий ўзра куёш заррин нурларини сочиб турибди. Гербнинг юкори қисмида республика хурлигининг рамзи сифатида 8 бурчак тасвирланган. Унинг ички қисмида ярим ой ва юлдуз тасвири бор. Гербнинг марказида бахт ва эрксеварлик рамзи – Ҳумо куши канотларини ёзган ҳолда тасвирланган. Гербнинг пастки қисмида республика Давлат байроғини ифода этувчи чамбар лентасининг бандига “O’zbekiston” деб ёзилган.

3. Геральдлар ва уларнинг вазифалари

Гербларнинг кўплаб ишлатилиши ва кўлланилиши геральдика билан шуғулланувчиларга эҳтиёж туғдирган. Айнан рицарлик турнирларини ўтказувчи, дипломатик келишувларни олиб борувчи, зодагон бойларнинг ваколатли вакили геральдлар этиб белгиланган.

Геральдлар касб-корининг келиб чиқиши ҳам тахминан XII асрга тўғри келади. Ушбу тахминлар рицарлик турнирлари тарихи билан боғлиқ. Геральдларнинг вазифаларига гербларни экспертиза қилиш, турнирни эълон қилиш ишлари кирган. Шу билан бирга, рицарлик турнирларини олиб бориш тартиб-қоидаларини назорат қилиш, уларнинг ёрдамчилари эса турнир вақтида турли белги-огоҳлантиришларни бериб туришган. Шу тартибда геральдлардан ўз соҳаси бўйича кучли хотираси билан ажралиб туриши, гербларни, генеалогия, қариндош-уруғчилик муносабатларини синчиклаб ўрганиши талаб этилган.

Геральднинг вазифасига рицарларнинг жанг қиладиган кунини эълон қилиш, унинг тирик ёки вафот этганлигини аниқлаш, асирларни алмаштиришда меъёрий вақтга амал қилиш ва бошқалардан иборат бўлган. Ушбу вазифалар турли даражадаги геральдлар зиммасига юклатилган. Уларга катта ваколатлар берилиб, улар гербнинг жонли ифодаси сифатида намоён бўлган. Шунинг учун геральднинг камситилиши унинг сеньори ёки бошлигининг камситилиши ҳисобланган. Бирор вазифа билан юборилган геральднинг совға-саломсиз жўнатилиши ҳам унинг хўжайинига нисбатан хурматсизлик белгиси саналган.

Геральд бўлишининг ўзига хос қонун-қоидалари мавжуд бўлган. Масалан, Францияда геральд учун номзодлик даври камида 7 йил бўлган. Дастлаб геральд қошидаги хунармандчилик устахонаси ёки рицарлар қароргоҳида қурол-аслаҳаларни ташиб юрувчи қуролбардор бўлиб ишлаши лозим бўлган. Айни даврда геральднинг ёрдамчиси ҳам бўлган. Геральд ўз фаолиятини бошлаши муносабати билан “чўқинтириш” маросими ўтказилиб, зодагон шахслар томонидан

геральд бошидан вино қуйилиб, у касамёд қабул қилган ва “Геральд” унвонига эга бўлган.

Франция қироллигида 30 та геральд бўлган. Улардан биттаси қирол саройидаги тадбирларни ташкиллаштирган бўлса, қолганлари провинция (маъмурий-худудий бирлик)лардаги герблар билан шуғулланишган. Илк геральдлар фаолияти Англияда XIII асрда қайд этилган, уларнинг иш фаолияти француз ҳамкасблари билан бир хил бўлган. Ўз даврида Ричард III томонидан геральдлар кенгаши ташкил этилган. Феодал даврда йирик феодалларнинг ҳам геральдлари бўлишган. Геральдлар ўз кийимларида хўжайинларининг гербларини тақиб юришган. Шотландияда XIV асрда, Ирландияда 1553 йилдан геральд лавозими таъсис этилган.

Японияда XII асрга қелиб геральдик тизим ишлаб чиқарилган. Унда император оиласининг рамзи, яъни 16 та хризантема гулбарги тасвирланган. Аммо япон геральдикисида гербларнинг пайдо бўлиш жараёни Ғарбий Европа геральдикисидан мутлақ фарқ қилиб, мустикал шаклланган.

XIV асрда Ғарбий Европа мамлакатларида махсус идоралар пайдо бўлиб, улар геральдиканинг назарий ва амалий масалалари билан шуғулланган. Улар геральдия деб аталган. Кейинчалик бу вазибалар билан давлат органлари шуғуллана бошлаган. Россия худудида гербшунослик масалари бўйича ишлар XVIII асрда пайдо бўлган. 1722 йилда Пётр I томонидан Геральдмейстрлик идораси ташкил этилган, унинг вазифасига шаҳар ва шахсий гербларни тайёрлаш ишлари юклатилган. Мазкур йўналишдаги ишлар тараккий этиши билан 1726 йилда Россия Фанлар академиясида геральдика кафедраси ташкил этилган.

Геральдикада асосан 7 хил рангдан фойдаланилган, булар қизил, қора, қўқ, оқ, кейинчалик яшил, сарик, тўқ қизил ранглар.

Геральдик тасвирларни биз турли манбаларда учратишимиз мумкин. Шаклига қўра, уларни тасвирий ва ёзма манбаларга бўлиш мумкин. Геральдикани ўрганишда ўрта асрлар муҳрлари ва улардаги тасвирлар орқали қўпгина маълумотларни олиш мумкин. Герблар тасвирларини турли дипломатик хужжатларларда, қўлёзмалар, суд қарорлари, шажараларга оид китобларда учратиш мумкин. Геральдиканинг қўпгина қонуний асослари ўрта асрларда яратилган ҳуқуқий асарларда қайд этилган.

4. Сфрагистика ёрдамчи тарихий фан сифатида

Сфрагистика сўзи юнон тилидан олинган бўлиб, муҳр деган маънони англатади. Баъзида сигиллография (лотинча) sigillum – муҳр

деган маънони англантиб, тарихий ёрдамчи фан ҳисобланади. Сфрагистика фанининг асосий мақсади — муҳрларни ўрганиш. Хужжатларда сақланиб қолган муҳрлар, давлат ҳокимияти институтлари тарихини ўрганишда сфрагистик хужжатлар муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, муҳрлар геральдика, эпиграфика, нумизматика каби махсус тарих фанлари манбаларини ўрганишда ҳам катта аҳамият касб этади.

Муҳр сўзига умумий тавсиф бериб айтиш мумкинки муҳрлар - хужжатларнинг аслини тасдиқловчи восита ҳисобланади. Ҳозирги кун нуктаи назаридан тавсиф берилганда, муҳр — юридик ёки жисмоний шахснинг номи тўлиқ ёзилган матн (матн ва расм)нинг қабарик ёки ботик тасвири бўлган босма шакл (асбоб). Қоғоз, сургуч, мум ва бошқа материалларга нусха туширишга хизмат қилади. Муҳр нусхасига штамп нусхасидан фарqli ўларок тузатишлар ва қўшимчалар қилиш мумкин эмас. Айримлари герб муҳри деб аталган кўриниш ҳосил қилиб, давлат герби тасвири бўлган думалок шаклда бўлади. Ўтмишда муҳрнинг сопол, мис, пўлат, бронза, қумуш, олтиндан қилинган турлари ҳам бўлиб, тўртбурчак, доира, эллипссимон шаклларда бўлган. Қадимда Ўрта Осиёдаги ҳар бир эътиборли одам, эшон, муфтий, қози, амир, хонларнинг ўз муҳри бўлган. Унинг юзасига эгасининг номи, мансаби ва ясалган йили қайд этилган.

Сфрагистика фани муҳр ёки муҳр қуядиган қолиплари изларини турли манбалар (суяқлар, темирлар, тошлар, дарахтлар ва ҳозирги даврдаги юмшоқ, каучук, резиналар)га туширилган тасвирларни ўрганади.

Сфрагистика материаллари амалий санъат, геральдика, нумизматика, ономастикани ўрганишда, қадимги архивларни аниқлашда муҳим манба ҳисобланади. Муҳрни X-XV асрларда фақат олий ҳокимият вакиллари қўллаб, ўзига хос белгилари билан князь, епископ (Россия), шаҳар ҳокими, мингбоши, ноиб, қози, муфтий муҳри (Ўрта Осиё) ва бошқаларга бўлинган.

Ҳозирги кунда мутахассис олимлар муҳрларнинг ташқи томонлари, яъни ундаги ёзувлар қайси даврга тегишлилигини ўрганиб, унга баҳо беришади.

5. Муҳр турлари

Сфрагистикада муҳрларни ўрганиш иккита гуруҳга бўлинади:

1. Осма муҳрлар (махсус тасмаларга осиб қўйиладиган металлларга туширилган муҳрлар).

2. Босма муҳрлар (тадбиқ қилинган хужжатлар ёки буюмларга босиладиган кўринишда).

Биринчиси, махсус фармон, ёрликларнинг кискич оркали кисиб муҳрланган шакли. Иккинчиси, ҳар хил турда босиладиган штамп муҳрлар.

Штамп ва муҳрлар ҳужжатларнинг аслини тасдиқлаган, улар дастлаб қадимги цивилизация ўчоқларидан ҳисобланмиш Миср, Шумер давлатларида пайдо бўлган.

Илк бора қадимги Шарқда цилиндрсимон штамп муҳрлар тадбиқ этилган. Штамп муҳрлар цилиндрсимон шаклнинг юза қисмига юмшоқ гил билан текисланган махсус тасвир ёки ёзувларни акс эттирган ва ҳужжатлар аслини тасдиқлаш вазифасини бажарган.

Муҳрлар турли кўринишда бўлиб, қадимги Шарқда цилиндрсимон муҳрлардан фойдаланишган. Бармоқ излари асосидаги муҳрлар кичик қўлқопчаларга ўхшаш буюмларга туширилган тасвир ёки ёзувлар тушириладиган муҳрлар шаклида бўлган. Ўрта асрларда Европада ҳужжатларга махсус тасмалар оркали осиб кўйиладиган металлларга туширилган осма муҳрлар кенг тарқалган.

Сфрагистика фан сифатида XVIII асрда дипломатиканинг бир бўлими сифатида шакллана бошлаган. Унинг вазифаси ҳужжатларни тасдиқлаш ҳамда унинг ҳақиқийлигини аниқлашдан иборат бўлган. XIX аср охиридан давлат муассасаларининг шаклланиши ва ривожланиш тарихини ўрганадиган фан сифатида сфрагистиканинг янги даври бошланди. Сфрагистика фан сифатида давлат аппаратидаги ислохотларни акс эттирувчи муҳрларни хронологик тавсифлаш асосида ривожланиб борди.

Сфрагистика француз олими Г.Шлюмбержь, рус олими Н.П.Лихачев асарларида алоҳида қайд этилган. Сфрагистика материаллари амалий санъат, геральдика, нумизматика, ономастикани ўрганишда, қадимги архивларни аниқлашда муҳим манба ҳисобланади.

Муҳрларни ўрганиш князлар, феодаллар ва давлатларнинг ўзаро муносабатлари, давлат ривожланишининг асосий босқичларини аниқлаш учун муҳим маълумотлар олишда тарихчи ва архившунослар учун керак бўлади.

Россия ҳудудида илк муҳрларда, аввало, тасвирлар акс этган. (тахминан 945-972 йиллар).

Ўрта Осиёда муҳрларни ясовчилар муҳрканлар деб аталиб, қадимдан Ўрта Осиёда кенг тарқалган. Амир Темур саройида, Бухоро, Қўқон, Хива хонликлари саройи ва бошқа жойларда муҳрканлик устaxonалари бўлган. Муҳрканлар хонликдаги турли идоралар, муассаса ҳамда амалдорларнинг муҳрларини тайёрлашган. Тилла,

мис, бронза, кумуш ва бошқа буюмларга туширилган тасвир ҳамда ёзувлар ҳаттотлик маҳоратидан далолат берган.

Савол ва топшириқлар

1. Геральдиканинг тарихий фанларни ўрганишдаги амалий аҳамияти нималарда кўринади?
2. Геральдиканинг фан сифатида пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳақида нималар биласиз?
3. Геральдлар ким ва уларнинг вазифаларига нималар қиради?
4. Сфрагистика нимани ўрганади?
5. Интернет веб-саҳифаларидан муҳр турлари ҳақида маълумот тўплаб, маъруза тайёрланг.

Адабиётлар

1. Азбука геральдики, XVIII-начало XX вв. / сост. Введенский Г.Э. -СПб.: 2003.
2. Арсеньев Ю.В. Геральдика: лекции, читанные в Московском археологическом институте в 1907-1908 гг. -М.: 2001.
3. Вспомогательные исторические дисциплины: историография и теория. -Киев, 1988.
4. Геральдика России. XVIII-начало XX вв. / сост. Л.Е.Шепелев. -СПб., 2003.
5. Геральдика. Материалы и исследования. -Л.: 1987.
6. Драчук В.С. Рассказывает геральдика. -М.: 1974.
7. Каменцева Е.И., Устюгов Н.В. Русская сфрагистика и геральдика. 2-е изд. -М.: 1974.
8. Леонтьева Г.А., Шорин П.А., Кобрин В.Б. Ключи к тайнам Клио: палеография, метрология, хронология, геральдика, нумизматика, ономастика, генеалогия: книга для учащихся и студентов. -М.: 1994.
9. Леонтьева Г.А., Шорин П.А., Кобрин В.Б. Вспомогательные исторические дисциплины: учебник для студентов вузов. -М.: 2003.
10. Лукомский В.К. Герб как исторический источник // Краткие сообщения Института истории материальной культуры. Вып. XVII. - М. -Л., 1947. – С. 49-57.
11. Силаев А.Г. Истоки русской геральдики. – М.: 2002.
12. Тарихий манбашунослик муаммолари. / Республика илмий-амалий анжумани материаллари. -Т.: 2008.

IX БОБ. ГЕНЕАЛОГИЯ

1. Генеалогия (шажарашунослик) фанининг шаклланиши ва ривожланиш тарихи

Генеалогия шажара (арабча – дарахт), оила шажараси, аждодлари ва кон-қариндошлик алоқаларига оид мажмуи. Уни тарих фанининг тармоғи, ёрдамчи тарихий фан – генеалогия ўрганadi.

Генеалогия қадимий тарихий фанлардан бири ҳисобланади. Қадимданок одамларда ўз авлодларининг келиб чиқишига кизикиш бўлган. Қадимги давр жамиятида одамнинг ижтимоий аҳволи унинг эркин ёки қарамлигини билдирган. Ўз авлодларининг жасоратлари, қахрамонликлари ҳақидаги маълумотларни билишган ва ғурурланишган. Қадимда римликларда қўмилаётган одамнинг қайси уруғга тегишлилигини билдирувчи расмлар, белгилар қўйиш удуми бўлган.

Бизгача Скандинавия халқларининг қариндош-уруғчилик муносабатларига оид маълумотлар етиб келган. Исланд халқлари ҳақида Арии Торгильтсоннинг “Исландлар ҳақида китоб” номли (1134-1138 йиллар) асарида кизикарли генеалогик маълумотлар берилган. XV асрга келиб Европада шоҳлар сулоласи ҳақидаги маълумотлар пайдо бўла бошлаган, XVI асрда эса генеалогиядан ҳужжатларда, ёрликлар ва бошқа турли ҳужжатларда фойдаланила бошланди.

Генеалогия XVI-XVIII асрларда кенг ривожланди. Бу даврда генеалогиянинг илмий асослари шакллана бошлаган, чунки жамланган мезморий ёдгорликлар, акт ҳужжатлари, мемуар асарларни танқидий ўрганиш ишлари олиб борилган. XVI-XVII асрларда ижтимоий жараёнларнинг жадал суръатда ўсиши номалум оила ёки шажараларнинг қўплаб пайдо бўлишига сабаб бўлган. Савдогар ёки зодагонлар ўз шажараларини узок ўтмишга бориб тақалиши ҳақида жар солишган.

Масалан, XVII аср охирида Англияда Генрих VIII даврида унинг геральдлари барча графликларни айланиб, маҳаллий дворянларнинг асл келиб чиқишини текшириб чиқишган. Улар ҳақидаги маълумотларни черков маълумотномалари, ёрликлар, қариндошлари қабр тошидаги герблар ва бошқаларни ўрганиб, натижаси “ташриф дафтарчаси”га киритилиб, геральдлар идорасида қайд этилган, ушбу маълумотлар ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган. Аниқланган сохта дворянлар ўша графликнинг асосий шаҳарларида хочларга осилган, уларнинг қариндошлари ва яқинларига бу сохта номдан фойдаланиш тақиқланган. Бундай оммавий текширишлар Франция, Германия, Венеция ва Италия каби давлатларда олиб борилган. Францияда фахрий унвонларни сохталаштирганларга жарима солинган.

XVI-XVII асрларда қирол ва аристократлар наслларига тегишли кўпгина генеалогик маълумотномалар нашр этилган. Ушбу ишларнинг пайдо бўлишида тарихчи олимлар томонидан черков, монастыр архивларидаги ҳужжатлар ва бошқа манбалар асосида олиб борилган тадқиқотлар асос бўлган. Француз генеалогиясининг пайдо бўлишига Душене, Дю Буше, Гиенон, Ла Рокка, Сен Марте, Ле Лабурера ва бошқаларнинг меҳнати сингган.

Англияда XVI-XVII асрларда генеалогиянинг ютуқларида 1586 йилда ташкил этилган Елизаветта фаолиятидаги “Ноёб буюмлар” тарихий жамияти сабаб бўлган. У.Бартон, У.Пол, Т.Джекил, С.Арчер, Р.Гловер, У.Кемден ва бошқалар Англия графликларидаги кўпгина маҳаллий дворянлар шажаралари тарихини ёзиб қолдиришган. Инглизларнинг генеалогияга оид асарлари ичида Дугдейл асарлари катта ўрин тутди. Унинг асарлари инглиз баронларининг келиб чиқиш тарихига бағишланган. Испанияда XVII асрда Луис Саласар ва Кастроларнинг аристократлар шажараси ҳақидаги асарлари ҳам нашр этилган.

XVI-XVIII асрларда генеалогиянинг назарий масалаларига илмий қизиқиш кучайиб, генеалогик жадваллар тузиш, қариндош-уруғларни рақамлаш тизимлари каби ишлар олиб борилди. Аста-секин генеалогия масалаларида устунлик немис олимларига (Имгоф, Кох, Келлер) ўтди. 1721 йилда Вена университетиде дастлабки “Генеалогия” кафедраси ташкил этилди. XVIII аср ўрталарида назарий генеалогия бўйича дарсликлар ва маъруза курслари ишлаб чиқилган.

XVIII-XIX асрларда Европадаги буржуа инқилоблари натижасида аристократ ва зодагон оилалар билан шуғулланувчи генеалогик олимларда генеалогияга нисбатан бироз совуққонлик пайдо бўлди. Бу ишлар, айниқса, Францияда “буюк Француз инқилоби”дан сўнг яққол намоён бўлди. Аммо шунга қарамай, баъзан Франция провинцияларидаги дворянлар ҳақида кўпгина маълумотлар нашр этиб турилар эди. Англияда бу ишларнинг тескараси бўлиб, Наполеон қўшинлари юришидан сўнг инглизларда ўз тарихларига қизиқиш ортди, натижада кўпгина генеалогик тадқиқотлар нашр этилди. Немис олимлари ҳам кўпгина тадқиқотлар олиб боришиб, генеалогиянинг назарий масалалари (олимлардан Виль, Гетерер) бўйича устунликни ушлаб туришган. Улар ўз илмий ишларида, дарсликларида биринчи бўлиб генеалогияга дипломатика, геральдика, хронология каби ёрдамчи тарих фани сифатида қарашди. Бу ғояни Оттокар Лоренц тарғиб этиб, генеалогиянинг ижтимоий тарихни ўрганишдаги имкониятлари ва бу йўналишда қўллаш мумкин бўлган статистик усуллари ҳақидаги имкониятларни очиб берди.

XVIII-XIX асрларга келиб генеалогияга бўлган қизиқиш Бельгия, Голландия, Венгрия, Польша, Россия, Скандинавия давлатларини камраб олди. Кейинчалик АҚШ тарихий жамиятларида келиб чиқиши европалик бўлганларда қизиқиш уйғотган, бу фан Америка минтақасига тарқалишига сабаб бўлган. Генеалогия ва тарих жамиятлари ташаббуси билан Европанинг барча хуудларида генеалогик ишлар нашр этила бошланди.

XX асрнинг биринчи ярмида Вена университети профессори О.Форста де Батгальининг генеалогияга доир ишлари нашр этилди. Унинг асарлари ҳозиргача замонавий генеалогияда машҳур ҳисобланади. Бугунги кунда Франция, Германия, Бельгия, Англия давлатларида генеалогиянинг назарий муаммолари устида кўпгина ишлар олиб борилмоқда. Мазкур фанга бўлган қизиқиш туфайли Генеалогия ва геральдика халқаро конгресси ташкил этилиб, унинг биринчи йиғини 1928 йилда Барселонада бўлиб ўтган. 1953 йилда Халқаро генеалогия институти (La Hildalgia) ташкил этилди.

Замонавий генеалогия кўпгина фанлар, жумладан, фақатгина тарихий фанлар билан эмас, балки биология, генетика, тиббиёт, психология ва бошқа замонавий фанлар билан ҳам алоқада бўлиши лозим. Бундан ташқари, генеалогияда кўпгина математик усуллардан фойдаланилади. Генеалогик маълумотлар кўпроқ ижтимоий тадқиқотларда ҳам қўл келади.

Генеалогия аҳоли турли тоифаларининг шаклланиш жараёнларини, уларнинг наслу насаби, молиявий имкониятлари, жамиятдаги ўрни, бошқа сулолалар билан алоқалари каби маълумотларни ҳам ўрганади. Шу билан бирга, уларнинг ижтимоий психологияси ҳам ўрганилади (масалан, касб танлаш сабаблари, авлодининг касби-кори, диний келиб чиқиши). Француз тарихчилари генеалогияни ўрта асрлар давлат муассасалари тарихини, юқори лавозимларнинг келиб чиқиши масалаларини таҳлил қилишда фойдаланишади. Генеалогия тарихий демографияда ҳам кенг фойдаланилади. Барчага маълумки, ўрта асрларда бизга аҳоли сони ҳақида аниқ маълумотлар қолдирилмаган. Генеалогик маълумотлар орқали тахминий маълумотлар олинади. Демографик маълумотларни олиш мумкин, деган фикрга мисол сифатида бирор шажаранинг яшаб ўтган санаси ўрганилади. Масалан, муайян шажара эркак аъзосининг 3 авлоди, аёл аъзосининг 4 авлоди бир аср мобайнида яшаб ўтган. Бунда ота ва бола ўртасидаги ёш 30-35 ёшни ташкил этган. Она билан бола ўртасидаги ёш 20-25 ёшни ташкил этиб, никоҳ ёши, туғилиш ҳақидаги маълумотларни олиш мумкин ҳисобланади.

Генеалогия тиббиёт, биология, генетика, криминалистика тадқиқотларида ҳам қизиқарли маълумотлар бера олади. Одамнинг насли, ота-онадан ўтган 24 та хромасомалар орқали генетик маълумотлар

ўрганилади. Шажаранинг насл-насабини аниқлашда генетик усуллардан ҳам кенг фойдаланилади.

Ўрта Осиё худудида ҳам подшолар, хукмдорлар, афсонавий қахрамонлар насл-насабига кизикиш қадим замонларданок бўлган, лекин ўрта асрларда шажаралар имтиёзли табақаларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг авлод-аждождларини расмийлаштиришга кизикишнинг кучайиши билан алоҳида аҳамият касб этган. Бу, ўз навбатида, XV асрдан бошлаб шажаралар ўртасидаги никоҳ алоқалари ҳақида гувоҳлик берувчиларнинг пайдо бўлишига олиб келган. Бу даврларда уруғ ёки бир-бирига яқин бир неча уруғ аъзоларининг насл-насабига оид бир неча дафтарлар тузила бошлаган. Ўрта Осиёда шажарага оид дастлабки йирик асарлар XV-XVII асрларда пайдо бўлган. Айниқса, Абулғозий Баҳодирхоннинг “Шажарайи турк” ва “Шажарайи тарокима” асарлари XIII-XVII асрлардаги мўғул ва турк уруғлари, хукмдорлари ҳақида қимматли маълумотлар беради. Ўрта Осиёда насаб дафтарига хўжалар, сайдлар ва бошқалар эга бўлиб, бу ҳужжатлар уларнинг пайғамбар, саҳобалар, тархон, беқлар наслидан келиб чиққанлигини кўрсатувчи далил сифатида, шунингдек, солиқ тўлаш, халқ ҳашарларига чиқиш ва бошқа ишларда алоҳида имтиёзга, умуман, жамият ҳаётида юқори мавқега эга бўлиши учун хизмат қилган. Шажара ҳужжатлари дастлаб шахснинг сиёсий мавқеига кўра, гувоҳлар иштирокида хукмдорлар ҳузурда тузилган ва унинг муҳри билан тасдиқланган. Кейинчалик хукмдорлар аввалги муҳрларни кўриб, тасдиқлаб бераверишган.

2. Генеалогик тадқиқот усуллари

Шажаралар устида тадқиқот олиб боришда, аввало, у иккига бўлиб ўрганилади. Биринчи босқичда тадқиқот объекти бўлган шахснинг ўтган барча авлодлари, иккинчи босқичда ундан кейинги авлодлари ўрганилади.

Генеалогик тадқиқотлар олиб боришнинг бошқа усуллари ҳам мавжуд. Шажаралар ҳақидаги маълумотларни график расмийлаштириш ишлари турлича бўлиши мумкин. Ўрта асрларда илк генеалогик тадқиқотларда одам танасига ўхшаш чизмага генеалогик маълумотлар жойлаштирилган. Айнан ота ва она (одамининг) бош қисмида, болалари елкасида, қўллари ва бармоқларида эса унинг яқин қариндошлари жойлаштирилган. Ўрта асрларда шажаралар ҳақидаги маълумотларни генеалогик дарахтларда жойлаштириш кенг тарқалган. Албатта, шажараларни расмийлаштиришнинг ушбу усулининг кенг қўлланиши тасодиқий эмас.

Генеалогик дарахт “дунё дарахти” ёки “ҳаёт дарахти” деб номланиб, унда узок ўтмиш ва ўрта асрлардаги шажаралар тузилиши ҳақидаги

маълумотларни қўлга киритиш мумкин. Универсал “дунё дарахти”да ҳайвонлар, табиий ҳодисалар, инсон шажаралари ҳақидаги маълумотларни киритиш мумкин бўлган. Инсон дарахти унинг ўтмишини, ҳозирги кун ва келажак билан боғловчи, шажаранинг узок ўтмишга бориб такалиши ҳамда давомийлигини изоҳлаган. Баъзан дарахт қуригани ва унинг баргларини тўкилаётганини тасвирлашган, бу унинг барглари ўлиб бормокда, лекин дарахтнинг ўзаги ва шохлари яшашда давом этмокда, деган маънони англатган.

Шажара бошлиғи, яъни тадқиқот олиб борилаётган шахс дарахтнинг илдиз қисмида жойлаштирилган. Дарахтнинг ўзаги ва шохларида ўтган авлодларнинг герб ва портретлари ўрнатилган. Баъзида тескариси бўлиб, шажарани ташкил этган шахслар дарахтнинг илдиз томонига, унинг авлодлари тепа қисмига жойлаштирилган. Шахслар ҳақидаги қўшимча маълумотлар турли хилдаги ранглар орқали берилган. Масалан, турмушга чиққан аёллар бинафша рангдаги медалларда, турмушга чиқмаган қизлар кўк рангда берилган. Фарзандли эркаклар сариқ, фарзандсиз эркаклар қизил ранг, ҳаёт бўлган шахслар яшил рангларда тасвирланган.

Бундан ташқари, генеалогик тадқиқотлар олиб боришда жадвал, доира ва бошка усуллардан фойдаланилган. Тадқиқот олиб боришда рақамлаш тизими ҳам муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Рақамлаш тизими усули испан олими Х.Соса томонидан кашф этилган (Соса-Страдоница тизими). Ушбу тизимда тадқиқот олиб борилаётган шахс бир рақами билан белгиланган. Унинг отаси ва онаси 2-3 рақами билан, отасининг ота-онаси 4-5 рақам билан, онасининг ота-онаси 6-7 рақамлари билан белгиланган. Ушбу рақамлаш тизимига эътибор билан қаралса, ток сонлар аёлларга, жуфт сонлар эркакларга нисбатан ишлатилган.

3. Ҳукмдорлар шажаралари ҳақида маълумот берувчи генеалогик манбалар

“Мусаххир ал-билод” (“Мамлакатларни бўйсундирувчи”) номли асарнинг муаллифи Муҳаммадёр ибн Араб Каттагондир. Унинг ҳаёти ва илмий-адабий фаолиятига оид маълумотлар кам. Ўзининг ёзишича, у XVI асрнинг иккинчи ярми – XVII аср бошларида яшаб ўтган, Шайбоний Абдуллахон соний ва Аштархонийлардан Боки Муҳаммадхон (1603-1606 йиллар)нинг хизматида бўлган.

“Мусаххир ул-билод” Шайбонийлар сулоласининг Абулхайрхондан бошлаб шажараси баёни бўлиб, Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг XV-XVI асрлардаги тарихини ўрганишда муҳим қўлланмалардан бири ҳисобланади. Асар 1610 йил атрофида ёзилган.

Китоб мукаддима ва олти бобдан иборат.

Биринчи боб Абулхайрхоннинг ўгли ва тахт вориси Шох Булоғ Султон, унинг ўғиллари Муҳаммад Шохбахт, Шайбонийхон ва Маҳмуд Султон ҳамда уларнинг авлоди тарихини ўз ичига олади.

Иккинчи бобда Кўчкунчихон (Кўчумхон) ва унинг Самарқандда ҳукмронлик қилган авлоди тарихи баён этилган.

Учинчи бобда Суюнчхожахон ва унинг Тошкент ҳамда Туркистонда ҳукмронлик қилган авлоди тарихи келтирилган.

Тўртинчи бобда хожа Муҳаммадхон ва унинг Мовароуннаҳрда подшоҳлик қилган авлоди тарихи ёзилган.

Бешинчи боб Абдулмўминхоннинг тахтга ўтириши (1598 йил) ва ҳукмронлиги ҳақида ҳикоя қилади.

Олтинчи бобда Бухоронинг диққатга сазовор жойлари, муаллиф билан замондош бўлган Бухорода истикомат қилган шайхлар, олимлар ва шоирлар ҳақида қисқача маълумот берилади.

“Акбарнома” ёки “Иқболнома” номи асар муаллифи Абулфазл Алломийдир. У XVI асрда Ҳиндистонда яшаган йирик тарихнавис олим ва давлат арбобидир. Олимнинг номи Абулфазл ибн Муборак бўлиб, билим доираси жуда кенг бўлгани учун Алломий – билимлар соҳиби деб аташган. У 1551 йил 14 январда Аграда туғилган. Отаси шайх Муборак ибн Хизр ўз даврининг машҳур илоҳиёт олимларидан ҳисобланган. Акаси Абулфайз йирик шоир ва олим бўлган.

Абулфазл Алломийнинг асосий асари “Акбарнома” ёки “Иқболнома” Ҳиндистон ва Афғонистоннинг XVI асрдаги ижтимоий-сиёсий тарихидан баҳс юритади. Маълум даражада “Вақоеъ” ёки “Бобурнома” асарининг давоми сифатида яратилган бу улкан асар уч китобдан иборат. Биринчи китобда Акбарнинг туғилиши, ота-боболари – Бобур, Ҳумоюн, шунингдек, Акбар подшоҳлигининг дастлабки 17 йили ичида бўлиб ўтган ижтимоий-сиёсий воқеалар баён қилинади.

Иккинчи китоб Ҳиндистон ва қисман Шимолий Афғонистоннинг 1573-1601 йиллардаги тарихини ўз ичига олади.

Учинчи китобда Бобурийлар давлатининг тузилиши, Ҳиндистоннинг маъмурий таркиби, аҳолидан йиғиладиган солиқ ҳамда жарималар ва уларнинг миқдори, хиндларнинг дини, урф-одатлари каби масалаларга кенг ўрин берилган. Учинчи китоб мустақил мазмунга эга бўлиб, “Ойини Акбари” (“Акбар қонунлари”) деб номланган.

“Шажарайи Хоразмшоҳий” ва “Хоразм тарихи” асарлари муаллифи серқирра истеъдод соҳиби Муҳаммад Юсуф ибн

Бобожонбек Баёний (1858-1923 йиллар)дир. Баёнийнинг наслу насаби Хива хонлигини кўп йиллар идора қилган Қўнғиротлар сулоласига бориб тақалади. Отаси Бобожонбек Хива хони Элгузархон (1804-1806 йиллар)га набира бўлади.

Баёний йирик тарихнавис олим, Мунис ва Огаҳийларнинг давомчиси сифатида шуҳрат қозонди. Бу соҳада у икки йирик асар яратди.

Баёнийнинг “Шажарайи Хоразмшоҳий” асарида Хоразмнинг туркларнинг қадимги подшоҳи Ёфас ўғлон, Ёфас ибн Нухдан то қўнғирот сулоласигача кечган тарихи баён этилган. Асарнинг энг қимматли қисми Муҳаммад Раҳим (1806-1873 йиллар) ва Асфандиёрхон (1910-1918 йиллар) давригача бўлган сўнги қисмидир.

Олимнинг иккинчи “Хоразм тарихи” китобида Хоразмнинг 1910-1918 йиллардаги ижтимоий-сиёсий ҳаёти кенг ёритилган.

4. Диний сулуқлар тарихига оид манбалар

“Маноқибни хожа Юсуф Ҳамадоний” (“Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг ҳаёт йўли”) номли асар муаллифи Хожাগон тарикатининг асосчиси ва назариячиларидан бири Абдуҳолик ибн Абдулжамил Ғиждувоний (вафоти 1179 йил) бўлиб, у ушбу асарини устози хожа Юсуф Ҳамадонийнинг ҳаёт йўли ва таълимотига бағишлаган.

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, унинг ҳаёти, қароматлари ҳақида ҳикоя қилувчи яна бир муҳим асар Абулмуҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Алининг “Маноқибни хожа Баҳоуддин Нақшбанд” (“Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳаёт йўли”) номли китобидир. Абулмуҳсин Муҳаммад Боқир бу асарини ёзишда Хожойи бузургнинг яқин кишилари билан суҳбатлари чоғида ва хожа Муҳаммад Порсо китобларидан олинган маълумотлардан фойдаланган.

“Маноқибни хожа Баҳоуддин Нақшбанд” муқаддима, хотима ва уч қисмдан (мақсад) иборат.

Муқаддимада Хожойи бузургнинг таваллуд топиши, биринчи қисмда ҳазрат эшон фаолиятининг бошланиши, иккинчи қисмда унинг сулуқлари ва айтганлари, учинчи қисмда ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг кашфу қароматлари баён этилган.

Хотима ҳазрати бузургнинг вафоти хусусида.

“Равзат ус-сафо” (“Соф жаннат боғи”) ёки “Равзат ус-сафо фи сийрат ал-анбиё ва-л-мулк ва-л-хулафо” (“Пайғамбарлар, подшоҳлар ва халифаларнинг таржиман холи ҳақидаги соф жаннат боғи”) номи билан машҳур бўлган асар умумий тарихга оид.

Унинг муаллифи Мир Муҳаммад ибн Саййид Бурхониддин Ховандшоҳ ибн Камолуддин Маҳмуд ал-Балхий бўлиб, асосан Мирхонд (1433-1497 йиллар) номи билан машҳур.

“Равзат ус-сафо” асарини яратишда Мирхонд қиркта муаллиф, яъни араб тилида ижод қилган ўн саккизта, форс тилида ижод қилган йигирма иккита олим ижодига мурожаат қилган. Шак-шубҳасиз, бу асар замонавий тадқиқот даражасида яратилган тарихий ёдгорликдир.

Китоб муқаддима, хотима ва етти жилддан иборат:

1. Дунёнинг “яратилишидан” то Сосоний Яздижард III (632-651 йиллар) давригача;
2. Муҳаммад пайғамбар ва халифаи Рошидин даври;
3. 12 имом тарихи; Умавий ва Аббосий халифалари;
4. Аббосийлар билан замондош сулолалар;
5. Чингизхон ва унинг авлоди;
6. Амир Темур ва унинг авлоди то Султон Абу Саид вафотигача (1469 йил);
7. Султон Хусайн ва унинг авлоди тарихи (1523 йилгача) баён этилган. Сўнги 7-жилди мусаввадалигича қолиб кетган, уни Хондамир тўлдириб, оққа кўчирган.

“Равзат ус-сафо” асарининг 1-6-жилдлари компиляция - бошқалар асаридаги маълумотлар асосида ёзилган бўлса-да, кўплаб манбалардан фойдаланиш асосида яратилгани учун бу қисм ҳам катта илмий қийматга эга. 6-жилднинг бир қисми ва 7-жилд янги маълумотлар, муаллиф ўзи кўрган, билган ва шохиди бўлган воқеалар баёнидан бўлганлиги учун катта аҳамиятга эга.

“Мақомоти хожа Аҳроп” (“Хожа Аҳропнинг ҳаёти”) номли асар нақшбандия тариқатининг яна бир йирик намоёниси, маърифатпарвар ва раиятпарвар инсон хожа Убайдулла Аҳроп Валининг ҳаёти, ижтимоий-сиёсий фаолиятига бағишланган. Бу китоб эшон буванинг набираси хожа Абдулло томонидан XVI асрда ёзилган. Хожа Абдулло ёшлигидан бобосининг хизматида бўлган ва мазкур асарида ҳазрат эшондан, унинг яқинлари ва мулозимлари, беқлар ва амирлардан эшитган, шунингдек, Темурийзодалар Султон Аҳмад (1469-1494 йиллар) ва Умаршайхдан эшитганларини тўплаб, китоб холига келтирган.

Асарда Ўзбекистон ва у билан қўшни мамлакатларнинг XV асрдаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаётига оид қимматли маълумотлар бор.

“Равзат ур-ризвон ва ҳадиқат ул-ғилмон” (“Жаннат боғи ва чангалзор махрамлари”) асари Бадриддин Кашмирий қаламига

мансуб бўлиб, унда XVI-XVII асрларда Ўзбекистонда ва қўшни мамлакатлар, Хуросон, Шимолий Ҳиндистон ва Қошғарнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта нуфузга эга бўлган Жуйбор хожаларининг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилинади. Китоб XVII асрнинг биринчи ярмида ёзиб тамомланган.

Асар муаллифининг тўла номи Бадруддин ибн Абдуссалом ибн саййид Иброҳим ал-Ҳусайний ал-Қашмирийдир. Асар муқаддимасида ўзи келтирган маълумотларга қараганда, асли кашмирлик бўлиб, 1554 йили Бухорога кўчиб келган ва хожа Муҳаммад Исломининг шахсий котиби сифатида унинг хизматида кирган. Вафотидан кейин ўғиллари хожа Саъд ва хожа Тожиддин Ҳасанларнинг хизматида бўлган.

Асар мазмуни, усули ва унда турли мавзу бўйича тўпланган маълумотлардан кўринишича, Бадриддин Қашмирий, тарих, шеърят, иншо илмларини чуқур эгаллаган киши бўлган.

“Равзат ур-ризвон ва ҳадиқат ул-ғилмон” 552 варақдан иборат асар бўлиб, муқаддима, хотима ва етти бобдан ташкил топган.

Муқаддимада хожа Муҳаммад Исломининг авлод-аждоди, ҳазрат эшоннинг хулқ-атвори, хорик одатлари ва олижаноб фазилатлари ҳақида маълумотлар келтирилади, Бадриддин Қашмирийнинг Бухорога кўчиб келиш сабаблари, мазкур асарнинг тўрт йил ичида ёзиб тамомланганлиги, бунинг эвазига ҳазрат эшондан 2.500 Абдуллахоний кумуш танга ва бошқа инъомлар олгани ҳақида гап боради.

Биринчи бобда Мовароуннаҳрнинг XVI асрнинг биринчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий ҳаёти, 1556 йили Бухоронинг Абдуллахон соний тарафидан ишғол этилиши, Абдуллахоннинг ғалабалари ва бунда хожа Муҳаммад Исломининг иштироки, ўрни ҳақида қимматли, кўп ўринларда тарихий асарларда учратиш кийин бўлган маълумотлар мавжуд.

Асарнинг иккинчи боби ўта қимматли. Унда Шайбоний султонлар – Муҳаммад Амин султон, Динмуҳаммад султон, Хисрав султон, Абдуқуддус султонларнинг хожа Муҳаммад Ислом ва хожа Саъд номига йўллаган арзномалари ва Бухоро, Самарқанд, Марв ҳамда Бадахшон шоирлари Мушфикий, Маҳрабий, Шуурий, Восифий, Сабрий ва бошқаларнинг ҳазрат эшон – хожа Муҳаммад Ислом ва хожа Саъдлар шарафига битган шеърларидан намуналар берилган. Келтирилган арзномалар, шунингдек, хон ва султонларнинг фармонлари асосан уч масала: 1) Бухоро хонлигининг XVI асрдаги ички аҳволи, яъни марказий ҳукумат билан улус, вилоят, ўлка ҳокимлари ўртасидаги муносабат; 2) хонликларнинг ижтимоий-

иктисодий аҳволи; 3) Бухоро хонлиги билан Эрон, Шимолий Ҳиндистон ва Қошғар ўртасидаги муносабатлар масаласи қаламга олинган. Арзномалар ва шеърлар Ўзбекистоннинг XVI асрдаги ижтимоий-иктисодий ҳаёти ҳамда маданиятини ўрганишда катта аҳамиятга эга.

Асарнинг учинчи ва тўртинчи бобларида хожа Муҳаммад Исломининг XVI аср 60-йиллари бошидаги ҳаёти, фаолияти билан боғлиқ маълумотлар келтирилади, шунингдек, Жуйбор хожаларининг мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ҳаётига онд маълумотлар ўрин олган.

Асарнинг бешинчи боби ҳам ёзишмаларга бағишланган. Бу бобда Абдуллахоннинг хожа Муҳаммад Ислом ва хожа Саъдга йўллаган 100 дан ортиқ мактубининг нусхалари, Шайбоний султонлар, йирик олимлар ва вилоят ҳокимлари, шунингдек, Ҳиндистон, Эрон ва Қошғар ҳукмдорларининг Жуйбор хожаларига йўллаган мактубларининг нусхалари келтирилган. Булар орасида ҳазрат хожаларга инъом этилган мулклар, ҳазрат эшоннинг ерларини обод қилишига аҳолини мажбурий сафарбар қилиш ва деҳқонларни ерга бириктириш ҳақидаги фармонларнинг нусхалари келтирилган.

Асарнинг сўнгги еттинчи бобида Бухоро хонлигининг хожа Саъд ва Абдуллахон давридаги ижтимоий-сиёсий аҳволи ҳақида муҳим, эътиборга сазовор маълумотлар келтирилади.

Савол ва топшириқлар

1. Генеалогия фани нимани ўрганади?
2. Генеалогик тадқиқот усуллари нималардан иборат?
3. Ҳукмдорлар шажаралари ҳақида маълумот берувчи генеалогик манбаларга мисоллар келтиринг.
4. Интернет веб-саҳифаларидан генеалогия фанига доир маълумотларни тўплаг.

Адабиётлар

1. Аксенов А.И. Генеалогия // Вопросы истории. 1972, № 10.
2. Босворт К.Э. Мусульманские династии. -М.: 1971.
3. Генеалогические исследования. Сборник научных трудов. -М.: 1993.
4. Генеалогия. Источники. Проблемы. Методы исследования. -М.: 1989.
5. Генеалогический вестник.-СПб., 2001-2003, № 1-15.
6. Дмитриева О.В. Генеалогия // Введение в специальные исторические дисциплины. -М.: 1990. -С. 6-39.
7. Иванов П.П. Хозяйства Джуйбарских шейхов. К истории землевладения Средней Азии XVI-XVII вв. -М.-Л.: 1945.
8. История и генеалогия. -М.: 1977.
9. Кром М.М. Историческая генеалогия // Специальные исторические дисциплины: учеб. пособие (С.В.Белецкий, З.В.Дмитриева др.) -СПб.: 2003. -С. 368-397.
10. Медушевская О.М. Историческая наука и генеалогия // Вопросы истории. 1970, № 2. -С. 180-190.
11. Медушевская О.М. О проблемах генеалогии // Советские архивы. 1989, № 6. -С. 25-34.
12. Собрание восточных рукописей АН УзССР. Т. 1. -Т.: 1952.
13. Тарихий манбашунослик. / Ўқув қўлланма. Тузувчилар А.А. Мадраимов, Г.С. Фузаилова. -Т.: Фан. 2006.

СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ УЧУН ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН МАВЗУЛАР

1. Махсус тарихий фанлар асослари ва вазифаси.
2. Палеографиянинг предмети, вазифалари.
3. Ўзбек палеографияси тарихи.
4. Археографиянинг предмети, вазифа ва асосий хусусиятлари.
5. Эпиграфика асослари.
6. Урхун-Енисей ёзувлари ва уларнинг аҳамияти.
7. Нумизматика асослари. Нумизматиканинг асосий тушунчалари.
8. Ўзбекистон тангалари.
9. Топонимиканинг асосий вазифаси.
10. Антропотопонимлар. Топонимика ва тарих.
11. Тарихий картография ва унинг асосий йўналишлари.
12. Хронология фанининг вазифалари.
13. Метрология. Метрология фанининг ривожланиш тарихи.
14. Ўзбекистон Республикасининг “Метрология тўғрисида”ги Қонуни.
15. Дипломатика илмий фан сифатида.
16. Марказий Осиёдаги расмий ёзишмалар манба сифатида.
17. Геральдиканинг тарихий фанларни ўрганишдаги амалий аҳамияти.
18. Геральдлар ва уларнинг вазифалари.
19. Сфрагистика ёрдамчи тарихий фан сифатида.
20. Муҳр турлари.
21. Генеалогия (шажарашунослик) фанининг шаклланиши ва ривожланиш тарихи.
22. Генеалогик тадқиқот усуллари.
23. Хукмдорлар шажаралари ҳақида маълумот берувчи генеалогик манбалар.
24. Диний сулуклар тарихига оид манбалар.
25. Ўзбекистон Республикасининг “Архивлар тўғрисида”ги Қонуни.

МУСТАҚИЛ ИШ УЧУН МАВЗУЛАР

1. Тарих, архившунослик фанларини ўрганишда махсус тарихий фанларнинг ўрни.
2. Курс бўйича асосий адабиёт ва манбалар.
3. Палеографиянинг фан сифатида шаклланиши.
4. Палеографиянинг ўзига хос хусусиятлари. Араб палеографияси.
5. Археографиянинг мақсад ва вазифалари. Фан сифатида шаклланиши ва ривожланиши.
6. Эпиграфика. Эпиграфик ёдгорликлар.
7. Бехистун ёзуви - жаҳоннинг йирик эпиграфик намуналаридан бири.
8. Нумизматиканинг фан сифатида шаклланиши.
9. Нумизматиканинг асосий тушунчалари.
10. Ўрта Осиё ҳудудидаги илк ўрта асрлар тангалари.
11. Топонимика. Топонимларнинг таснифи. Топонимика ва тарих.
12. Тарихий картография илмий фан сифатида
13. Ўзбекистонда картография фани тарихи.
14. Ўрта Осиё олимларининг картографик тадқиқотлари.
15. Тарихий ва астрономик хронология. Хронологиянинг фан сифатида вужудга келиши.
16. Уйғониш даврида хронология фанининг ривожланиши.
17. Метрология фанининг мақсад ва вазифалари.
18. Дипломатиканинг мақсад ва вазифалари.
19. Геральдиканинг пайдо бўлиши ва ривожланиши. Геральдлар ва уларнинг вазифалари.
19. Сфрагистика ёрдамчи тарихий фан сифатида.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I БОБ. ПАЛЕОГРАФИЯ	
1. Палеография тарихи. Унинг фан сифатида пайдо бўлиши ва ривожланиши.....	5
2. Ёзув материаллари тарихи.....	10
3. Ёзув куруллари.....	12
4. Қўлёзмаларнинг безаги ва шакли.....	14
5. Махфий ёзув (криптография).....	17
6. Араб палеографияси.....	19
7. Ўзбек палеографияси тарихидан.....	21
II БОБ. АРХЕОГРАФИЯ ВА ЭПИГРАФИКА	
1. Археографиянинг мақсад ва вазифалари. Фан сифатида шаклланиши ва ривожланиши.....	27
2. Эпиграфика.....	32
3. Жаҳоннинг йирик эпиграфик ёдгорлиги.....	34
4. Урхун ва Енисей ёзувлари.....	35
III БОБ. НУМИЗМАТИКА	
1. Нумизматика фанининг мақсад ва вазифалари.....	38
2. Нумизматикага оид тадқиқотлар.....	39
3. Нумизматиканинг асосий тушунчалари.....	40
4. Ўзбекистон тангалари.....	41
5. Ўрта Осиё худудидаги илк ўрта асрлар тангалари.....	42
IV БОБ. ТОПОНИМИКА АСОСЛАРИ	
1. Топонимика. Фаннинг мақсад ва вазифалари.....	52
2. Топонимларнинг таснифи ва уларнинг бўлиниши.....	53
3. Антропотопонимлар.....	55
4. Топонимика тарихидан.....	60
5. Топонимика ва тилшунослик.....	64
6. Топонимика ва география.....	67
7. Топонимика ва тарих.....	70
V БОБ. ТАРИХИЙ КАРТОГРАФИЯ ВА УНИНГ АСОСИЙ	
ЎНАЛИШЛАРИ	
1. Карта ва картография ҳақида қисқача тушунча.....	73
2. Тарихий карталар.....	77
3. Тарихий картография.....	79
4. Ўзбекистонда картография фани тарихи.....	82
5. Ўрта Осиё олимларининг картографик тадқиқотлари.....	84

VI БОБ. ХРОНОЛОГИЯ ВА МЕТРОЛОГИЯ

1. Хронология – вақт тўғрисидаги фан. Тарихий ва астрономик хронология.....	91
2. Европада хронология фанининг вужудга келиши ва таракқиёти.....	92
3. Ўрта Осиё олимларининг хронология ривожланишига кўшган ҳиссалари.....	94
4. Метрология фанининг мақсад ва вазифалари.....	98
5. Метрология фанининг ривожланиш тарихи.....	99
6. Ўзбекистон Республикасининг “Метрология тўғрисида”ги Қонуни.....	104

VII БОБ. ДИПЛОМАТИКА

1. Дипломатика. Дипломатик ҳужжатлар тарихи.....	107
2. Дипломатика фанининг объекти ва предмети.....	112
3. Расмий ёзишмалар (дипломатика)га доир манбалар.....	113

VIII БОБ. ГЕРАЛЬДИКА ВА СФРАГИСТИКА

1. Геральдиканинг тарихий фанларни ўрганишдаги амалий аҳамияти.....	116
2. Геральдиканинг пайдо бўлиши ва ривожланиши.....	117
3. Геральдлар ва уларнинг вазифалари.....	120
4. Сфрагистика ёрдамчи тарихий фан сифатида.....	121
5. Мухр турлари.....	122

IX БОБ. ГЕНЕАЛОГИЯ

1. Генеалогия (шажарашунослик) фанининг шаклланиши ва ривожланиш тарихи.....	125
2. Генеалогик тадқиқот усуллари.....	128
3. Ҳукмдорлар шажаралари ҳақида маълумот берувчи генеалогик манбалар.....	129
4. Диний сулуқлар тарихига оид манбалар.....	131
СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ УЧУН МАВЗУЛАР.....	136
МУСТАҚИЛ ИШ УЧУН МАВЗУЛАР.....	137

**ЗОКИРЖОН САИДБОБОВ
ШЕРЗОДЖОН ЧОРИЕВ**

МАХСУС ТАРИХИЙ ФАНЛАР АСОСЛАРИ

**5320300-Архившунослик бакалавриат йўналиши талабалари
учун дарслик**

Мухаррир М.А.Хакимов

Босишга рухсат этилди 16.08.2017й. Бичими 60X84 ¹/₁₆ Босма табоғи 8,75.
Шартли босма табоғи 7,5. Адади 100 нусха. Бахоси келишилган нархда.
Буюртма № 131

«Университет» нашриёти. Тошкент, Талабалар шаҳарчаси,
ЎЗМУ маъмурий биноси.

Ўзбекистон Миллий университети bosмахонасида босилди.
Тошкент, Талабалар шаҳарчаси, ЎЗМУ.

